

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Консбаев Махмуд Ахметкулович

Чегара ҳудудларининг иқтисодий- ижтимоий ривожланиши
(Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари мисолида)

Мутахассислик: 5А440501- Иқтисодий ва ижтимоий география
География магистри академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимоя учун рухсат этилади

Илмий раҳбар:
г.ф.д., проф. А Солиев

Ижтимоий география, минтақавий
иқтисодиёт ва демография кафедраси
муdiri:-----

г.ф.н., доц. Назаров.М
“___” “_____” 2011

Мундарижа

Кириш	3-6
I. боб. Чегара ҳудудлари ва уларни географик тадқиқ қилиш	
1.1.Чегара ҳудудларининг табиий шароитлари ва табиий ресурслари.....	7-14
1.2.Чегара ҳудудларини иқтисодий географик тадқиқ қилиш.....	14-22
1.3. Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатлари, уларни тартибга солувчи минтақавий ва икки томонлама шартнома ва битимлар.....	22-42
II. боб. Тошкент вилояти чегара ҳудудларининг иқтисодий ижтимоий ривожланиши	
2.1 Чегара ҳудудлари аҳолиси, меҳнат ресурслари ва улар жойлашувини тарихий ва сиёсий географик жиҳатлари.....	43-54
2.2 Чегара ҳудудлари хўжалигини таркибий тузилиши ва ривожланишининг географик хусусиятлари	54-69
2.3 Чегара ҳудудлари ташқий иқтисодий алоқалари ривожлинишининг иқтисодий географик жиҳатлари	69-88
III. боб. Жанубий Қозоғистон вилоятининг иқтисодий – ижтимоий ривожланиши	
3.1 Жанубий Қозоғистон вилояти иқтисодий ижтимоий ривожланишининг географик жиҳатлари.....	89-101
Хулоса.....	102-105
Фойдаланилган адабиётлар	106-109
Иловалар	110-120

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Фан – техника ва ҳўжалик алоқалари тизими тараққиёти натижасида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувининг чуқурлашуви мамлакатлар ўртасида савдо – иқтисодий, маданий – илмий алоқаларнинг ривожланишига, бир ҳудудда жойлашган мамлакатлар ўртасида интеграцион алоқаларнинг фаоллашувига олиб келмоқда. Шу билан бирга, дунёда мутлоқ янги кўриниш ва шаклдаги геосиёсий ва геоиқтисодий тизимлар шаклланмоқда – ки, бундай шароитда ҳар бир давлатнинг халқаро муносабатлардаги иштироки билан бир қаторда ўзига чегарадош бўлган давлатлар билан ташқи иқтисодий-иҷтимоий алоқаларини чуқурлаштиришини талаб этади.

Бугунги кунга келиб мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётга бозор муносабатларини жорий қилиш ва жаҳон ҳўжалик тизимида ўз ўрнини эгаллаш ғоялари нафақат Ўзбекистон балки барча Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятларини бирлаштиришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Ресубликаси Марказий Осиё минтақасига кирадиган бешта давлатни ўзаро боғлайдиган бамисоли кўприк сифатида минтақа ўртасида жойлашган. Бу ҳудудда фақат Ўзбекистон минтақанинг барча давлатлари билан бевосита чегарадошдир. Бундай ҳолат эса унга жуда катта иқтисодий-иҷтимоий географик имконият бериши билан бир қаторда муҳим иқтисодий-иҷтимоий географик маъсулият ҳам юклайди. Таъкидлаш жоизки Ўзбекистон учун Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Қозоғистон Ресубликаси билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Икки давлат муносабатларида эса Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари туташ минтақаларининг иқтисодий-иҷтимоий географик ўрни алоҳида мазмун касб этади. Бундай омиллар ушбу чегарадош минтақаларни ҳар томонлама чуқурроқ ўрганишни долзарблигини белгилайди.

Диссертациянинг тадқиқот объекти-сифатида Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятларининг чегара ҳудудлари ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий географик жиҳатлари олинган. Чегара ҳудудларининг ўзаро иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги қонуниятларни очиб бериш, унинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омилларини белгилаш ва ўзаро муносабатларнинг иқтисодий-ижтимоий географик йўналишларини ишлаб чиқиш тадқиқотнинг предмети белгилайди.

Диссертация ишининг мақсад ва вазифалари. Ишнинг мақсади ҳозирги замон глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан яъни чегарадош минтақаларни ўзаро иқтисодий ва ижтимоий алоқаларинининг назарий ва амалий жиҳатларини очиб бериш ва унинг иқтисодий-ижтимоий географик асосларини ёритишдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланади:

-Чегара ҳудудларининг иқтисодий алоқаларининг назарий ва методологик асосларини ўрганиш;

-Чегара ҳудудларининг иқтисодий алоқалари ривожланишидаги қонуниятларни аниқлаш;

-Ўзбекистон чегара (Тошкент вилояти) ҳудудларининг иқтисодиёти (тармоқлари)ни мустаҳкамлашда қўшни давлат туташ минтақаларининг тутган ўрнини очиб бериш

-Чегара ҳудудларини иқтисодий географик тадқиқ қилиш;

-Туташ ҳудудларнинг асосий иқтисодий алоқа йўналишларини кўрсатиб бериш;

Тадқиқот ишининг назарий ва методологик асослари. Илмий иш Президент И.А.Каримов асарларида ўз аксини топган. Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари, республикамиз қонунлари, ҳукумат қарорларида, минтақавий иқтисодиёт ва геосиёсат фанлари назариясига асосланган. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги барча давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан чегара ҳудудларида келиб

чиқиши мумкин бўлган, муаммоларнинг олдини олишга қаратилган сиёсий – иқтисодий ва ижтимоий ҳаракатларда ва ушбу туташ минтқалардаги трансчегаравий иқтисодий – ижтимоий географик объектлардан(дарё ва каналлар, сув омборлари ва кўллар, автомобил ва темир йўллари, қувур йўллари ва электр линиялари ва ҳоказолар) ўзаро ҳамкорликда фойдаланиш борасидаги келишув шартномалари ва битимларида ўз аксини топган.

Ишда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, Тошкент вилояти Статистика Бошқармаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги(www.mfa.uz), Жанубий Қозоғистон вилояти статистика департаменти маълумотларидан, махсус адабиётлар ва журналлардан, шунингдек, ИНЕРНЕТ саҳифалари маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Илмий тадқиқот жараёнида иқтисодий – статистик, географик таққослаш, картографик, тизим – таркиб, мантикий таҳлил усуллари қўлланилган.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг ҳимоя учун илгари сурилган илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Чегарадош минтқаларни ривожланишининг иқтисодий-ижтимоий географик асослари ўрганилди;

- Чегара ҳудудлари иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ қилинди;

- Ўзбекистоннинг қўшни Қозоғистон билан ташқи иқтисодий ва ижтимоий алоқаларининг географик хусусиятлари тадқиқ қилинди;

- Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтқаси чегара ҳудудларидаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий муносабатларни тартибга солиб турувчи икки томонлама, минтақавий ва халқаро шартнома ва битимлар ўрганилди;

- Тошкент вилоятининг қўшни Жанубий Қозоғистон билан чегарадош ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида ўзаро иқтисодий-ижтимоий географик алоқаларнинг тутган ўрни баҳоланади;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий – амалий хулоса ва тавсияларидан Чегара ҳудудларини иқтисодий географик

тадқиқ қилишда, Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятларининг чегарага туташ ҳудудларини ўзаро ҳамкорликда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, трансчегаравий объектлардан ҳамкорликда фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқишда, Қозоғистон Республикаси билан самарали иқтисодий-ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш асосларини белгилашда фойдаланиш мумкин

Ишнинг синалганлиги ва нашр этилганлиги. Диссертация ишининг натижалари бўйича “Чегара ҳудудларининг иқтисодий–ижтимоий ривожланишининг географик жиҳатлари” - Т., 2010 й, “Чегара ҳудудларини иқтисодий географик тадқиқ қилиш” – Т., 2011 й. Мавзуларидаги республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижалари муаллиф томонидан нашр қилинган 2 та мақолада ўз аксини топган.

Ишнинг таркиби ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. I бобда Чегара ҳудудлари ва уларни географик тадқиқ қилиш, Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларини тартибга солувчи икки томонлама шартнома ва битимлар, чегара ҳудудларини иқтисодий географик тадқиқ қилишнинг назарий асослари тадқиқ этилган.

Ишнинг иккинчи бобида чегарага туташ минтақаларнинг табиий шароит ва табиий ресурслари, аҳолисининг жойлашуви, хўжалигининг тармоқлар таркиби ва унинг ривожланишига транспорт тизимининг таъсири, Тошкент вилоятининг ташқи иқтисодий алоқаларининг иқтисодий-географик жиҳатлари ўрганилган.

Учинчи бобда Жанубий Қозоғистон вилояти хўжалигининг тармоқлар таркиби ва унинг ҳудудий жойланиши, аҳолиси ва унинг ҳудудий жойлашуви, Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг истиқбол йўналишлари тадқиқ этилган.

I. боб. Чегара ҳудудлари ва уларни географик тадқиқ қилиш

1.1 Чегара ҳудудларининг табиий шароити ва табиий ресурслари

Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг шимоли – шарқида Сирдарё билан Ғарбий Тяншан тоғ тизмалари орасидаги Чирчиқ – Оҳангарон ва қисман Келес водийсида жойлашган. Вилоят шимолда Қозоғистон, шимоли – шарқида Қирғизистон давлати ва Наманган вилояти, жанубда Тожикистон давлати ва Сирдарё вилояти билан чегарадошдир.

Вилоят ҳудудининг умумий майдони 15.6 минг кв. км га тенг бўлиб, шимоли – шарқдан жануби – ғарбга 280 км га шарқдан – ғарбга эса 180 км га чўзилган. Ҳудудининг катталиги жиҳатидан вилоятлар орасида 7 – ўринда туради.

Табиий шароити хилма – хил бўлиб, ер юзаси ҳам анча мураккаб тузилган, жанубий – ғарби текисликдан, шимоли – шарқида ва шарқда тоғли ҳудудлардан иборат. Ер юзаси Сирдарё томон пасайиб боради. Вилоят ҳудуди табиий шароити ва аҳамиятига кўра икки қисмга ажратилади: тоғлик қисми (Ғарбий Тяншан тоғ тизмалари) ва текислик (Чирчиқ – Оҳангарон, Келес ва Сирдарё водийлари ва текисликлари) қисми.

Вилоятнинг шимолий ва шимоли – шарқий қисмларидаги тоғлар Ғарбий Тяншан тоғ тизмалари ҳисобланган Қоржонтоғ, Угом, Писком, Чотқол, Талас ва Қурама тизмаларидир. Бу тоғ тизмаларининг энг баланд жойи Писком тоғ тизмасидаги Аделунг тоғи бўлиб, унинг баландлиги 4301 м га тенг.

Тоғларда гранит, палеозой оҳактошлари, кумтош ва сланецлар, кўнғир кўмир, мармар, рангли металл рудалари (молибден, олтин, кумуш, вольфрам, кўрғошин, рух каби металллар билан аралаш ҳолда), каолин, алюминий хом ашёси алунит, кварц кумлари, тоғ ёнбағирларида ва дарё водийларида

палеоген, неоген, антропоген даврларининг шағал, қум ва гил қатламлари кенг тарқалган. Бу тоғ тизмаларини Чотқол, Кўксув, Угом, Оҳангарон каби катта-кичик дарё водийлари кенг сойликлар, тор зовлар бир-биридан ажратиб туради.

Вилоятнинг Қозоғистон билан чегараларининг ярмига яқини Угом ва Қоржонтоғ тизмалари орқали ўтади. Угом тизмаси жануби-ғарбдан шимоли-шарққа томон йўналган. Писком ва Угом дарёлари орасида жойлашган бўлиб, 115 км га чўзилган. Бу тизма Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон чегаралари туташадиган Манас тоғ узели яқинида Талас Олатоғи билан туташади.

Угом тизмаси қояли, ёнбағирлари тик, чуқур сойлар кўп. Унинг ўртача баландлиги 3000 м, айрим чўққиларининг баландлиги 3500-4000 м га етади. Энг баланд жойи Ўзбекистон чегараси яқинидаги Сайрам чўққисининг баландлиги 4236 м. Бу чўққидан шимоли-шарқда Угом тизмаси бир қанча тармоқларга бўлинади. Угом ва Қоржонтоғ тизмаларида алунит, мармар, кварцли қумлар каби бир қанча минерал ресурслар мавжуд. Бу тоғ тизмалари ўзининг бетакрор рекреацион ресурсларига эга бўлиб, тоғ этакларида кўплаб соя боғлар, дам олиш масканлари, санаториялар бунёд этилган.

Қоржонтоғ тоғ тизмаси Угом тизмасининг ғарбий ёнбағридан унга параллел йўналишда ажралиб чиқади. Қоржонтоғ тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисми вилоятнинг Қозоғистон билан чегарасига тўғри келади. Қоржонтоғ тизмасининг энг баланд чўққиларидан бири Мингбулоқ (2824 м) ҳам вилоятнинг Қозоғистон билан чегарасига туташ жойлашган.

Писком ва Чотқол дарёлари оралиғида Угом тизмасига параллел ҳолда Писком тизмаси жойлашган. Вилоятнинг шимоли-шарқий чегараси шу тизма орқали ўтади. У Ўзбекистон ва Қирғизистон чегараларини ажратади. Энг баланд нуқтаси шимоли-шарқий қисмидаги Бештор (4291 м) чўққиси бўлиб, бу чўққида вилоятнинг Қирғизистон билан чегараси туташади. Шунингдек, вилоятнинг Қирғизистон билан чегараси Талас Олатоғи ва Чотқол тоғ

тизмалари орқали ўтади. Писком тизмаси палеозой оҳактошлари ҳамда гранит, сиенит жинсларидан таркиб топганлигидан жуда кўп қояли, қиррали, ёнбағирлари тик, чўққилари эса анча баланд ва ўткирдир. Тизманинг ўртача баландлиги 3200 м. Аммо, айрим чўққилари 4300 м га ҳам тенг. Тизмада 47 та кичик музлик бўлиб, энг катталарининг узунлиги 4-5 км га етади. Писком тизмаси Чирчиқ дарёсининг асосий сув манбаи ҳисобланади. Бу тизмада фойдали қазилмалардан кўпроқ вольфрам учрайди. Тизманинг деярли барча қисми Чотқол миллий боғига қарашли.

Пискомга параллел ҳолда ундан жануби-шарқ томонда Чотқол тизмаси жойлашган. Бу тизма жануби-ғарбга қараб 250 км га чўзилган. Унинг жануби-ғарбий қисми вилоят ҳудудига киради. Чотқол тизмасида минерал қазилма бойликлардан алунит, вольфрам, кўрғошин ва рух, олтин билан бир қаторда тизма этакларида оҳактошлар, флюорит, ўтга чидамли материаллар билан бир қаторда цемент хом ашёлари ҳам кўплаб учрайди.

Чотқол тизмасидан жануби-ғарб томонга Қурама тизмаси йўналган. Бу тизма орқали вилоятнинг Тожикистон Республикаси ва Наманган вилояти билан чегараси ўтади. Қурама тизмасининг шимолий ёнбағирлари, яъни Ўзбекистон Республикасига тегишли томони анча емирилган ва уни Оҳангарон дарёсининг чап ирмоқлари ўйиб юборган. Тизманинг ўртача баландлиги 1800-2000 м, энг баланд жойи – Бобоиоб чўққисининг мутлоқ баландлиги 3769 м. Қурама тизмаси нафақат вилоят, балки Ўзбекистон ва Тожикистон иқтисодиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бу тоғ тизмасида минтақадаги муҳим рангдор металл рудаларидан мис ва полиметалл рудалари (молибден, олтин, кумуш, вольфрам, кўрғошин, рух каби металллар билан аралаш ҳолда чиқадиган) конлари билан бир қаторда Ўзбекистондаги энг йирик қўнғир кўмир конлари ҳам жойлашган. Қурама тизмасидаги юқорида кўрсатиб ўтилган қазилма бойликлар негизида Ўзбекистондаги энг йирик Ангрен-Олмалиқ оғир саноат зонаси шаклланган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вилоятдаги деярли барча тоғ тизмалари унинг қўшни давлатлар билан табиий чегаралари бўлиб хизмат қилиш билан бир қаторда вилоят иқтисодий ҳаётида ҳам энг асосий ўрин тутди. Бундан ташқари, бу тоғ тизмаларини нафақат вилоят аҳолиси учун, балки унга қўшни минтақалар аҳолиси учун ҳам муҳим рекреация ресурслари деб ҳисоблаш мумкин. Ва ундан унумли фойдаланишни самарали ташкил этилса, вилоят иқтисодиёти учун яна бир ижобий ютуқлардан бири бўлади. Шуни тан олиб айтиш мумкинки, вилоятда тиббий хизмат ва умуман хизмат кўрсатиш даражаси ва маданияти унга чегарадош минтақалар (вилоятлар, давлатлар) га нисбатан яхшироқ йўлга қўйилган.

Ушбу магистрлик диссертацияси учун маълумот олишда қўшни Жанубий Қозоғистон вилояти аҳолиси орасида ўтказилган сўров-кузатув асосида шунга амин бўлиндики, сўров-кузатув олиб борилган аҳолининг ҳар 10 тадан 6-7 таси Ўзбекистон, яъни Тошкент вилояти тиббий хизматидан фойдаланишни истагини айтиб ўтди. Лекин божхонадан ўтишдаги айрим муаммолар ва бошқа субъектив сабаблар туфайли вилоят тиббиёт, дам олиш масканлари хизматидан фойдалана олмасликларини айтиб ўтишди.

Бу тоғ тизмалари ноёб табиати, ундаги ўсимлиги, жонзотлари билан ҳам ажралиб туради. Тоғ тизмаларида Марказий Осиёдаги ноёб бўлган “Қизил китоб”га киритилган ҳайвонлардан қор қоплони бўлган илвирс, оқ тирноқли айиқ, тоғ қўйлари ва эчкилари каби жонзотлар ушбу уч давлат тоғлари орасида у тоғдан бу тоққа ўтиб яшаб келади. Агар ушбу туташ давлатлар ўртасида оқилона келишилган ҳолда трансчегаравий кўрикхоналар ташкил этилиб, ушбу жонзот ва ўсимликларни асраб қолиш учун биргаликда ҳаракат қилинса, жонзотлар ҳаётини асраб қолиш учун жуда катта фойда бўлиши билан бир қаторда минтақа давлатлари ўртасидаги интеграция алоқаларининг ҳар томонлама чуқурлашувига олиб келади.

Вилоятнинг текислик қисми Чирчиқ-Оҳангарон дарёлари водийсидан иборат бўлиб, денгиз сатҳидан ўртача 250-400 м баландда. Текисликлар бевосита тоғолди районларидан бошланиб, Сирдарёгача 120 км масофага чўзилган. Текисликлар юқори қисмлари алоҳида-алоҳида бўлган Чирчиқ ва Оҳангарон водийларидан иборат бўлиб, водийнинг қуйи қисмида Чирчиқ ва Оҳангарон водийлари қўшилиб кетиб, Сирдарёнинг ўнг соҳилида текислик ҳосил қилади.

Чирчиқ водийси атрофдан тоғлар билан ўралган бўлиб, фақат жануби-ғарб томони очикдир. Водий Чирчиқ шаҳрининг жануби-ғарбида Тошкентолди ботиғи билан қўшилади. Чирчиқ водийсининг мутлоқ баландлиги бу ерда 560 м.

Оҳангарон водийси Чирчиқ Чирчиқ водийсидан жануби-шарқда Қурама ва Чотқол тизмалари оралиғида жойлашган. У ҳам фақат жануби-ғарбга очик бўлиб, юқори қисми тор ва чуқурдир. Водий Ангрен шаҳридан қуйида кенгаяди.

Оҳангарон водийси бўйлаб Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари билан боғловчи муҳим автомобил йўллари ўтган.

Текисликлар деярли ҳайдаладиган ерлардан иборат, қишлоқ хўжалиги фаолиятини олиб бориш мақсадларида фойдаланилади. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг сувлари билан Тошкент воҳасини суғориш жуда қулай. Шу мақсадда вилоятда жуда кўп гидротехника ва ирригация иншоотлари қурилган. Каналлардан Бўзсув, Қорасув, Катта ва Шимолий Тошкент, Паркент, Далварзин каби каналлар қурилган. Бўзсув ва Далварзин каналлари трансчегаравий каналлар ҳисобланади. Бу каналлар ҳам Ўзбекистон, ҳам унга чегарадош бўлган Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон вилоятларини ва Тожикистоннинг Сўғд вилоятининг чегарага туташ ҳудудларини суғоришда фойдаланилади. Каналлардан ташқари, ушбу каналларга сув етказиб бериш билан бир қаторда вилоятни арзон электр энергияси билан

таъминлаш мақсадида бир қанча сув тўғон (ГЭС) лари ва сув омборлари қурилган.

Чирчиқ дарёсининг гидрологик ва энергетик имконияти нисбатан юқорироқ бўлиб, бу дарёга Ўзбекистондаги энг йирик ГЭС ва сув омборларидан бири бўлган Чорвоқ сув омбори қурилган. Бу сув омборининг сув сиғими 2 млрд. м² га яқиндир. Чирчиқ дарёси ва Бўзсув канали бўйлаб 19 та ГЭС дан иборат ГЭС каскади ишлаб турибди. Бу ГЭС тўғонлари орқали Чирчиқ дарёси ва Бўзсув канали Чирчиқ, Ғазалкент, Қибрай, Тошкент, Янгийўл, Гулбаҳор, Келес, Чиноз каби шаҳарларни ва бошқа катта-кичик аҳоли манзилгоҳларини сув ва қисман электр энергия билан таъминлайди.

Оҳангарон дарёсида Туябўғиз (Тошкент денгизи) ва Оҳангарон сув омборлари қурилган. Тошкент денгизида 2 та канал ўтказилиб, улардан 120-125 минг гектар ер суғорилади. Вилоятнинг жанубидаги Далварзин чўли Сирдарё сувидан тўйинадиган Далварзин канали орқали суғорилади.

Вилоятни континентал, нисбатан қуруқ иқлимнинг шаклланишида унинг географик ўрни, рельефи муҳим омил ҳисобланади. Вилоятнинг жануби-ғарбий текислик қисмида шимолдан келадиган совуқ, ғарбдан келадиган илиқ ҳамда нам ҳаво массаларининг таъсири катта. Тоғли қисмида ҳам бу ҳаво массаларининг таъсири сезиларли даражада бўлади.

Тошкент воҳасида совуқсиз кунлар 200 ва ундан ҳам кўпроқ давом этиб, бундай кунлар тоғларда 190-195 кун, тоғ олди текисликларида 200-210 кун давом этса, Сирдарёга яқин текисликларда 210-215 кунгача давом этади. Вегетация даврида қуёшдан келадиган иссиқлик миқдори 4100-4500⁰ га этади. Вилоятда, айниқса, унинг текислик қисмида ёзги иссиқ узоқ давом этади. Июл ойининг ўртача ҳаво ҳарорати текислик қисмида +26⁰ +27⁰С, тоғли қисмида +20⁰ +40⁰С атрофида бўлади. Ёзда ҳавонинг энг юқори ҳарорати текисликда +42⁰, +44⁰С гача кўтарилиши мумкин. Қиш воҳада унча қаттиқ эмас. Январ ойида ҳавонинг ўртача ҳарорати текислик қисмида -0,7⁰С бўлса, тоғларда -5⁰С га тенг, энг паст ҳарорат -29⁰, -32⁰С гача боради. Вилоят

худудида ёғин-сочин жуда нотекис тақсимланган. Текислик қисмидан тоққа томон ёғин миқдори ортиб боради. Ёғин нам ҳаво оқимиға рўпара бўлган ғарбий ва жануби-ғарбий ёнбағирларға энг кўп тушади. Тоғларда йиллик ёғин миқдори 735 мм гача бўлса, текисликда 220 мм гача камаяди.

Чирчиқ водийсида қуйидаги баландлик агроиклим минтақалари ажратилган:

I. Термик минтақалар

1. Иссиқ минтақа, 300-600 м мутлоқ баландликда жойлашган. Пахта етиштириш минтақаси.
2. Илиқ минтақа, $+10^0$ дан юқори ҳароратлар йиғиндиси 2800^0 - 4000^0 , узум минтақаси 800-1360 м мутлоқ баландликда жойлашган.
3. Салқин минтақа, $+10^0$ дан юқори ҳароратлар йиғиндиси 2000^0 дан 2800^0 , дон минтақаси. Мутлоқ баландлиги 1300-2000 м.
4. Совуқ минтақа, $+10^0$ дан юқори ҳароратлар йиғиндиси 1000^0 дан кам, 2300 м дан юқорида жойлашган. Тоғ-яйлов минтақаси.

II. Гидротермик минтақалар

1. Иссиқ ва қурғоқчил минтақа. 600-800 м мутлоқ баландликда жойлашган бу минтақада донли экинлар табиий нам билан таъминланган 75-95 фоизни ташкил этади.
2. Илиқ ва нам минтақа, 800-1300 м мутлоқ баландликда жойлашган, донли экинлар ва узум ҳар йили иссиқлик ва нам билан таъминланади.
3. Салқин ва нам минтақа. 1360-2300 м мутлоқ баландликда жойлашган. Донли экинлар ҳар йили иссиқлик ва нам билан етарлича таъминланган.

Умуман олганда, табиий географик жиҳатдан бу икки республиканинг чегарадош худуди ҳисобланган Келес-Чирчиқ дарёлари хавзасини аҳоли яшаши ва хўжалик фаолиятини олиб бориши учун Ўрта Осиёдаги энг қулай районлардан бири деб кўрсатиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган табиий географик омиллар натижасида бу ҳавзадаги аҳоли манзилгоҳлари икки давлат чегаралари бўйлаб, бир-бирига тутшиб кетганлиги билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги ва аҳоли яшайдиган ҳовли томорқаларини суғоришга ишлатиладиган сув ариқлари, каналлари ҳар икки давлат чегараларини кесиб ўтиб, ўзаро боғланган мураккаб суғориш-ирригация тизимини вужудга келганини кўриш мумкин. Бундай ҳолат эса чегарага туташ минтақаларда ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама чуқурроқ бўлишини таъминлаш лозимлигини ва мавжуд ҳамкорлик имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланиш кераклигини талаб этади. Чегарага туташ минтақаларда ҳамкорлик муносабатларидан ҳар томонлама фойдаланилса, ушбу туташ минтақалардаги аҳолининг яшаш фаровонлигини янада ошириш билан бир қаторда чегара ҳудудларида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар хил муаммоларни олдини олишнинг ҳам имкониятлари ортиши мумкин.

1.2 Чегара ҳудудларини иқтисодий географик тадқиқ қилиш

Замонавий ривожланишнинг муҳим хусусиятларидан бири турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги, иқтисодий ўсиш, интеграцион жараёнларнинг макро ва микро даражадаларда амалга оширилиши, мамлакатларнинг ёпиқ миллий хўжаликдан ташқи дунёга йўналтирилган очик турдаги иқтисодиётга тезкор ўтиши билан белгиланади. Буларнинг барчаси ҳозирги босқичда жаҳон хўжалиги иқтисодий ривожланишининг қонуниятлари билан изоҳланади.

Ҳудудий жиҳатдан туташ бўлган мамлакатлар минтақалари ўртасидаги товар ва хизматлар савдосини кенгайтириш, саноат ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни таъминлаш, илмий-техникавий ҳамкорликни чуқурлаштириш каби масалалар ҳудудий интеграцион алоқаларни шакллантиришда объектив заруратга айланган. Ҳудудий интеграцилар эса чегарадош минтақалардаги

ишлаб чиқариш кооперациясининг самарадорлигини оширишга, товар ва хизматлар савдосининг эркинлашувига, шунингдек, давлатлар ўртасида барча соҳалар бўйича ҳамкорликни самарали олиб боришга имкон яратади. Шу сабабли, ривожланиш даражасидан қатъий назар баъзи мамлакатлар ҳудудий интеграцион алоқаларни шакллантирган. Масалан АҚШ ва Канада давлатларининг Буюк Кўллар ҳавзасидаги туташ ҳудудларида икки давлат томонидан шундай иқтисодий ҳамкорлик зонасини ташкил этилганки, бундай ўта чуқур ва ҳукуматлараро ҳамкорликни дунёнинг бошқа жойида учратиш қийин. Бу Буюк Кўллар туташ минтақасида саноатнинг айна вақтдаги юксак кооперациясини кўриш мумкин.

Ҳудудий ва минтақавий интеграция жараёнлари чегарадош давлатлар туташ ҳудудларининг географик ўрни, транспорт коммуникацияларининг интеграцион ҳолати, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси, табиий шароит ва табиий ресурсларнинг географик жойлашуви шу ҳудудда истиқомат қилаётган халқларнинг азалий тарихий-маънавий илдизларининг муштараклиги ва бошқа омиллар таъсирида вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ўз чегараларини мустаҳкамлаш, кўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ва ҳолисона ҳамкорлик асосида чегара ҳудудларидаги муаммоларни ҳал этиш борасида бир қанча эътиборга молик ишларни олиб борди. Жумладан, давлат чегараларини кўшни давлатлар билан ўзаро ҳамкорликда аниқлаб, делмитация қилиш. Трансчегаравий объектлар ҳисобланиладиган дарёлар, кўллар, сув омборларидан, электр линияларидан, автомобил, қувур (газ қувурларидан) ҳаво ва темир йўллридан ўзаро тенг ҳуқуқли, ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда оқилона фодаланишни йўлга қўйиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасига кирадиган бешта давлатларни ўзаро боғлайдиган бамисоли кўприк сифатида минтақа ўртасида жойлашган. Бундай ҳолат эса унга жуда катта иқтисодий-

ижтимоий географик имконият бериши билан бир қаторда, муҳим иқтисодий-ижтимоий географик маъсулият ҳам юклайди. Республиканинг умумий чегара узунлиги 6221 км.га тенг бўлиб, шундан Қозоғистон 2203 км, Туркменистон 1621 км, Тожикистон 1161км, Қирғизистон 1099 км, Афғонистонга 137 км тўғри келади.

Мамлакатимизнинг минтақа давлатлари билан туташган ҳудудларини ҳар бири географик жойлашувига, иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ва салоҳияти бўйича ўзига хос хусусиятларга эгадир. Республика вилоятлари орасида фақат Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари бевосита 3 та давлат билан туташ бўлса, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Қорақалпоғистон Республикаси 2 та давлат билан чегарадош, қолган вилоятлар битта давлат билан чегарадошдир. Бундан кўринадики Республиканинг барча вилоятлари кўшни давлатлар билан ўзаро туташ ҳудудларга эга. Уларни иқтисодий географик районлар ва қишлоқ туманлари миқёсида кўриб чиқадиган бўлсак ҳам ўзига хос жиҳатлар намоён бўлади. Масалан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан энг муҳим бўлган Фарғона иқтисодий географик райони Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари билан чегарадош бўлиб, уч маҳаллий миллат ва уч давлат анъаналари, иқтисодиёт тармоқлари ва транспорт йўллари туташган минтақа бўлиши бир қаторда ҳозирги кунда кўшни Қирғизистонда бўлаётган сиёсий можаролар туфайли иқтисодий-ижтимоий интеграция жараёнларининг ўрнига қавм-қариндош кўни-кўшни ва елкадош бўлиб, келган миллатлар ўртасида адоват, сиёсий ва этник урушларларни келтириб чиқармоқчи бўлган ғаразли ниятга эга ташқи бузғунчи кучлар ҳужум қилишининг энг асосий минтақасига айланган (масалан, Қирғизистонда юзага келган сиёсий-миллатпарастлик тўқнашувлари). Аммо лекин Ўзбекистон Республикаси ва халқаро ташкилотлар томонидан юргизилган оқилона сиёсий ҳаракатлар ва бошқа бир қанча ижтимоий-иқтисодий омиллар туфайли бу минтақада ўзларининг ғаразлий ниятларини амалга оширмоқчи бўлган бузғунчи гуруҳларнинг

ҳаракатлари тўлиқ амалга оширилишига йўл берилмади ва уни тинч йўл билан ҳал қилишга эришилди. Фарғона иқтисодий географик районидаги давлат чегаралари, аҳолининг жойлашуви, транспорт йўллари, қишлоқ хўжалиги ва саноат учун керакли бўлган табиий ресурслар, яъни дарё ва сойлар, сув омборлари, каналлар, саноат хом ашёлари ва маҳсулотлари водийдаги уч давлат орасида шундай жойлашганки Фарғона водийсини уч давлатнинг интеграцион ҳамкорлиги асосида ривожлантириш энг тўғри йўл эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси ҳисобланган Сурхондарё вилояти эса Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон давлатлари билан туташ. Ушбу минтақа дунёдаги энг нотинч ва нарқобизнез ривожланган Афғонистон билан чегарадошлиги ва наркотик моддаларнинг Россия ва бошқа Европа давлатларига ташиладиган йўлагида жойлашганлиги билан бир қаторда ушбу минтақани мавжуд имкониятлари тўлиқ фойдаланишга тушмаган, республикамизнинг келажагдаги дунё океанига чиқадиган энг муҳим транспорт йўларидан бирига айланиши кундан-кунга ўз тасдиғини топаётган минтақа деб эътироф этиш мумкин. Бунинг учун Афғонистондаги нотинч вазиятни яхшилаш, қонун устувор бўлган давлат сифатида шакллантириш билан бир қаторда дунё океанига чиқадиган Термиз-Қобул-Карочи транспорт йўли инфраструктурасини шакллантириш лозим бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Афғонистон билан чегарадош давлатлардан бири ҳисоблангани ҳолда, ушбу давлатни кўп йиллик можародан олиб чиқиш ва келгусидаги иқтисодий ўсишни таъминлаш борасидаги зарур ресурсларга ва амалий таклифларга эга. Бу борада юртбошимизнинг энг катта, аҳамиятли ташаббуси Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича БМТ шафелигида “6+2” мулоқот гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистан, Покистон, Хитой, Эрон, шунингдек АҚШ ва Россия ҳамда Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатларини амалга ошираётган ташкилот – НАТО ни қўшиб

кенгайтирган ҳолда “6+3” шаклида қайта тиклаш ҳақидаги таклифидир Ўзбекистоннинг минтақада муҳим ва зарур ўрин тутишининг яна бир омили Афғонистонга иқтисодийетини тиклаш учун кенг миқёсли ёрдам бераётгани саналади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон темир йўлларни қуриш, электр энергияси билан таъминлаш, қазилма ишларини, қишлоқ хўжалигини, ирригация, таълим ва мутахассислар алмашинувини ривожлантириш ҳамда қурилиш асбоб-ускуналари, металл, ўғитлар, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш каби соҳаларда жуда кўплаб ўзаро лойҳаларни амалга оширди. Осиё тараққиёт банки кўмагида Ўзбекистон Афғонистоннинг шимолий вилоятларини бошқа давлатлар билан боғлаб турган, ягона “Термиз-Ҳайратон” темир йўл тармоғини модернизация қилишда ёрдам бормоқда ва “Термиз - Ҳайратон - Мозори-Шариф” темир йўл қурилишини амалга оширмоқда. Мамлакатимиз компаниялари ва мутахассислари “Мозори-Шариф – Қобул” йўналиши бўйлаб 11 та кўприк қуришди ва ер шарининг энг мураккаб тоғли ландшафтларидан бири орқали 275 мил масофада юқори кучланиш тармоғини, 150 мегаваттли электр энергиясини Термиздан Қобулгача узатишга қодир қурилишни якунига етказишмоқда.

Ўзбекистоннинг энг қадимий воҳаларидан бири Хоразм воҳаси ҳам Туркман, Ўзбек ва Қорақалпоқ халқларининг азалдан дўст-биродар, қўни-қўшни савдо-сотик қилиб, ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келаётган тарихий интеграцион минтақа ҳисобланилади. Ҳозирги кунда Хоразм воҳаси Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ва унинг таркибидаги Қорақалпоғистон Республикалари ҳудудларига тўғри келади. Бу ерда ҳам ҳудудий интеграциянинг ушбу минтақага хос тамойилларини шакллантириш ва ривожлантириб бориш келажакда Хоразм воҳасида яшовчи аҳолисининг фаровон турмуш тарзини янада кўтариши ва умуман минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатиши мумкин. Хоразм воҳасида ҳам ҳудудий интеграцияни шакллантириш учун ҳам табиий ҳам иқтисодий-ижтимоий омиллар етарли. Чунки табиий географик

жиҳатдан Туркменистон, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон аҳолиси энг зич жойлашган ҳудуди қадимдан шаклланиб келган Амудраё тухфаси деб эътироф этиладиган Хоразм воҳасида жойлашганлиги: - Ижтимоий жиҳатдан ушбу минтақанинг туб жой халқлари бўлган уч миллатнинг диний, маданий қарашлари, урф-одатлари, сўзлашув тиллари бир-бирига ўхшашлиги билан ажралиб турса: - Иқтисодий жиҳатдан қишлоқ хўжалиги унинг энг муҳим бўлган сув объектлари саналган каналлар, ариқ ва захкашлар, сув омборлари, транспорт йулари, электр линиялари ва газ қувурлари воҳадаги уч давлат ҳудудлари бўйлаб чамбарчас боғланган ҳолда жойлашган.

Республика қишлоқ туманларига чегарадош ҳудудларидаги тутган ўрни, аҳамияти, интеграцион ҳолати каби бошқа омилари буйига қарайдиган бўлсак бир-биридан фарқланишини кўриш мумкин. Республиканинг жами 77 та қишлоқ туманлари кўшни давлатлар билан чегарадош бўлиб, бу қишлоқ туманларининг 23 таси Тожикистон, 21 таси Қирғизистон, 20 таси Туркменистон, 16 таси Қозоғистон ва 2 таси эса Афғонистон билан чегарадош. Шунингдек 5 та туман 2 та давлат билан чегарадош бўлиб, Бўстонлиқ тумани Қозоғистон ва Қирғизистон, Қўнғирот Қозоғистон ва Туркменистон, Термиз Афғонистон ва Тожикистон, Поп ва Ўзбекистон туманлари эса Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари билан туташдир. Қишлоқ туманларининг орасида қайсидир маънода Ўзбекистон Республикасини минтақа ва дунё давлатлари билан ўзаро ташқи алоқаларини боғлавчи “дарвозалар” вазифасини бажарувчилари ҳам мавжуд. Жумладан, Тошкент, Олот, Қўнғирот, Хўжаобод, Термиз, Чиноз ва Бекобод туманлари республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга ошириш бунинг бир қаторда транзит юklarини ўтказишда энг муҳим “дарвозалар” ҳисобланади. Шу билан бир қаторда минтақавий хусусиятга эга бўлган “дарвоза” туманлари ҳам борки улар минтақа давлатлари ўртасидаги интеграцион алоқаларини амалга оширишда кенг имкониятлар яратади. Бу борада Қирғизистон билан ҳудудий интеграцион алоқаларни ўрнатишда Учқўрғон,

Қўрғонтепа, Фарғона ва Пахтабод туманларини, Қозоғистон билан Сирдарё, Янгийўл, Тошкент, Чиноз, Мирзачўл ва Қўнғирот туманларини, Туркманистон билан Хўжайли, Шовот, Хозарасп, Олот, Нишон, Музробод туманларининг, Тожикистон билан Бешариқ, Бекобод, Ховост, Ургут, Узун ва Термиз туманларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бундай туташ минтақалар орасида Тошкент вилояти чегара ҳудудлари алоҳида ажралиб туради. Тошкент вилояти 3 та Республика ва 2та вилоят билан чегарадош. Вилоятнинг умумий чегара узунлиги 910.8 км бўлиб, шу жумладан, шимолда 306.9 км масофада Қозоғистон Республикаси билан, шарқда 204.6 км масофада Қирғизистон ва жанубда 214.5 км масофада Тожикистон Республикалари билан чегарадош. Шунингдек вилоят ғарбда Сирдарё вилояти билан 133.1 км ва Наманган вилояти билан жануби-шарқда 51.7 км масофада туташган. Вилоятнинг 9 та қишлоқ тумани қўшни давлатлар билан туташ ҳудудларга эга. Жумладан, Чиноз тумани 33 км, Янгийўл 18.7 км, Зангиота 12.1 км. Бўстонлиқ 133.1 км, Қибрай 53.9 км ва Тошкент тумани 56.1 км масофада Қозоғистон Республикаси билан чегарадош, Оҳангарон тумани 73.7 км, Бекобод 83.6 км ва Пскент тумани 57.2 км масофада Тожикистон ва Бўстонлиқ тумани 204.6 км масофада Қирғизистон Республикалари билан чегарадош¹.(1- жадвал).

Вилоят чегара ҳудудларини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг географик аҳамияти катта бўлиб, уни амалга оширишда қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд;

-Тошкент вилояти қулай иқтисодий географик ўринга эга бўлиб, у Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган;

-Тошкент вилояти иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан нафақат Ўзбекистонда балки Марказий Осиёда ҳам энг ривожланган минтақалардан бири ҳисобланилади;

-Тошкент иқтисодий географик районида транспорт инфратузилмаси

¹ Тошкент вилоятига тегишли чегара узунликлари муаллиф томонидан картографик усулда аниқланган.

Тошкент вилояти чегара туманлари иқтисодий- ижтимоий салоҳиятининг ҳудудий тузилиши
 (Қозоғистон Республикаси билан чегарадош туманлар мисолида 01.01.2011 й)

Туман	Чегарадош давлат ва чегара узунлиги (км)	Майдони		Аҳолиси		Асосий иқтисодий кўрсаткичлари (%) ҳисобида			Ташқи савдо айланмаси		Экспорт		Импорт	
		Минг км ²	%	Минг киши	%	Саноат	Қишлоқ хўж.	Капитал қўйилма лар	минг \$	%	Минг \$	%	минг \$	%
Чиноз	Қоз.Респ. билан 33 км	0.34	5,2	121.7	13,1	1,2	6,8	1,3	17373,8	4,1	8543,8	6,3	9436,0	3.2
Янгийўл	Қоз.Респ. билан 18.7 км	0,42	6,5	167.6	18,1	1,1	7,2	1,9	50998,9	12	29919,3	22,2	21079,6	7.3
Зангиота	Қоз.Респ. билан 68.3 км	0,22	3,4	316.7	34,1	6.8	24.9	10.2	199960,6	47,2	61980,8	46,1	137979,8	47.6
Қибрай	Қоз.Респ. билан 53.9 км	0,56	8,7	172.4	18,6	4,1	7,8	6,9	123283,9	29,1	13916,1	10,3	109367,8	37.7
Бўстонлик	Қоз.Респ. билан 133.км Қирғизистон билан 204.6 км	4,93	76,2	149.6	16,1	1,9	7,2	1,7	32399,3	7,6	20330,4	15,1	12068,9	4.2
Чегара туманлари жами	Қозоғистон билан 307км. Қирғизистон билан 204 км.	6,47	42,4	928	35,7	15,1	53,9	22	424016,5	14,7	134690,4	7,7	289932,1	25.4
Вилоят бўйича	3 та давлат ва 2 та вилоят билан 911 км	15,26	100	2598,4	100	100	100	100	2881625,2	100	1741758,0	100	1139867,2	100

Изоҳ: жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

яхши ривожланган бўлиб, бу ерда шимол (Европа, Россия ва Қозоғистондан), шарқ (Хитой, Қирғизистон ва Фарғона иқтисодий географик районида), жануб (Тожикистон ва Фарғона иқтисодий географик райони) ва ғарб (Туркменистон, Эрон, Афғонистон, Туркия ва бошқа) транспорт йўллари туташади.

Умуман олганда, чегара ҳудудларини иқтисодий географик тадқиқ қилишдан асосий мақсад ушбу туташ минтақаларда ишлаб чиқариш самарадорлигини кооперация алоқалари эвазига ошириш, товар ва хизматлар савдосини эркинлаштириш масалалари билан бир қаторда, энг йирик келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи географик минтақалардан бўлган туташ ҳудудлардаги чегараларни ўзаро келишган ҳолда белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек трансчегаравий объектлар бўлган дарёлар, кўллар, сув омборларидан, автомобил, қувур ва темир йўлларида, электр ва ҳаво линияларидан ўзаро тенг ҳуқуқли хавфсизлик қоидаларига риоя чиқишдир.

1.3. Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари, уларни тартибга солувчи минтақавий ва икки томонлама шартнома ва битимлар

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 23 ноябрда ўрнатилган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари асрлар мобайнида дўст-биродар бўлиб, яшаб келган, бир-бири билан савдо-сотиқ қилган, қон-қариндошлик алоқалари ўрнатилган, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Тарихимиз, маданиятимиз, анъаналаримиз, тилимиз ва диний қадриятларимизнинг муштараклиги бугунги кунда ҳам ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларида яқин

кўшничилик, дўстлик ва қардошлик, ўзаро ишонч тамойиллари устувор аҳамият касб этмоқда.

Икки давлат ҳам ўз мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб, давлат раҳбарлари ва ҳукумат аъзолари ўртасида ўзаро ва минтақавий муносабатларни тартибга солиш мақсадида бир қанча давлат ташрифлари, саммитлар, конференциялар ва бошқа шу каби сиёсий – иқтисодий ва ижтимоий масалаларга бағишланган анжуманлар амалга оширилди. Жумладан, 1991 йилдан 2011 йилгача икки давлат раҳбарлари ўртасида 11 та олий даражадаги давлат ташрифлари амалга оширилган. Бу олий даражадаги ташрифларнинг 6 таси Қозоғистон Республикаси таклифига биноан Қозоғистонда бўлган. Ўзбекистон Республикаси таклифига биноан Қозоғистон Республикаси раҳбари 5 марта Ўзбекистонга амалий ташриф билан келган.

Қуйидаги жадвалда икки давлат ўртасидаги амалий ташрифлар билан бир қаторда Марказий Осиё минтақасига тегишли бўлган муносабатларни тартибга солиш ва муаммоларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилган давлат раҳбарлари учрашув ва саммитлари, илмий-амалий анжуманлар келтириб ўтилган (2- жадвал)

Давлатлар ўртасидаги ташрифлар, анжуманлар ва саммитлардан кўзланган асосий мақсадлар: ўзаро ва минтақавий муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда, трансчегаравий объектлар бўлган дарё ва каналлардан, кўл ва сув омборлардан, автомобиль, қувур ва темир йўллардан, электр ва ҳаво линияларидан ўзаро тенг ҳуқуқли, хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланишни амалга ошириш каби масалаларни ҳам ҳал этишдир. Шунингдек, ўзаро тутшиб, чамбарчас боғланган чегара ҳудудларида келишмовчиликларнинг олдини олиш, бу ерда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг хавфсизлигини таъминлаш. Чегарага туташ минтақаларни ўзаро ҳамкорлик асосида, яъни интеграцион тизимда

ривожлантириш каби масалалар кўриб чиқилди ва уни амалга ошириш мақсадида бир қанча шартнома ва битимларга эришилди.

1998 йилнинг 31 октябрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик ҳақидаги шартнома икки давлат муносабатларини тартибга солиб турувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

1994 йил апрелда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида Ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши нафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон, балки бутун минтақада ҳамкорлик алоқалари ва интеграцион жараёнларни ривожлантириш бўйича қўйилган биринчи амалий қадам бўлди. Бу шартномани имзолашдан энг асосий мақсад айнан чегара ҳудудларида бўладиган жараёнлар, яъни товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучларининг минтақа бўйлаб эркин ҳаракат қилишини таъминлаш, келишилган солиқ, бюджет, нарх, божхона ва валюта сиёсатини юритишдан иборат эди. Чунки, нафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон, балки минтақадаги қолган 3 та давлат ҳам Собиқ Иттифоқнинг чамбарчас боғланган ягона халқ хўжалик мажмуасидан ажралиб чиққан эди. Ўтган асрнинг 90-йилларида Собиқ Иттифоқнинг ўта марказлашган маъмурий-давлат социализмининг кулаши натижасида вужудга келган ялпи ижтимоий-иқтисодий инқироз шароитида бундай шартномани имзолаш минтақа давлатлари учун ўз иқтисодиётини ўнглаб олишнинг энг тўғри йўли бўлган.

1996 йил 5 апрелда Марказий Осиё минтақаси раҳбарлари ўртасидаги Ёқилғи-энергетика ва сув ресурсларидан фойдаланиш, Марказий Осиё минтақасида газ қувурларини қуриш ва ишга тушириш тўғрисидаги битимга имзо чекдилар. Бу битимнинг Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларида катта аҳамияти бор эди.

Сабабини ҳозирги кундаям Қозоғистон жанубий минтақаларининг барчаси Ўзбекистон табиий гази билан таъминланганидан изоҳлаш мумкин.

**Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама ва минтқавий аҳамиятга эга бўлган, муҳим
дипломатик учрашувлар, саммитлар, анжуманлар ва конференциялар**

Йиллар	Ўтказилган жой (шаҳар ёки давлат)	Қатнашувчи давлатлар	Кўрилган масалалар ва муаммолар	Эришилган ўзаро битим ва шартномалар
1991 йил 21 декабр	Қозоғистон Республикаси Алмати шаҳри	Қозоғистон ва Ўзбекистон	Икки давлат ўртасидаги биринчи амалий ташриф бўлиб, собиқ Иттифок парчаланиши натижасида вужудга келган иқтисодий-молиявий муаммоларни олдини олиш масалалар	собиқ Иттифок парчаланиши натижасида вужудга келган иқтисодий — молиявий муаммоларни ҳал этиш бўйича келшувлар
1992 йил 23 ноябр	Қозоғистон Республикаси Алмати шаҳри	Қозоғистон ва Ўзбекистон	Икки давлат ўртасидаги ҳамкор муносабатларини ташкил этиш масалалари	Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди

1994 йил апрел	Қозоғистон Республикаси Алмати шаҳри	Қозоғистон Ўзбекистон Қирғизистон	Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида иқтисодий хамкорлик алоқалари ва интеграцион жараёнларни ривожлантириш (асосий мақсад товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг минтақа бўйлаб эркин ҳаракатини тامينлаш, келишилган солиқ, бюджет, нарх, божхона ва валюта сиёсатини юритишдан иборат эди)	Ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди
1996 йил 5 апрел		Марказий Осиё давлатлар (5 та давлат)	Минтақанинг ёқилғи энергетика ва сув ресурсларидан фойдаланиш МО минтақасида газ қувуралирини қуриш ва ишга тушириш масалалари	Минтақанинг ёқилғи энергетика ва сув ресурсларидан фойдаланиш МО минтақасида газ қувуралирини қуриш ва ишга тушириш тўғрисидаги битим имзоланди

1997 йилнинг 2-3 июн	Қозоғистон Республикаси Алмати шаҳри	Қозоғистон ва Ўзбекистон	Икки давлат ҳукумати ўртасида эркин савдони амалга ошириш	Икки давлат ҳукумати ўртасида эркин савдони амалга ошириш тўғрисидаги баёнотга эришилди
1998 йил 31 октябрида	Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри	Қозоғистон ва Ўзбекистон	Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик ҳақидаги масалалар кўрилди	Икки давлат ўртасида Абадий дўстлик ҳақидаги шартнома имзоланди
1999 йил июнь	Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳри	Қозоғистон Ўзбекистон Қирғизистон Тожикистон	Божхона иттифоқини тузиш масалалари кўрилди	Давлатлар ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик шартномалари имзоланди

2006 йил март	Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри	Қозоғистон ва Ўзбекистон	интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, фан ва технологиялар, халқаро автомобил йўли, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси чегара ҳудудларида фуқаро радио хизматлари фойдаланадиган 30,0-1000,0 МГц радиотўлқиндан ноқонуний фойдаланишни мувофиқлаштириш тўғрисидаги масалалар	интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, фан ва технологиялар, халқаро автомобил йўли, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси чегара ҳудудларида фуқаро радио хизматлари фойдаланадиган 30,0-1000,0 МГц радиотўлқиндан ноқонуний фойдаланишни мувофиқлаштириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар
------------------	--	-----------------------------	--	---

2009 йил 3 апрель	Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри	Қозоғистон ва Ўзбекистон	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро узлуксиз етказиб ва унинг ҳажмини ошириш кўриб чиқилди	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро узлуксиз етказиб ва унинг ҳажмини оширишга таълуқли шартномалар имзоланди
2010 йил 16-17 март	Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри	Қозоғистон ва Ўзбекистон	Икки давлат ўртасида иқтисодий – молиявий, маданий - гуманитар хамкорликни янада фаолаштириш масалалари кўрилди	Икки давлат ўртасида дипломатик ваколатхона биноларини қуриш учун ер участкаларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқий ишлар вазирликлари ўртасида 2010- 2011 йилларга мўлжалланган хамкорлик дастури 2010-2012 йиларга мўлжалланган маданий – гуманитар хамкорлик дастури имзоланди

Манба: www.mfa.uz ва “Халқ сўзи” газетасининг архив сонлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон газининг узлуксиз жанубий Қозоғистон минтақаларига етказиб берилишини такомиллаштириш каби масалалар битимда асосий омиллардан бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1997 йилнинг 2-3 июнь кунлари Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи билан бориши натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида эркин савдони амалга ошириш тўғрисидаги баёнотга эришилди. Ушбу эркин савдо режими тўғрисидаги баёнот 7-8 йил давомида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама савдо ҳамкорлигини амалга оширишнинг муҳим ҳужжати бўлиб хизмат қилади.

1998 йил 17 мартда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Сирдарё ҳавзасининг сув – энергетика ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги узок муддатли шартномани имзоладилар. Бунда Марказий Осиёдаги энг муҳим муаммолардан бири бўлган сув ресурслари, улардан тўғри фойдаланиш ва энг катта экологик муаммо ҳисобланган Орол денгизининг қуриши ва унга боғлиқ бўлган Оролбўйи минтақасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий инқирозга қарши биргаликда курашиш масалалари таҳлил қилинган. Бу айниқса, Орол денгизи ҳавзасида жойлашган Ўзбекистон ва Қозоғистон учун энг аҳамиятли келишув шартномаси ҳисобланади.

2006 йилнинг март ойида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, фан ва технологиялар, халқаро автомобил йўли, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси чегара ҳудудларида фуқаро радио хизматлари фойдаланадиган 30,0-1000,0 МГц радиотўлқиндан ноқонуний фойдаланишни мувофиқлаштириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ўртасида саранча ва бошқа қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши курашишда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув, шунингдек, бир қанча бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар қардошлик ва яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Тўқсондан ортиқ ҳужжатлар ана шундай ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Улардан элликдан ортиғи иқтисодий соҳага тегишлидир. Эркин савдо, инвестицияларни ўзаро жалб этиш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиқ олиншининг олдини олиш тўғрисидаги келишувлар шулар жумласидандир.

2006 йилнинг март ойида доимий талаб бўлган товарлар рўйхатини тузиш ҳамда ҳар икки мамлакатда уларнинг савдосини кенгайтириш тўғрисида келишиб олинди. Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия давлат раҳбарларининг келишувларини амалиётга тадбиқ этишга ҳаракат қилмоқда. Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишда 2010 йилгача инвестиция ҳамкорлиги қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ва маданият соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг таклифига биноан 2010 йил 16-17 март кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А. Назарбаевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи асосида икки давлат муносабатлари янада жонланди, дейиш мумкин. Қуйида икки давлат раҳбарлари ўртасидаги қўшма баёнотда кўрилган масалалар кўрсатиб ўтилган.

“Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, Марказий Осиё минтақасидаги ва унинг атрофидаги вазиятни, шунингдек, ўзаро қизиқиш уйғотадиган долзарб халқаро мулоқотнинг эришилган даражасидан мамнун эканликларини изҳор этиб, миллий манфаатлар ва ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга икки томон ҳам

интилаётганини тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома қоидаларига амал қилиб, икки мамлакат халқларининг тарихий ва маданий муштараклигидан келиб чиқиб, қуйидагиларни баён қиладилар:

1. Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида олий даражадаги мулоқотни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга икки томонлама ва кўп томонлама хусусиятга эга бўлган долзарб масалалар бўйича очиқ фикр алмашишга, икки давлат халқларининг туб манфатларига мос келадиган, Марказий Осиё минтақасини барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланган йўналишларни биргаликда белгилашга ва самарали ҳамкорликка муҳим аҳамият қаратади;

2. Президентлар икки томонлама ўртасида 2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини изчил амалга ошириш механизмларини ривожлантиришда ҳамкорлик ва Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси икки давлатнинг интилишларини таъкидладилар.

3. Томонлар икки томонлама савдо соҳасида ижобий тенденция мавжудлигини қайд этиб, ўзаро инвестицияларни ва банклараро алоқаларни рағбатлантириш , шунингдек, транзит ва транзит коммуникацияларини ривожлантириш борасида самарали ҳамкорликни таъминлаш орқали энг қулай шароитлар яратиб беришда кўмаклашиш ниятида эканликлари баён қилдилар.

Томонлар Туркменистон – Ўзбекистон –Қозоғистон –Хитой газ магистралининг қурилиши ва ишга туширилишини минтақа мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлигининг янги йўналиши очилиши ва анъанавий яхши кўшничилик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга хизмат қиладиган минтақавий ҳамкорликнинг муваффақиятли мисоли сифатида қайд этадилар.

4. Томонлар миллий хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқиб минтақада барқарорликни таъминлаш масалаларига муҳим аҳамият бериб, тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама асосда халқаро терроризмга, сиёсий, диний ва бошқа турдаги экстремизмга, наркотрафикка, трансмиллий уюшган жиноятчиликка ноқонуний қурол—яроқ савдосива нолегал миграцияга қарши курашишда ҳамкорликни мустаҳкамлашда тайёргилини тасдиқладилар.

Ушбу мақсадларда Ўзбекистон ва Қозоғистон тегишли тузилмаларининг ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича барча зарур чора—тадбирларни кўрадилар, бунга минтақада барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид ва хавф—хатарларнинг олдини олиш бўйича махсус дастурлар, шу жумладан, БМТ хавфсизлик кенгаши Аксилтеррор қўмитаси, ШХТ Аксилтеррор маркази доирасидаги дастурлар киради.

5. Томонлар Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатиш ва вазиятни барқарорлаштиришни муҳимлигини тасдиқладилар. Минтақада жойлашган мамлакатлар ва халқаро тузимлар иштирокида Афғонистон масалалари бўйича музокара жараёнлари фаоллаштиришга мўлжалланган самарали механизмлар яратиш борасидаги ташаббусларнинг аҳамияти муҳимлигини қайд қилади.

6. Томонлар минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, кенг кўламли иқтисодий лойҳаларни белгилашда, шу жумладан, транспорт—коммуникация тизими соҳасидаги лойҳаларни амалга ошириш воситаси сифатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг салоҳиятини юксалтириш ва мустаҳкамлаш масалаларига ёндошувлари ўхшашлигини таъкидладилар.

Томонлар ШХТ фаолиятининг устувор йўналишлари самарадорлигини ошириш масалалари бўйича икки томонлама ҳамкорлик ушбу ташкилот ишини фаоллаштиришга ва халқаро нуфузини оширишга ижобий таъсир кўрсатади, деган фикрдан келиб чиқадилар.

7. Президентлар Марказий Осиёда сув—энергетика масалаларини муҳокама қилдилар ва бу соҳадаги маълумотларни, шу жумладан, трансчегаравий дарёларда янги гидроэнергетик иншоотлар қуриш масалаларини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ ва минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Томонлар минтақадаги барча давлатлар экологик ва техноген хавфсизликни таъмилашни, шунингдек, трансчегаравий таъсир этадиган янги гидроэнергетик иншоотларни қуришда сув оқимларининг ҳажми ва режимни сақлаш масалаларини мустақил халқаро экиспертиза утказиш асосида келишиб олишлари зарурлигини таъкидлайдилар.

8. Давлатлар раҳбарлари гуманитар соҳада, шу жумладан, маданият, илм-фан, таълим ахборот соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишда, жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқларани ривожлантиришда, мадания-ахборот марказлари фаолиятини раҳбатлантиришда ҳамкорликни аҳамияти муҳимлигини қайд қилдилар.

9. Президентлар бўлиб ўтган самарали музокаралар, шунингдек, ташриф давомида имзоланган муҳим тикки томонлама ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида яхши кўшничилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ўрнатилган анъанавий дўстона муносабатларни янада мустахкамлашга ишонч билдирдилар².

Икки давлат ўртасидаги муносабатларни таҳлил қиладиган бўлсак, унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилганини кўриш мумкин.

Дунёда молиявий-иқтисодий бўҳрон ҳукмронлик қилишига қарамай, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи изчил ўсиб бораётганлигини кўрамыз.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И .Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоевнинг қўшма баёоти .”Халқ сўзи” газетаси. Тошкент., 2010 йил 17 март.

Қозоғистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик муносабатларининг фаоллашувига олиб келади. Натижада, йирик маблағлар талаб этувчи улкан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий ресурсларни бирлаштириш имконияти юзага келади.

2009 йил 3 апрель куни Қозоғистон Республикаси бош вазири Карим Масимовнинг Тошкентга ташрифида ҳам кўрилган асосий масалалардан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро узлуксиз етказиб ва унинг ҳажмини оширишни кўриб чиқиш бўлган эди. Бундан ташқари, бу ташриф асносида 2007 йилгача узлуксиз ўсиб келаётган ташқи савдо алоқалари 2007 йилдаги 1193,9 млрд. АҚШ долларидан 2008 йилга келиб 912,5 млн. АҚШ долларигача камайиб кетганлиги боис Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг айна вақтдаги аҳволи, савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш масалалари билан бир қаторда дунё мамлакатларини қамраб олган иқтисодий инқироз ва унинг Марказий Осиё минтақасига таъсири ва уни юмшатиш масалалари юзасидан фикрлар алмашинди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги товар айирбошлаш динамикасини Ўзбекистон Республикаси мисолида кўриб чиқамиз. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан ташқи савдо айланмаси 2000 йилда 316,6 млн. АҚШ доллари бўлган. 2000 йилдан кейинги уч йил давомида икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси нисбатан камайиб борганини ва ҳатто, 2002 йилда энг минимал 263,3 млн. АҚШ долларигача тушганини кўрамиз. Шу билан бирга, 2002 йилдан кейин ташқи савдо айланмаси фақат ортганини кўришимиз мумкин. 2005 йилда ташқи савдо 516,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб эса 1193,9 млн. АҚШ долларигача етди. 2008 йил икки туташ давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси энг юқори 1657,3 млн долларга чиқган ҳолда, ташқи савдо сальдоси ҳам энг

юқори бўлаган -784.5 млн долларгача етди. Шу жумладан, экспорт 436.4 млн., импорт 1220.9 млн долларни ташкил этган. 2009 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 21209.6 млн долларни ташкил этган ҳолда унинг 6.2% Қозоғистонга тўғри келган. Шу жумладан, бу кўрсаткич 2000 йилда 5.1%га, 2002 йилда 4.62%га, 2004 йилда энг минимал 3.75% га тушган бўлса, 2008 йилда энг юқори даражага яъни 8.9 % га етди.(3-жадвал)

2009 йилда икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 2008 йилга нисбатан 21.4 % га камайган ҳолда, ташқи савдо айланмаси 1307.2 млн долларни, шу жумладан, экспорт 513.7 млн, импорт 793.5 млн АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдонинг пасайишига жаҳон иқтисодиётида юзага келган молиявий инқирозининг энг авж ига чиққан даври айнан 2009 йилга тўғри келганлигини асосий омил сифатида кўрсатиш мумкин.

2008 йилга келиб Ўзбекистонда Қозоғистон инвестицияларининг иштироки билан 167 та қўшма корхона ташкил этилган бўлиб, улар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, металлни қайта ишлаш каби соҳаларда фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 24 фирма ва компанияси ваколатхоналари ўз фаолиятини ташкил этган. Қозоғистонда эса Ўзбекистон Республикаси инвесторлари ҳамкорлигида 100 га яқин қўшма корхоналар савдо, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш, қурилиш материаллари ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, пахта ва ёғочни қайта ишлаш, уй жиҳозлари ва шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритмоқда. Хусусан, 2006 йил 19-20 март кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А. Назарбаевнинг мамлакатимизга ташрифи арафасида Қозоғистонга мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш масаласига бағишланган йиғилишда таъкидланганидек, Ўзбекистонда бир йилда 5 млн. тонна ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мамлакатимиз эҳтиёжларини қоплаш

учун унинг ярми ҳам кифоя қилади. Бундан кўринадики, 2,5 млн. тонна маҳсулотни ташқи бозорга экспорт қилиш мумкин.

Айнан 2005 йилда Ўзбекистон экспорт қилган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг атиги 4 фоизигина Қозоғистонга жўнатишган. Бинобарин, бу кўрсаткични бир неча баробар кўпайтирилиши зарур. Чунки, бу турдаги маҳсулотларни узоқ давлатларга экспорт қилиш кўплаб қийинчилик туғдиради.

Биринчидан, узоқда жойлашган давлатларга экспорт қилиш олис йўл ва кўп вақтни талаб этиши билан бир қаторда, ҳар бир давлат божхона пунктларидан ўтаётганда уни рўйхатга олиш ишлари ҳам бироз вақтни талаб қилади. Бу омиллар бевосита озиқ-овқат маҳсулоти сифатида истеъмол қилинадиган маҳсулотнинг сифатини пасайиши ва ҳатто бузилишига олиб келади.

Иккинчидан, маҳсулотни етказиб беришга кетган йўл харажатлари, божхона тўловлари ва бошқа шу каби молиявий-иқтисодий омиллар маҳсулот таннархининг ортишига бевосита таъсир этади.

Тўғри ушбу маҳсулотларни ҳозирги кундаги ортиқча вақтни талаб қилмайдиган, тезкор ҳаво транспорти орқали етказиш мумкин. Аммо, ҳозирги кунда энг қиммат транспорт тури ҳаво транспорти эканлигини инобатга олсак, маҳсулот нархининг ошишига ва унинг бозор рақобатига мослашишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги каби омилларни эътиборга олишни талаб қилади.

Қозоғистон Республикасида бу турдаги маҳсулотларни катта миқдорда етиштиришга иқлимий ва умуман табиий шароит ноқулайлик туғдиради. Агарда уни етиштиришга имкон яратилса ҳам нархи қимматга тушиши билан бир қаторда етиштирилган маҳсулот Ўзбекистондагидек сифатли, мазали ва шифобахш бўлиши қийин. Ушбу турдаги маҳсулотларни етиштиргандан кўра Ўзбекистондан импорт қилиш Қозоғистонга самаралироқ бўлганлиги учун Қозоғистон ҳукумати унга асосий талабгор бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ташқи савдо динамикаси кўрсаткичлари (2000-2009 й)
(млн.АҚШ доллари)

Йиллар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Ташқи савдо айланиши	316.4	312.9	263.3	295.2	325.9	516.5	730.9	1392.6	1657.3	1307.2
Шу жумладан Экспорт	100.8	118.0	81.8	99.1	184.7	247.0	304.7	661.7	436.4	513.7
Шу жумладан: импорт	215.6	194.9	181.5	196.1	241.2	269.5	426.2	730.9	1220.9	793.5
Сальдо	-114.8	-76.9	-99.7	-97	-56.5	-22.5	-121.5	-69.2	-784.5	-279.8
Ўз.Р. умумий ташқи савдо айланиши	6212.1	6407.3	5700.4	6689.2	8669.0	9500.1	11171.4	15719.6	21197.3	21209.6
Ўз.Р. умумий ташқи савдосидаги улуши (%)	5.1	5.02	4.62	4.41	3.75	5.4	6.5	8.9	7.9	6.2

Изоҳ: жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ хўжалигидан ташқари, енгил ва оғир саноат, қурилиш, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, нефть ва газ ҳамда бошқа соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштириш имконияти мавжуд. Масалан, Қозоғистон ҳудудлари учун ҳар йили Ўзбекистондан 1,5 млрд. м³ газ сотиб оларди. Сув-энергетика соҳаси ҳам икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Томонлар бугдой, қурилиш материаллари, металл прокати савдоси соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Икки давлат ҳам ҳар икки мамлакатда талаб тўлган товарлар рўйхатини тузиш, савдо соҳасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни кенгайтириш ҳақида келишув шартномаларига эга.

Савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий таркибий қисмидир. Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эга. Гарчи, товар айирбошлаш ҳажми юксалаётган бўлса-да, унинг кўрсаткичлари ана шу имкониятларни тўлиқ акс эттирмайди. Демак, экспорт-импорт маҳсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарур. Бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор.

Таъкидлаш лозимки, савдо алоқалари икки давлат интеграцион алоқалар ривожланиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Савдо алоқаларининг ривожланиши эса икки давлат ўртасида эркин савдо зоналари, божхона иттифоқи, умумий бозор ва ягона иқтисодий ҳудуд шаклланишига ижобий таъсир этади.

Икки ҳудудий туташ мамлакатларнинг иқтисодиётини таҳлили шундан далолат берадики, уларнинг иқтисодиётлари бир-бири билан зиддиятга ва рақобатга киришмайди. Жумладан, Ўзбекистонда автомобиллар, автобуслар, юк ташиш машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабеллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Қозоғистонда буларнинг барчасига талаб бор. Айни пайтда Ўзбекистон бозорида ҳам Қозоғистон экспортчилари учун кенг фаолият майдони мавжуд. Энергия манбаларини қазиб олиш, узатиш, транзит қилиш

ҳам ҳамкорлик учун яхши соҳадир. 2009 йилда Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон орқали Хитойга газ етказиб берадиган қувур ишга тушди. Бу кўп томонлама ҳамкорлик муваффақиятига ёрқин мисолдир. Мамлакатларимиз ёқилғи манбаларининг йирик захираларига эга ва бу соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун икки томонда ҳам имкониятлар етарли. Ҳар икки мамлакат иқтисодиётининг айни вақтда умумий жиҳатлари ҳам мавжуд. Бой углеводород ва энергетика захираларидан ташқари, улар кучли илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳиятга ҳам эгадир. Ҳар икки томоннинг бурчи – бу салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, икки мамлакатни бир-бирига гиж-гижлаётган, бир-биридан ажратишга интилаётган давлатлар ва ташкилотлар манфаатларини кўзлаб иш юритмаслиги шарт.

Тўғри ҳозирги кунгача икки мамлакат ўртасида ҳеч қандай келишмовчилик ёки зиддият юзага келгани йўқ ва унга сабаб йўқ. Шунингдек, Сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш шартномасига биноан шериклар сифатида мамлакатларимиз ҳудудларидан ўтадиган газ қувурларидан самарали фойдаланишни йўлга қўя олганлигимиз каби бир қанча ютуқларни кўрсатишимиз мумкин. Лекин бундай ўзаро келишув шартнома ютуқлари икки давлат муносабатларида эришиш мумкин бўлган имконият даражаси тўлақонли фойдаланилмаётганини исботлайди. Айтишимиз мумкин, ҳар икки томон ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантиришда улкан имкониятлар мавжудлигини эътироф этмоқда. Икки давлат раҳбарлари савдо йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш борасида тегишли топшириқлар берди. Кейинги вақтда бу борада анча иш амалга оширилган бўлса-да, аммо мавжуд имкониятлардан ҳамон тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу, хусусан, ички чегараларда маҳсулот ва транспорт воситалари, ҳудудларимиз орқали товарлар транзити ва икки томонлама юкларни божхона назорати қоидаларини соддалаштириш ва бир хиллаштириш масаласига тегишлидир. Айниқса, транспорт соҳасида ҳамкорлик аҳамияти ортиб бораётганлигини

таъкидлаш зарур. Зеро, товар айирбошлаш ҳажмининг ортиши, одатда, юкларни ташиш ҳажмининг ортишига олиб келади. Бунга мисол сифатида Қозоғистон юкларининг жануб йўналишига транзити сўнгги йилларда 20 фоиздан ошганини кўрсатишимиз мумкин. Шу билан бир қаторда, мамлакатларимизнинг биргаликда қарор қабул қилиши ва ўзаро ҳамкорлиги асосида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам талайгина.

Аввало, рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали иқтисодиётларнинг хом ашёга йўналтирилганини камайтириш, мамлакатларнинг экспорт салоҳиятини қўшимча қиймати юқори бўлган маҳсулот ва хизматлар ҳисобига ривожлантириш, ҳар икки давлатнинг илмий-техникавий ва инновацион жараёнларда иштирок этишини кучайтириш орқали жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини жадаллаштириш керак.

Экологик муаммоларни ҳал этиш учун чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Хусусан, мелиорация ва ирригация йўналишидаги алоқалар муҳим сув тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш бу борада тажриба ва ахборот алмашиш долзарб масаладир. Бу билан бир қатор экологик ва ижтимоий муаммоларга барҳам бериш мумкин. Шунингдек, ҳар икки мамлакатдаги меҳнат заҳиралари кўп бўлган минтақаларда аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш долзарб вазифалардан биридир.

Бундан буён ҳам ягона тамойилларга асосланган ҳуқуқий муҳитни шакллантириш борасидаги ишларнинг давом эттирилиши ишбилармон доиралар ва маҳсулот истеъмолчиларига қулай шарт-шароитлар яратиб беради. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик нафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий интеграцияни ривожланишига, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий-ижтимоий интеграциянинг шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Минтақадаги интеграциянинг ривожланиши эса ушбу минтақадаги долзарб бўлган

муаммоларга биргаликда қарши курашиш ва ижобий ҳал қилишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган кўплаб ҳужжатлар имзоланган. Ўзбекистон Республикаси ва қозоғистон Республикаси ўртасида 2006 – 2010 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2010 – 2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, 2010 – 2012 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида яширин маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида Битим, 2001 йил 16 ноябрдаги ўзбек – қозоқ давлат чегарасидан ўтиш пунктлари Битимининг протоколи, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Мудофаа вазирликлари ўртасида давлат ҳаво кемаларининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ва Қозоғистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Қозоғистон Республикаси Савдо-саноат уюшмаси ўртасида ҳамкорлик дастурларининг имзоланганлиги шулар жумласидандир.

II. Боб. Тошкент вилояти чегара ҳудудларининг иқтисодий иҷтимоий ривожланиши

2.1 Чегара ҳудудлари аҳолиси, меҳнат ресурслари ва улар жойлашувини тарихий ва сиёсий географик жиҳатлари

Тошкент вилоятида доимий яшовчи аҳоли сони 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра 2610,9 минг кишини ташкил этади ва йил бошидан 24955 кишига ёки 1,0 фоизга кўпайган. Аҳоли сони жиҳатидан вилоят қишлоқ туманлари ичида Зангиота (Тошкент ва Зангиота туманлари қўшилиши натижасида) 316,7 минг киши ёки вилоят жами аҳолисининг 12,2 %, Ўртачирчиқ 173,9 минг киши (6,7 %), Қибрай 172,4 минг киши (6,6 %), Янгийўл 167,6 минг киши (6,4 %) билан етакчи ўринларни эгаллаган бўлса, вилоят шаҳарлари орасида Ангрен шаҳрига вилоят жами аҳолисининг 6,5 % (168,5 минг киши), Чирчиқ 5,5 % (143,8 минг киши) ва Олмалиқ шаҳрига 4,8 % (125,7 минг киши) тўғри келади. Жанубий Қозоғистон вилояти билан чегарадош бўлган Чиноз (121,7 минг киши), Янгийўл (167,6 минг киши), Зангиота (316,7 минг киши), Қибрай (172,4 минг киши) ва Бўстонлиқ туманларида (149,6 минг киши) жами 928 минг киши (01.01.2011 й.) истиқомат қилади.(4-жадвал)

Тошкент вилояти республиканинг бошқа кўпчилик вилоятларидан аҳоли сони ўсишининг пастлиги билан ажралиб туради. Йиллик ўсиш сўнгги (2000 йилдан буён) ўн йил ичида йилига 1-1,5 фоиздан ортмаганлигини кўрсатмоқда. 2010 йилда аҳоли ўсиши 1,0 фоизга тенг бўлган бўлса, 2000 йилда 1,4 фоизга тенг эди. Вилоятда аҳоли сони асосан табиий ўсиш ҳисобига кўпаймоқда. Тўғри, демографик вазиятнинг шаклланишида аҳоли миграцияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу кўрсаткич вилоят бўйича 2010 йилда -11856 кишини ташкил қилди. Бу жараён асосан шаҳар (Ангрен, Олмалиқ ва Чирчиқ) аҳолисига тегишлидир.

Тошкент вилояти қишлоқ туманларининг майдони ва аҳолиси

	Туманлар	Ташкил топган йили	Маъмурий маркази	Майдони, минг кв км	Аҳолиси, минг киши		1989-2011 йй ўсиш, %	Аҳоли зичлиги, киши/кв.км
					1989 йил	01.01.2011 йил		
1	Бекобод	23.09.1963	Зафар ш-ча	0,76	101,0	146.5	145.0	192.7
2	Бўка	18.05.1943	Бўка ш	0,59	82,1	111	135.2	188.1
3	Бўстонлиқ	25.12.1968	Ғазалкент ш	4,93	124,9	149.6	119.8	30,3
4	Зангиота ¹	01.12.1933	Эшонгузар ш-ча	0,22	239.1	316.7	133.7	812
5	Оҳангарон	31.12.1971	Оҳангарон ш	3,18	64,3	84	130.6	26,4
6	Оққўрғон	09.02.1935	Оққўрғон ш	0,40	71,0	95.6	134.6	239
7	Паркент	06.12.1979	Паркент ш	1,08	82,4	129.6	157.3	120
8	Пискент	07.12.1970	Пискент ш	0,79	72,7	88.9	122.3	112,5
9	Чиноз	12.04.1973	Чиноз ш	0,34	96,2	121.7	126.5	357.9
10	Юқоричирчиқ	29.09.1926	Янгибозор ш-ча	0,44	88,8	118.3	133.2	268.8
11	Янгийўл	29.09.1926	Гулбаҳор ш-ча	0,42	131,6	167.6	127.3	399
12	Ўртачирчиқ	29.09.1926	Тўйтепа ш	0,49	133,1	173.9	130.6	354.9
13	Қибрай	31.12.1964	Қибрай ш-ча	0,56	137,3	172.4	125.5	307.8
14	Қуйичирчиқ	26.12.1973	Дўстобод ш	0,56	88,4	98.1	111.0	175.2
	Вилоят	15.01.1938	Тошкент ш	15,26	2143,5	2598.4	121.2	170,3

Изоҳ: 1) 2010 йил сентябр ойида Зангиота ва Тошкент туманлари бирлаштирилган.

2) Вилоятга бўйсинувчи шаҳарлар жадвалга киритилмаган.

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Аҳолининг табиий ўсиши 2010 йил 3031 кишини ташкил қилди. Унинг катта қисми эса қишлоқ туманларига тўғри келади. Вилоят бўйича 2010 йилда туғилганлар сони 55554 кишини ташкил қилди ва 2009 йилга нисбатан 3031 кишига ёки 5,2 фоизга камайди, туғилиш коэффиценти 22,7 промилледан 21,3 промиллега камайди. Вилоятда туғилиш даражаси унинг ҳудудлари бўйича ҳам бир-биридан фарқланиши билан бир қаторда, дефрли барча ҳудудларда туғилиш даражасининг пасайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткичнинг юқори даражаси Олмалик (20,6 промилледан 19,5 промиллега), Оҳангарон (23,0 промилледан 21,4 промиллега), Чирчиқ (18,0 промилледан 17,0 промиллега) шаҳарларида, Бўстонлик (23,3 промилледан 21,5 промиллега), Оҳангарон (23,0 дан 21,4 га), Зангиота (23,7 дан 22,3 га), Юқоричирчиқ (23,6 дан 21,4 га), Чиноз (23,1 дан 20,5 га), Ўртачирчиқ (22,1 дан 19,7 га), Янгийўл (24,0 дан 22,0 га) туманларида кузатилади.

5-жадвал

Тошкент вилояти ўрта ва йирик шаҳарларининг аҳолиси
(минг киши)

Шаҳарлар	1979 йил	1989 йил	01.01.2011 йил	1979 – 2011 йй. ўсиш, %
Ангрен	105,8	131,0	168.5	159.2
Бекобод	67,5	81,5	88.7	131.4
Олмалик	101,0	113,9	125.7	124.4
Оҳангарон	25,9	30,9	32.7	126.2
Чирчиқ	131,2	156,4	143.8	109,6
Янгийўл	62,8	57,7	65.1	103.6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2010 йил ўлганлар сони 523 кишига ёки 3,5 фоизга кўпайди. Ўлганлар сонининг кўпайиши Олмалик (7,3 промилледан 7,6 промиллега), Ангрен (6,2 дан 6,6 га), Оҳангарон (7,7 дан 9,6 га), Чирчиқ (7,6 дан 8,4 га) шаҳарларида, Оққўрғон (4,6 дан 5,0 га), Ўртачирчиқ (4,6 дан 4,9 га), Зангиота (4,9 дан 5,1 га), Қибрай (5,8 дан 6,1 га) ва Юқоричирчиқ (6,0 дан

6,2 га) туманларида кузатилади. Энг кўп ўлим ҳоллари Чирчиқ шаҳрида (8,4 промилле) кузатилган бўлса, энг кам ўлим ҳоллари Паркент туманида (4,3 промилле) кузатилди.

Юқорида келтирилган шаҳар ва туманларда ўлим даражасининг кўпайиб боришига асосан, бу ҳудудларда яшовчи аҳолининг табиий ўсишининг камлиги, экологик вазиятнинг, айниқса Олмалик, Ангрен, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарларида нисбатан ёмон аҳволда эканлиги бу ҳудудларда аҳоли таркибидаги қариялар ва касалманд инсонлар ўлимининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Булардан ташқари, кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, юқоридаги шаҳар ва туманларда аҳоли ўлими нисбатан юқориликкага автомобил ва темир йўлларидаги инсонларнинг ҳалокатлари ҳам катта таъсир ўтказмоқда. Буни, айниқса, автомобил ва темир йўллари атрофида аҳолиси зич жойлашган Зангиота, Янгийўл, Чиноз, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида яққол кузатиш мумкин. Ҳозирги кунда ушбу (Зангиота, Янгийўл ва Чиноз) туманлардан ўтган темир йўл ва йирик автомобил йўллари аҳолиси зич жойлашган ҳудудларда ён-атрофи ҳимоя тўсиқлари билан ўралиб, аҳолининг ўтиши учун махсус жойлар бунёд этилмоқда.

Демографик вазиятнинг шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлган никоҳ ва ажралишлар ҳам республиканинг бошқа ҳудудларидан фарқланиб туради. 2010 йил 21881 та никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 2027 ташкил қилди. Ажралишлар сони жиҳатидан вилоят республикада энг етакчи минтақалардан бири ҳисобланади. Вилоят бўйича ҳар минг аҳолига 8,4 никоҳ ва 0,8 ажралишлар тўғри келмоқда (2008 йил мос равишда 8,3 ва 0,8).

Тошкент вилояти бўйича 2011 йил 1 январ ҳолатига биноан меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 1518,2 минг кишига етди ва бу кўрсаткич 2010 йил 1 январ ҳолатига (1499,3 минг киши) нисбатан 1,2 фоизга кўпайди. Меҳнатга лаёқатли аҳоли вилоят доимий аҳолисининг (2598,4 минг киши) 58,4

фоизини ташкил қилди. Жанубий Қозоғистон вилояти билан чегарадош туманларда жами меҳнат ресурсларининг 35,4 % (538 минг киши) тўпланган бўлиб, шу жумладан Зангиота туманига жами вилоят меҳнат ресурсларининг 12,0 % (182,9 минг киши), Янгийўл 6,4 % (97,3 минг киши), Қибрай 6,5 % (99,6 минг киши), Бўстонлик 5,7 % (87,1 минг киши) ва Чиноз туманларига 4,7 % (71,1 минг киши) тўғри келади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 76,1 % (1155,4 минг киши) иқтисодиётда банд бўлиб, шундан нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 86,5 фоизга етди. 2010 йилда бандликка кўмаклашув марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб келган 67192 нафар фуқаро мурожаат қилган. Бу 2009 йилга нисбатан 13209 кишига ёки 24,5 фоизга кўпдир. Бандликка кўмаклашувчи марказларга иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Олмалиқ шаҳри (вилоят бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 6,8 %), Паркент (4,2 %), Зангиота (10,0 %) ва Ўртачирчиқ (9,5 %) туманларида юқори бўлганлиги кузатилади. Бандликка кўмаклашувчи марказларга қилган 39203 фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 76,1 %) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 3,4 фоизга кўп бўлди. Ишга жойлаштирилганларнинг 54,1 % 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳоли ҳисобланади. Бандликка кўмаклашувчи марказлар орқали ишга жойлаштирилган аҳолининг аксарияти Ангрен шаҳри 3050 киши (вилоят миқёсида жами ишга жойлаштирилганларнинг 5,9 %), Ўртачирчиқ 2987 киши (5,8 %), Паркент 2572 киши (5,0 %), Зангиота 5958 киши (11,7 %) ва Бўстонлик 3398 киши (6,7 %) туманларига тўғри келди.

Ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг (01.01.2011 й. Маълумотига кўра) 50,0 % шаҳар ва шаҳарчаларда истиқомат қилиб келмоқда. Вилоятнинг энг катта шаҳарлари (республика пойтахти Тошкент шаҳридан ташқари): Ангрен (168,5 минг киши), Чирчиқ (143,8 минг киши), Олмалиқ (125,7 минг киши) шаҳарлари кирса, Бекобод (88,7 минг киши), Янгийўл (65,1 минг киши) шаҳарлари ўртача катталиқдаги шаҳарлар ҳисобланади. Қолган

шаҳарлар аҳолиси сони 50 минг кишидан кам бўлиб, булар асосан туман марказини бажарувчи шаҳарлар ҳисобланади (4-жадвал). Вилоят ҳудудидаги йирик қишлоқлар асосан қадимдан суғориб деҳқончилик қилинадиган ерларда ўрнашган.

Вилоят ҳудуди бўйлаб аҳоли жуда нотекис жойлашган бўлиб, суғорма деҳқончиликка ихтисослашган текислик минтақалари ва тоғли ҳудудлардан иборат тоғ ва тоғ олди минтақалари бир-биридан ажралиб туради. Аҳоли зичлиги ўртача 1 км² га 170,3 кишидан тўғри келади. Тоғ ва тоғ олди минтақаларига тўғри келувчи Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон ва Юқоричирчиқ туманларида аҳоли зичлиги ўртача 1 км² га 104 кишига тенг бўлса, суғорма деҳқончилик ривожланган текислик минтақаларида 1 км² га 265,1 киши тўғри келади. Жанубий Қозоғистон вилояти билан чегарадош туманларда эса аҳоли зичлиги 1 км² га 140 кишига тўғри келади. Булар мос равишда Чиноз туманида 1 км² га 358 кишига, Янгийўл туманида 400 кишига, Зангиота туманида вилоят бўйича энг юқори кўрсаткич 812 кишига, Қибрай 308 кишига ва Бўстонлик туманида вилоятда энг кам кўрсаткичлардан бири бўлган 30,3 кишига тенг.

Умуман олганда, Тошкент вилоятида аҳоли жойлашуви ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, вилоят чегарага туташ ҳудудларида бу, айниқса, яққол намоён бўлади. Вилоят чегарадош туманларида маҳаллий элат ва миллатларнинг жойлашувида табиий ва тарихий этник жойланиш кўзга ташланса, маҳаллий миллат ҳисобланмаган рус, украин, корейс ва бошқа шу каби кўчирилиб келтирилган миллатларда эса сунъийлик яққол намоён бўлади. Улар асосан шаҳарларда яшаш учун қулай бўлган ҳудудларда истиқомат қилишини кўриш мумкин. Бундай ҳолатни нафақат Тошкент вилояти ёки Ўзбекистон Республикаси бўйлаб, балки бутун Марказий Осиё давлатларининг чегарадош минтақаларида кўриш мумкин.

Марказий Осиё халқларининг асосий қисми туркийзабон сунний мусулмонлардан иборатдир. Ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар,

қорақалпоқлар, уйғурлар ҳамда тожиклар минтақанинг маҳаллий элатлари ҳисобланади. Миллий гуруҳларнинг минтақа бўйлаб жойлашувига мувофиқ равишда тарихий тараққиёт натижасида ҳар бир туб элатга хос менталитет, турмуш тарзи, ҳўжалик юритиш услуби, анъаналар ва миллий руҳ шаклланган. Масалан, минтақанинг шимолий қисмида асосан қозоқлар, қирғизлар, шимоли-ғарбда қорақалпоқлар, шимоли-шарқда ва шарқда қирғизлар ва уйғурлар, ғарбий ва жануби-ғарбий ҳудудларда туркманлар, жанубда ва жануби-шарқда афғонлар, тожиклар ва бошқа айрим элатлар, минтақанинг марказий ҳудудларида эса асосан ўзбеклар истиқомат қилишади. Қозоқ ва ўзбек миллати вакиллари минтақанинг барча давлатлари ҳудудларида қадимдан истиқомат қилиб келаётганлиги билан ажралиб туради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, маҳаллий миллатларнинг бундай жойлашувида ҳеч қандай сунъийлик кўзга ташланмайди ва тарихий шаклланган этник чегараларнинг ифодаси ҳисобланади. Аслида ҳам шундай, яъни Марказий Осиёнинг маҳаллий элатлари қадим-қадимдан ана шу ҳудудларда истиқомат қилишган ва ўзларига тегишли ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларига мос равишда менталитети, руҳияти ҳамда анъаналари шаклланган. Масалан, Бўстонлик, Қибрай, Чиноз, Янгийўл, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Оққўрғон каби туманларда қозоқ миллати вакиллари нисбатан кўпчилиқни ташкил этиб, улар тарихан шу ҳудудга боғлангандир. Бундай мисолларга маҳаллий миллатлардан бири ҳисобланган тожикларни Бўстонлик тумани Бурчмулла қишлоғида ёки Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон, Ромитон каби шаҳарларда қадимдан истиқомат қилиб келаётгани, ўз навбатида ўзбеклар ҳам Жанубий Қозоғистон вилоятининг Сайрам, Туркистон, Тароз, Абай каби шаҳар ва қишлоқларида, Тожикистоннинг Хўжанд вилояти шаҳар ва қишлоқларида, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари шаҳар, қишлоқларида қадимдан истиқомат қилаётганлиқларини айтиб ўтиш мумкин. Бундай жойлашув ҳолатидан ўзларига тегишли ҳудуднинг

географик ўрни борасида маҳаллий миллат вакиллари ҳеч қачон норозилик кайфиятида бўлмаганлар.

Ҳозирги кунга келиб, Марказий Осиё минтақасига ўзининг ғаразли таъсирини ўтказмоқчи бўлган ҳар хил турдаги уюшган гуруҳлар ўтган асрнинг 20 йилларида Марказий Осиёда ўтказилган чегаралаш натижасида йўл қўйилган ҳудудий муаммоларга урғу берган ҳолда минтақадаги тинчликни бузишга, ўзаро ҳамдўст, ишончи қўшни сифатида ривожланиб бораётган давлатлар ва элатлар орасига нифоқ солишга ва улар ўртасида уруш чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг асосий эътибор бераётган томони маҳаллий халқларнинг асосий қисми 20 йиллардаги чегаралаш натижасида тарихий ватанларининг маъмурий чегарасидан ташқарида қолганлиги бўлмоқда. Бошқача қилиб айтганда, Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон атрофидаги деярли барча чегара ҳудудларида маҳаллий элатлар аралаш истиқомат қилиши уларга асосий омил бўлиб хизмат қилишга ҳаракат қилмоқда.

Марказий Осиёнинг этник ўзига хослиги, ҳақиқатдан ҳам чуқур изланиш ва эътиборни талаб қилади. Бу хусусият минтақанинг этник харитасини сиёсий харита билан тўғри келмаслигидан далолат беради. Деярли ҳамма чегара олди ҳудудларда этник туб аҳоли ёнма-ён истиқомат қилади, лекин бу шарт-шароит, улар бир-бирига ҳар хил ҳудудий даъво қилиш имкониятидан фойдаланишмайди дегани эмас. Масалан, бу ҳудуд сирасига Қирғизистоннинг жанубий ҳудудлари, Тожикистоннинг шарқий ва шимолий туманлари киради. Қозоғистонда аҳолининг салкам 50 % қозоқ миллатига мансуб эмас. Бундан ташқари, республикалар орасидаги давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёни тўлиқлигича тугалланмаган. Делимитация қилиш жараёнини якунлаш билан боғлиқ бўлган ишларни ҳал қилишда асосий қийинчилик тоғлардаги эришиш қийин бўлган ҳудудларда чегарани белгилашдир. Ўзбекистон ва Туркманистон, Ўзбекистон-Қозоғистон орасидаги ҳудудларда делимитация

жараёни муваффақиятли якунланган. Ўзбекистон-Тожикистон орасидаги ҳудудларда ҳам делимитация жараёни деярли якунланди. Ўзбекистон-Қирғизистон орасидаги ҳудудларда делимитация ишлари табиий географик омиллар (тоғлар орқали ўтганлиги учун) билан бир қаторда Қирғизистондаги давлат тизимида бўлаётган сиёсий ўзгаришлар ва тўқнашувлар натижасида бироз қийинлашмоқда.

Юқорида келтирилган омиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг чегара ҳудудлари мураккаб этносиёсий ҳолатларга эгаллиги билан ажралиб туради. Шу ўринда этносиёсий масалаларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни ёзган эди: “Шу нарса равшан бўлмоқдаки, кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатлардаги истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички ва сиёсий барқарорлик ва хавфсизликни ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда”.

Бундан келиб чиқадики, чегара ҳудудларида элатлараро тотувликни сақлаш Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Барча республикалар кўпмиллатли бўлиб, бу минтақада асосий миллатлардан ташқари бошқа туб этнос вакиллари мавжуд. Миллатлараро муносабатлар қўшничилик ва тотувлик асосида мавжуд, деб таърифлаш мумкин. Бу албатта, республикалар орасида икки томонлама муносабатларнинг ривожланишига яхши туртки бўлиб қолади.

Этник озчилик этносларнинг асосий қисми асосан Ўзбекистон Республикасининг чегара олди ҳудудларида истиқомат қилишади. Бизга маълумки, этник озчилик бу ўз давлатларга ном берган асосий миллатдан фарқли ўлароқ озчиликни ташкил қиладиган миллатга айтилади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, этник озчилик миллатларининг кўпчилик қисми асосий миллатга мансуб бўлмаслиги мумкин, лекин бу ҳудуднинг туб аҳолиси сифатида топилиши мумкин. Бу шарт-шароит бир неча

давлатларнинг тарихий ва маданий боғлиқлигидан келиб чиқади. Марказий Осиё билан боғлиқ шароитда эса, бир-бирининг ҳудудларида истиқомат қилувчи маҳаллий элат вакиллари этник озчилик сифатида талқин қилиниши мумкин. Албатта, республикамизнинг чегара олди ҳудудларида яшовчи асосий миллий озчилик вакиллари АҚШдаги каби диаспоралардан тубдан фарқ қилади. Бошқача айтганда, республикамизнинг чегара ҳудудларида яшовчи этник озчилик вакиллари кўчманчи халқ бўлмасдан, шу ернинг туб аҳолиси ҳисобланади. Марказий Осиёдаги этник озчилик вакиллариининг кўпчилиги тарихий ватанлари билан чегарадош ҳудудларда истиқомат қилишади. Масалан, этник ўзбеклар Марказий Осиёнинг Ўзбекистон билан чегарадош бўлган туманларида истиқомат қилишади. Шунга ўхшаб ўзбекистонлик тожиклар ҳам ўз тарихий ватанларига яқин ҳудудларда истиқомат қилишади. Ҳозирги даврда ҳудуддаги элатлараро муносабатларда туб бўлмаган аҳолини тўлиқ маънода этник озчилик сифатида талқин қилиш тўғри бўлмаса керак.

Бундан биринчидан, Марказий Осиёдаги миллий озчиликнинг фақат бу минтақага хос шарт-шароит эканлиги келиб чиқади. Бу каби ҳослик этник гуруҳларнинг ўз тарихий ватанларига яқин ҳудудларда географик жойлашувидан келиб чиқади.

Иккинчидан, чегараларнинг очиқлиги этник гуруҳларнинг ўз қон-қариндошлари билан яқин муносабатда бўлишига ёрдам берган, бу билан автоматик тарзда давлат чегараси деган тушунча иккинчи даражали масалага айланган.

Учинчидан, барча элатлар бир-бирига ўхшаш ва чегараларни кесиб ўтадиган иқтисодий, маданий, тарихий ва турмуш тарзи каби элементлар мавжуд. Бу шарт-шароит туб миллат бўлмаган халқ вакилларига шу ҳудуднинг жамият бирдамлигидан йироқлашмаслигига ёрдам беради. Ижтимоий бирдамлик Марказий Осиё каби кўпмиллатли ҳудудлар учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Чунки, асосий маросимлар бўлган тўй, хашар,

жанозалар миллатидан қатъиян ҳамжиҳатликда ўтказилган. Бу каби шарт-шароитлар чегара олди элатларини бирлашишига ва ҳамжиҳат бўлишига ёрдам беради.

Юқорида баён қилинганлар асосида чегарага туташ ҳудудларда минтақавий этносиёсий барқарорлик борасида тегишли ҳулосалар яшаш мумкин.

Чегара олди ҳудудларида элатларнинг аралаш яшашлари элатлараро вазиятнинг мураккаб эканлигини белгилаб беради. Вақти-вақти билан этноҳудудий мазмундаги муаммоларнинг пайдо бўлиши, асосан ташқи кучлар таъсирида рўй бериб, улар асосан минтақага таъсир этувчи баъзи далаатларнинг тактикаси ва стратегияси ўзгариши даврида долзарб масалага айланади. Бу эса этно сиёсий мавзунинг ҳамиша долзарб эканлигини намоён этади ва албатта республикалар ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан чегара ҳудудларида хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда бу ҳудудларда иқтисодий-иҷтимоий ривожланишни таъминлашда ўзаро чегарадош республикалар қуйидаги шартларга риоя қилишлари шарт: - биринчидан, ташқи кучларга чегара олди ҳудудларда мавжуд кўп этник омилдан фойдаланишга йўл қўймаслик;

- иккинчидан, жамиятнинг полиэтник жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда ўз миллий дастурларини олиб боришлари ва унинг тамойилларини информацион таъминлашлари зарур;

- учинчидан, миллатчиликни тарғиб қилувчи омиллардан ўз фуқароларини ҳимоялаш;

- тўртинчидан, этник ва ҳудудий барқарорликка олиб келадиган шарт-шароит, яъни давлат чегараларининг делимитация жараёнини яқунлаш зарур;

- бешинчидан, миллатлараро муносабатларни сақлашга ёрдам берадиган, енгиллаштирилган вариантли чегарадан ўтиш тартибини таъминлаш зарур;

- олтинчидан, транспортларнинг транзит ўтиш хавфсизлигини таъминлаш зарур.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш жараёнида, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида мавжуд ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, аниқ бир кучларга минтақадаги вазиятни нотинч ҳолатга келтиришга ёрдам бериши мумкин. Бу уринишлар турли этник гуруҳлар орасига келишмовчиликни сингдириш асосида амалга оширилиши мумкин. Масалан, чет эл муаллифлари китобларида нашр қилинаётган тарихий фактларни ўзгартириш, маданият тарихининг ривожланиши ва ҳозирги сиёсий воқеалар нотўғри талқин қилиниши ўз аксини топмоқда. Асосий миллатларнинг миллатлараро муносабатларда ҳар томонлама ўйлаб кўрилган барқарорликка эришиш мақсади ҳамда юқорида эслаб ўтилган бағрикенглик савияси элатлараро барқарорликни таъминлашдаги асосий омил сифатида хизмат қилмоқда.

2.2 Чегара ҳудудлари хўжалигини таркибий тузилиши ва ривожланишининг географик хусусиятлари

Тошкент вилояти республикаимиз ҳудудий меҳнат тақсимоотида ўзининг кўп тармоқли иқтисодиёти билан ажралиб туради. Вилоят саноат ишлаб чиқаришида машинасозлик, кўмир, электр энергия, қурилиш материаллари, минерал ўғитлар, енгил ва озиқ - овқат саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Агроиқтисодиёт тизимида эса пахта, мева ва узум етиштириш, гўшт ва сут чорвачилиги, шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган. Ўзбекистонда бундай

мукаммал ва мураккаб тизимга эга бўлган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси бошқа минтақаларда шаклланмаган.

2010 йил якунларига кўра, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотнинг(ЯҲМ) номинал қиймати 5571079.6 млн сўмда баҳоланди. Унинг реал ўсиш суръати 2009 йилга нисбатан 110.1%ни ташкил қилди. ЯҲМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар таркибида саноат улуши 27,6%, қишлоқ хўжалиги 25,4%, транспорт ва алоқа 14,3%, қурилиш 3.8%, савдо ва умумий овқатланиш 7.1 % , экспорт- импорт операциялари соф солиқлари 7.4 % ва бошқалар 14,4% улушга эга. ЯҲМ аҳоли жон бошига ўратача 2144 минг сўмдан тўғри келди. Агар минтақада қишлоқ хўжалигини маълум даражада саноатлашганлиги ҳисобга олинса, унинг иқтисодиётини индустриал - аграр йўналишда эканлигини эътироф этиш мумкин. Шу билан бирга юқоридаги кўрсаткичлар республика бошқа ҳудудлари билан таққослаганда қурилиш кўрсаткичининг энг пастлиги, транспорт ва алоқанинг эса энг юқорилиги кўзга ташланади.

Албатта, ҳар қандай ҳудуд ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодиётнинг ривожланиши энг аввало капитал қўйилмаларга боғлиқ. 2010 йилда жами инвестиция ҳажми 1447,7 миллиард сўмни ташкил қилган. Унинг каттароқ қисми Қибрай (6,9%), Ангрен ва Янгийўл (5,6% фоиздан) шаҳарларига тегишли. Мазкур йилда капитал қўйилмаларнинг нисбатан пастроқ кўрсаткичи Пискент, Бекобод ва Оҳангарон туманларида ва Оҳангарон шаҳрида кузатилади. Қурилиш ишлари инвестиция ва капитал қўйилмаларни амалга татбиқ қилишнинг асоси ҳисобланади. Бу борада Ангрен шаҳри (12,3%), Қибрай (11,0%), Юқоричирчиқ (8,5%), Бўстонлик (6,8%), Янгийўл (6,0%) ажралиб туради. Пискент, Қуйичирчиқ туманларида эса кўрилаётган йилда унча катта қурилиш ишлари олиб борилмаган (5-жадвал).

Саноат вилоят иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Юқорида таъкидланганидек, Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқаришининг турли

тармоқлари мавжуд. Бунга минтақанинг минерал хом ашё ва меҳнат ресурслари, транспорт ва иқтисодий географик ўрни катта таъсир кўрсатган.

Вилоятда 2010 йилда жами 4209.2 млрд сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Саноат маҳсулотларининг тармоқлар таркибида (1-диаграмма) рангли металлургия (28.7%), қора металлургия (13.3%), озиқ – овқат саноати (15,3%), енгил саноат (13,6%) ва кимё саноати (10,4%) етакчи ўринга эга бўлса, аксинча машинасозлик ва метални қайта ишлов (5,3 %), ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза – қоғоз (1,5%), электроэнергетика (2,0%) ва қурилиш материаллари (7,9%) ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларининг улуши йилдан- йилга камайиб бораётганлиги билан ажралиб туради.

Саноат тармоқлари давлат томонидан олиб боилаётган ислохотлар, модернизациялаш ишлари орқали йилдан – йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Бунда асосан олдинги самараси кам бўлган корхоналар (тўлиқ тугатилиб) тўлиқ ва қисман модернизация қилиниши билан бир қаторда, тугатилганларининг ўрнига янги саноат тармоқлари шакллантирилмоқда.

Саноат маҳсулотининг географиясида Жанубий Қозоғистон вилояти билан туташ бўлган, минтақада (Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари қўшиб ҳисобланганда) жами саноат маҳсулотининг 29,2% ишлаб чиқарилган. Шу жумладан, туташ ҳудудлар саноат маҳсулотининг 41,8% Чирчиқ шаҳрига, 23,3% Зангиота (Тошкент тумани билан бирга) туманига , 20,5% чегарага туташ ҳудудларнинг шарқий минтақаси бўлган Бўстонлиқ ва Қибрай туманларига тўғри келган. Чегарага туташ ҳудудларнинг ғарбий минтақаси саналадиган Чиноз ва Янгийўл (Янгийўл шаҳрини қўшиб ҳисоблаганда) туманларининг улуши нисбатан кам (14,4 %).

Вилоят иқтисодётида 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра 43075 та корхона ва ташкилотлар рўйхатаг олинган. Шу жумладан, 3401 та янги корхона ва ташкилотлар ташкил топган бўлса, 1820 та корхона ва


ташкiлотлар тугатилган. Хусусан, чегара хуудларида жами 17713 та корхона ва ташкiлотлар рўйхатага олинган бўлиб, 1628 та янги корхона ва ташкiлотлар ташкiл этилган. 658 та корхона ва ташкiлотлар тугатилган.

Юқорида маълумотлардан кўриниб турибдики вилоятда жами рўйхатга олинган корхона ва ташкiлотларнинг 41,1%, янги ташкiл этилганларнинг 47,8 % ва тугатилганларининг 36,1% чегарага туташ бўлган, минтақага тўғри келган.

Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда озиқ - овқат маҳсулотлари (41,4 %) етакчилик қилади. Нооziқ - овқат маҳсулотлари 30,9 %, вино - ароқ ва пиво ичимликлари 27,7 фоизни ташкiл қилади. Ишлаб чиқарилган халқ истеъмол молларининг 71,3 % чегарага туташ бўлган минтақаларда (Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари кўшиб ҳисобланганда) ишлаб чиқарилган. Хусусан, Туташ минтақаларнинг марказий қисмини эгаллаган, Зангиота (Тошкент тумни кўшиб ҳисобланганда) туманида жами истеъмол молларининг 30,4 %, туташ хуудларнинг шарқий минтқасида 24,5 % (биргина қибрай туманига 20,0 %) ва ғарбий минтақасида 9,3 % ишлаб чиқарилган.

Тошкент вилояти қудратли электр энергетика базасига эга. Айнан Жанубий Қозоғистон вилояти билан туташ хуудларда вилоятдаги энг муҳим электрстанциялари жойлашган. Бу ерда 19 та ГЭС дан иборат Чирчиқ - Бўзсув каскади, қатор ИЭС мавжуд. Сув электр станциялари орасида энг каттаси Чорбоғ ГЭС ҳисобланади (қуввати 660 минг кВтдан ортиқ). Тошкент ИЭС нинг қуввати 1920 минг кВт га яқин. Шунингдек, Ангрен шаҳрида Ангрен - 1 ИЭС (600 минг кВт) ва Нуробод шаҳрида Янги Ангрен ИЭС (2400 минг кВт) ҳам ишлаб турибди. Иссиқлик электр станциялари кўмир, мазут ва газ асосида ишлайди. 2009 йилда вилоятда 18,7 млрд кВт/соат электр энергия (2000 йилда 21,6 млрд кВт/соат) ишлаб чиқарилган. Бу республикага нисбатан 37,4 % демакдир.

Тошкент вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби (2010 йил)



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг асосий кўмир ишлаб чиқарадиган минтақаси ҳисобланади. Сўнги йилларда Ангрен конидан кўмир қазиб олиш бироз ривожланмоқда (3338 минг тонна). Бу ердан олинadиган кўнғир кўмир иссиқлик электр станцияларда ва коммунал хўжаликларда ишлатилади. Ангрен ҳавзаси республика кўмирининг 95,0 фоизини беради. Ушбу кондан кўмир қатламлари орасида жойлашган каолин ҳам олинади. У керамика ва алюминий саноати учун хом ашё ҳисобланади. Ҳозирда “Каолин” қўшма корхонаси ҳам ишлаб турибди.

Қора металлургия вилоят саноатининг асосий тармоқларидан биридир. Бу ерда ўтган асрнинг 40 - йилларида Бекобод (Ўзбек) тўлиқ циклга эга бўлмаган металлургия комбинати қурилган. У темир - терсакдан фойдаланади. Комбинат Ўрта Осиёда ягона корхона ҳисобланади. Корхонада 2010 йилда 730,6 минг тонна пўлат ва 696,1 минг тонна тайёр прокат ишлаб чиқарилган. Бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мазкур маҳсулотнинг 100 фоизини ташкил қилади.

Тошкент вилоятининг энг етакчи саноат тармоғи рангли металлургия минтақа ялпи саноат маҳсулотининг 27,7 фоизини беради. Бу борада энг аввало Олмалик тоғ - металлургия комбинати ажралиб туради. Комбинатда мис, қўрғошин, рух, ва бошқа нодир ҳамда қимматбаҳо металллар олинади. Бундан ташқари, Ангренда олтин бойитиш фабрикаси, Чирчикда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли қотишмалар комбинати бор. Комбинат Ингичка (Самарқанд вилояти) ва Қўйтош (Жиззах вилояти) вольфрам ва молибден конлари асосида ишлайди (1-диаграмма).

Кимё ва нефт кимёси саноатининг етакчи корхоналари Чирчик ва Олмалик шаҳарларида жойлашган. Кўрилаётган йилда 515,1 минг тонна суъний аммиак, 481,2 минг тонна минерал ўғитлар (азот, аммофос) ва 233,4 минг тонна карбамид тайёрланган. Шунингдек, бу тармоққа “Махам Чирчик” ОАЖ, Олмалик маиший кимё заводлари ва бошқа корхоналар ҳам

киради. Тошкент вилояти республиканинг 39,7 % суъний аммиак, 42,8 % минерал ўғитлар ва 43,8 % карбамидини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати маълум сабабларга кўра бироз суст ривожланмоқда. Вилоятда трактор култиваторлари (1040 дона), шунингдек компрессор, трансформатор ва бошқа машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Асосий маркази – Чирчиқ шаҳри. Бу ерда Чирчиқ метал қурилмалари, “Чирчиққишмаш”, “Трансформатор”, “Ўзбеккимёмаш” каби йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Тошкент туманида “Хайтек кабел” қўшма корхонаси, Тўйтепада метал қурилмалари заводи ҳам бор.

Қурилиш материаллари саноати вилоят ижтимоий - иқтисодий ривожланишида ўзига хос асос, муҳим инфратузилма сифатида катта аҳамиятга эга. Ушбу саноат тармоғининг етакчи корхоналари Бекобод ва Оҳангарон шаҳрида жойлашган. Бир йилда 2578,9 минг тонна цемент (Ўзбекистон Республикасига нисбатан 39,0 %), 129,9 млн шартли плитка шифер, 86,2 минг куб метрга яқин йиғма темир - бетон қурилмалари ишлаб чиқарилган. Маҳсулот қийматига кўра “Бекободцемент” ва “Оҳангаронцемент” ОАЖ олдинда туради. Шунингдек, Бекобод ва Оҳангарон шифер ишлаб чиқарувчи заводлар, Бўстонлик туманидаги энергия қурилиш индустрияси корхонаси, Қибрай тумани ғишт заводлари ҳам мазкур тармоқ ривожланишида салмоқли ўринларга эга. Бўстонлик туманида (Искандар шаҳарчаси) “Ғазалкент ойна” , Ғазалкент шаҳрида мрамарни қайта ишлаш (қирқиш) заводлари ишлаб турибди.

Енгил саноат маҳаллий хом ашё ва кўп сонли меҳнат ресурслари ҳамда аҳоли эҳтиёжи - истеъмол омиллари таъсирида шаклланган. Бу ерда 10 га яқин пахта тозалаш заводлари бор; энг йириклари Алимкент, Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ туманларида жойлашган. Ўртача бир йилда 75-80 минг тонна пахта толаси тайёрланади. Хусусан, 2010 йилда 83565 тонна пахта толаси тайёрланди Ўртачирчиқ туманида “Spen tex Тойтепа

текстиль” кўшма корхонаси ташкил этилган, Олмалик шаҳрида гилам фабрикаси бор.

Таҳлилларга кўра, вилоятда трикатаж маҳсулотларини тайёрлаш биров ривожланиб бораётган бўлсада, газлама, гилам ва гилам маҳсулотлари, пайпоқ ишлаб чиқариш кўрсаткичлари сўнгги йилларда кескин пасайган. Тўқимачилик корхоналари Чиноз, Янгийўл ва бошқа шаҳарларда, асосан хорижий инвестициялар кўмагида фаолият кўрсатмоқда. Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида пойафзал саноати ҳам жойлашган, Чирчиқда “Гунча” ОАЖ ишлаб турибди.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондиришда озиқ-овқат саноатининг аҳамияти катта. Ушбу тармоқ вилоят жами саноат маҳсулотининг 13,8 фоизини беради ва бу борада у рангли ва қора металлургиядан кейинги 3 - ўринда туради. Бир йилда 1,8 минг тонна балиқ овланади, кўплаб нон ва нон маҳсулотлари, сут, ўсимлик ёғи, маъданли сувлар ва вино, ароқ, пиво ишлаб чиқарилади. Тайёрланадиган ун ҳар йили 65-100 минг тонна, ўсимлик ёғи 10-15 минг тонна, омукта ем 30-40 минг тонна оралиғида тебраниб туради. Ушбу саноат тармоғининг асосий корхоналари Янгийўл ёғ - мой ва кондитер корхоналари, Олмалик пиво, Қибрай пиво ва Паркент шампан заводлари, Қибрай ва Тошкент туманларининг мева-шарбат корхоналари, “Оҳангарондон” ОАЖ ва бошқалар. Булар қаторида Бўстонлик, Қуйичирчиқ, Зангиота туманларида ҳам озиқ-овқат саноатининг турли хил корхоналари бор. Ўртаовулда йирик гўшт комбинати жойлашган, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар Ангрен, Ғазалкент, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларида ташкил этилган. Таъкидлаш лозимки, вилоятда озиқ-овқат саноатининг ривожланиши бу ерда йирик мегаполис – Тошкент шаҳри жойлашганлиги, катта истеъмол омилининг мавжудлиги билан ҳам тавсифланади.

Вилоят саноат географиясида энг аввало Олмалик, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари, шунингдек Ўртачирчиқ ва Қибрай туманлари ажралиб

туради (5-жадвал). Биргина Олмалик шаҳри пойтахт вилояти саноат маҳсулотининг деярли 1/3 қисмини беради. Бекобод шаҳрининг улуши 18,0 %, Чирчиқ шаҳриники 12,2 %. Шу билан бирга Ангрен ва Янгийўл шаҳарларининг саноат салоҳияти жуда паст: 3,3 ва 1,9 %; Бўка, Паркент, Пискент, Оҳангарон туманларида қишлоқ саноати ўта суст даражада. Қибрай туманида мустақиллик йилларида фармацевтика ва тиббиёт жиҳозлари тайёрловчи корхоналар қурилган. Туташ минтақаларда саноат маҳсулотининг 29,2 % ишлаб чиқарилаган.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда вилоят бўйича 2144 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Бундан юқори кўрсаткичларга Олмалик, Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари эга. Қишлоқ туманлари орасида эса нисбатан каттароқ даража Ўртачирчиқ, Қибрай ва Тошкент туманларида қайд этилади (700-800 минг сўм атрофида).

Вилоят саноатини ҳудудий ташкил этишда энг аввало Ангрен - Олмалик тоғ - кон саноати кўзга ташланади. Саноат марказлари сифатида Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Олмалик, Оҳангарон, Янгийўл кабиларни белгилаш мумкин. Қолган шаҳар жойларнинг кўпчилиги саноат пункти даражасида.

Минтақада саноатнинг келажакда ривожланиши энг аввало ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тармоқлар таркибини диверсификациялаш, мавжуд минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда экологик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ. Айниқса, оғир саноат марказлари – Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларини депрессив ҳолатдан чиқариш, ўсиш кутб ва марказларини, янги саноат тугунларини шакллантириш, қишлоқ саноатининг жадал ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент вилояти ижтимоий - иқтисодий салоҳиятининг ҳудудий тузилиши
(2009 й., жами вилоятга нисбатан фоизда)

Шаҳар туманлар номи	Саноат маҳсулоти	ХИМ	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	Капитал қўйилма лар	Пудрат ишлари	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт
Олмалиқ ш	31,9	3,8	0,4	5,4	5,1	6,5	6,7	34,3	14,8
Ангрен ш	3,3	2,9	1,2	5,6	12,3	7,0	6,7	0,1	1,7
Оҳангарон ш	5,7	5,1	0,4	1,1	2,0	3,4	1,6	1,8	2,3
Бекобод ш	18,1	3,9	0,5	4,8	5,4	4,4	4,2	16,2	16,8
Чирчиқ ш	12,2	7,4	0,6	4,8	4,2	4,9	11,4	8,5	10,6
Янгийўл ш	1,9	5,5	0,3	5,6	2,7	5,1	10,8	0,0	0,4
Бекобод т.	1,1	1,1	8,8	1,1	3,0	2,1	2,9	0,0	0,1
Бўстонлиқ т	1,9	4,5	7,2	1,7	6,9	4,2	3,5	1,9	1,7
Бўка т	0,9	1,1	5,5	1,2	3,4	3,7	1,0	0,0	0,0
Зангиота т	3,5	19,6	6,6	2,9	4,8	16,6	11,0	1,7	4,7
Оҳангарон т	0,7	0,8	3,9	1,1	4,8	1,1	1,2	5,2	0,7
Оққўрғон т	1,0	1,0	6,1	1,2	2,3	2,6	1,5	0,0	0,0
Паркент т	0,7	1,7	4,8	1,7	4,1	4,0	3,3	1,5	1,4
Пискент	0,8	0,7	6,0	0,9	1,7	2,1	1,4	0,0	0,2
Тошкент т	3,3	10,8	5,3	3,6	4,0	7,0	6,9	1,1	3,3
Чиноз т	1,2	1,4	6,8	1,3	3,6	2,7	5,4	0,7	1,3
Юқоричирчиқ т	1,3	2,3	5,3	1,3	8,5	4,1	2,7	0,4	0,7
Янгийўл т	1,1	2,4	7,2	1,9	6,0	1,6	3,3	1,6	1,1
Ўртачирчиқ т	4,2	2,2	7,3	1,5	2,4	4,2	3,8	5,4	1,2
Қибрай т	4,1	20,0	7,8	6,9	11,0	5,0	7,6	2,6	7,9
Қуйичирчиқ т	1,1	1,8	6,5	1,1	1,6	4,0	3,2	0,3	0,2

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги. Тошкент вилояти республикамизда нисбатан юқори урбанизациялашган ва саноатлашганлиги билан бир қаторда катта агроиқтисодий салоҳиятга ҳам эга. Минтақа мамлакат қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 13,3 фоизини беради, унинг ҳудудий маҳсулоти таркибида эса бу макроиқтисодий тармоқ 25,8 фоизга тенг. Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланишига агроиқлимий шароит, меҳнат ресурслари, бирмунча сув ресурслари билан яхши таъминланганлиги, ирригация инфратузилмасининг барпо этилганлиги ҳамда йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияси таъсирида катта истеъмол омилининг мавжудлиги сабаб бўлган.

Вилоят ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотида деҳқончилик устунлик қилади (2009 й. - 56,7 %). Ушбу маҳсулотнинг 35,2 фоизини фермер хўжаликлари беради. Фермер хўжаликлари асосан деҳқончиликда, хусусан пахта, буғдой ва бошқа экинларни етиштиришда катта мавқега эга.

Пойтахт вилоятида қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 577,5 минг га ёки умумий ер майдонининг 38,7 фоизига тенг. Албатта, бу рақам, минтақа қисман тоғли ҳудудлардан иборат эканлиги сабабли, унча катта эмас.

Суғориладиган ерлар 334,1 минг га бўлиб, улар жами қишлоқ хўжалик ерларининг 59,6 фоизини ташкил қилади. Бундай майдонлар нисбати хусусан Зангиота, Қуйичирчиқ, Тошкент, Янгийўл туманларида катта, Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон туманларида эса энг кичик (6-жадвал). Жами суғориладиган ерларнинг 84,8 минг га (25,4 %) Жанубий Қозоғистон Вилояти билани чегарадош туманларга тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 58,8 фоизига турли хил экинлар экилади. Экин майдонлари кўп ёки интенсив қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик) ривожланган туманлар Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Чиноз, Оққўрғон, Бекобод қабилардир. Айни пайтда бундай ерлар улуши Бўстонлик (15,9 %), Паркент (28,0 %) ва Оҳангарон (30,2 %) туманларида сезиларли даражада паст. Бироқ, айнан шу ҳудудларда пичанзор ва

яйловлар катта майдонларни эгаллайди. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига асосий сабаб, қишлоқ хўжалигини шаклланишини таъминлайдиган табиий шароит ва унинг имкониятларини ўзига ҳослигидир.

Жами экин майдони 356524 гектарга яқин, унинг 83,7 фоизи фермер хўжаликлари тасарруфида. Донли экинлар 139167 га ёки жами экин майдонининг 44,8 фоизини эгаллайди (- диаграмма).

2010 йилда 627179 тонна турли хил дон (асосан буғдой-619710 тонна) ялпи ҳосил олинган. Донли экинлар япи ҳосилининг 20,3 % Чегара ҳудудларига тўғри келди.

Донли экинлар таркибида 10 минг гектарга яқин майдонда маккажўхори экилиб, ундан 56 минг тоннага яқин ҳосил олинган.

Асосий қишлоқ хўжалик экинларидан пахта 105401 гектарни эгаллайди; ялпи ҳосил 259 минг тонна, ҳосилдорлик 24,4 ц/га. Пахта кўпроқ Бўка, Оққўрғон, Пискент, Чиноз ва Бекобод туманларида экилади. Шоли кўрилаётган йилда 6,0 минг гектарда етиштирилган (Бекобод тумани), ялпи ҳосил 27,0 минг тонна. Бошқа техника ва мойли экинлардан кейинги йилларда масхар ва кунгабоқарнинг ҳам майдонлари кенгайиб бормоқда.


Кўп миллионли Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун катта миқдорда картошка ва сабзавот етиштириш талаб этилади. 2010 йилда 7714 га ердан 268818 тонна картошка олинган. Барча турдаги сабзавотларга эса 31,7 минг га майдонлар ажратилган бўлиб, 129091 тонна ҳосил етиштирилган. Хусусан, картошка ялпи ҳосилининг 52,4 % Жанубий Қозоғистон вилоятига туташ туманларда етиштирилган. Сабзавот ва картошкага асосан Тошкент шаҳри атрофи хўжаликлари, шунингдек, Бекобод, Пискент ва Чиноз туманлари ихтисослашган. Полизчилик ҳам текислик ҳудудларда жойлашган қишлоқ туманларида кўпроқ ривожланган.

Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркиби
(2008 й.)

Қишлоқ туманлари	Майдони, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланила диган ерлар, минг га	Шу жумладан суғорила диган ерлар, минг га	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларга нисбатан, фоизда			
				экин ерлар	кўп йиллик дарахтзор лар	бўз ерлар	пичанзор ва яйловлар
Бекобод	75,6	46,4	39,8	85,3	2,6	0,8	11,3
Бўстонлик	493,0	83,7	10,2	15,9	6,8	-	77,3
Бўка	59,0	45,2	35,8	78,6	2,6	0,3	18,4
Зангиота	22,4	10,4	9,7	78,8	16,8	-	4,4
Оҳангарон	318,4	105,3	22,8	30,2	2,4	0,07	67,3
Оққўрғон	40,0	30,8	26,8	85,0	2,3	-	12,7
Паркент	108,0	54,0	11,7	28,0	14,8	0,1	57,1
Пискент	79,4	31,2	22,2	71,8	2,2	-	25,9
Тошкент	16,5	8,0	7,8	71,2	26,9	-	2,0
Чиноз	34,0	21,4	19,2	86,9	4,6	-	8,5
Юқоричирчиқ	44,0	29,4	23,2	81,8	2,8	-	15,4
Янгийўл	42,3	24,0	23,0	81,8	13,7	0,2	4,3
Ўртачирчиқ	49,0	33,0	29,8	91,8	3,2	-	5,8
Қибрай	55,5	17,4	14,9	81,6	16,6	-	1,8
Қуйичирчиқ	55,8	37,3	37,0	94,9	4,1	0,3	0,8
Вилоят жами	1493,4	577,5	334,1	58,8	6,0	0,1	35,1

Манба: “Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана”- Ташкент, 2008.

Тошкент вилояти экин майдонлари таркибий тузилиши



Тошкент вилоятида, хусусан тоғли ҳудудларда жойлашган Бўстонлик ва Паркент туманларида боғдорчилик яхши йўлга қўйилган. Олдинги йилларда бу кишлоқ хўжалиги тармоғи Янгийўл туманида ҳам ривожланган эди. Ҳозирги вақтда турли хил мевалар 17,3 минг гектардан 140078 тоннадан кўпроқ ҳосил олинган. Узумчилик ҳам боғдорчилик билан бирга ҳудудий ташкил этилади. Хусусан, Жанубий Қозоғистон вилоятига туташ туманларда боғдорчиликда еиштирилган меваларнинг 61,0 %, ва узумчиликда етиштирилган маҳсулотларнинг эса 41,4 % етиштирилган. Узум етиштиришда Паркент туманига нафақат вилоятда, балки республикада ҳам рақобат йўқ. Таҳлил қилинаётган йилда у 13 минг гектардан кўпроқ майдонни эгаллаган ва 115485 тоннадан зиёдроқ ҳосил тайёрланган.

Вилоятда чорвачиликнинг асосан сут - гўшт йўналиши кўпроқ ривожланган. Жами 629679 бош йирик шоҳли қорамол, 645 минг бош қўй ва эчкилар боқилади. Шу жумладан, Жанубий Қозоғистон вилоятига туташ туманларда йирик шоҳли қорамоларнинг 33,7, қўй ва эчкиларнинг эса 29,7% жамланган(6-илова). Отлар сони ҳам нисбатан кўпроқ - 402016ош. 2010 йилда тирик вазнда 165988 тонна гўшт, 567992 тонна сут, 870987,1 минг дона тухум, 1615,6 тонна жун ва 1546,7 тонна миқдорида пилла етиштирилган. Паррандачилик кўпроқ Қибрай, Зангиота туманларида ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги географиясида (10.4-жадвал маълумотлари бўйича) Бекобод (8,8 %), Қибрай (7,8 %), Ўртачирчиқ (7,3 %) ва Янгийўл (7,2 %) туманлари олдинда. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса (ўртача 656 минг сўм ҳар бир кишига) Оққўрғон, Бекобод, Қуйичирчиқ ва Пискент туманлари етакчи. Уларда бу кўрсаткич 1000-1100 минг сўмга етади.

6-иловада вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳудудий таркиби келтирилган. Бу маълумотларга кўра ғалла етиштиришда Бўка, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари пешқадам. Сабзавот бўйича Бекобод, картошкада Чиноз, Пискент, Қибрай ажралиб туради. Боғдорчилик Янгийўл, Қибрай ва Бўстонлиқ туманларида ривожланган; уларнинг ҳиссаси вилоят бўйича етиштирилган меваларда 42,1 %. Узумчилик эса Паркент туманидан ташқари (36,7 %) Бўстонлиқ туманида ҳам қисман ривожланган. Мазкур икки туман вилоят узумининг ярмига яқинини беради.

Чорвачилик географиясида ҳам анча фарқлар кўзга ташланади. Масалан, йирик шохли қорамоллар Бекобод ва Бўка, қўй ва эчкилар эса Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманларида кўпроқ боқилади. Бу тоғ ва тоғ олди ҳудудларда жойлашган туманларга вилоят қўй ва эчкиларининг 1/3 қисмидан ортиғи тўғри келади.

Вилоятда, 2009 йил якунлари бўйича, жами 7471 та фермер хўжаликлари қайд этилган, умумий ер майдони 445 минг га, ишчи ва хизматчилар сони 118,3 минг киши. Ҳар бир фермерга ўртача 59,6 га ер ажратилган ва уларда 15,8 кишидан ишчи хизмат қилади.

Ер майдони кўрсаткичларига қараганда энг катта майдонлар Ўртачирчиқ, Бекобод, Бўстонлиқ, Чиноз туманларида кузатилади. Жумладан, Бўстонлиқ туманида ҳар бир фермерга 109,7 га ер тўғри келади (бу туман қишлоқ хўжалигининг ихтисослашувига боғлиқ). Юқоридаги қолган туманларда мазкур кўрсаткичлар 80 гектардан ортиқроқ. Айни вақтда Қибрай

ва Зангиотада, яъни Тошкент шаҳри атрофи хўжаликларида фермерларнинг ер майдони энг кам (мос ҳолда 19 ва 26 гектардан). Ишчи ходимлар сонига кўра юқори кўрсаткичлар Қуйичирчиқ ва Бўка туманларида. Уларда ташкил этилган фермер хўжаликларининг ҳар бирида 30-35 кишидан ишчи банд. Ишчиларнинг энг кам сони Оҳангарон (ўртача 6,2 киши), Паркент (4,8), Қибрай (4,2), Бўстонлик (4,3 ишчи ва ходимлар).

Фермер хўжаликлари вилоят ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 35,2 фоизини етиштирган ҳолда, бу борада Қуйичирчиқ, Чиноз, Янгийўл ва Пискент туманлари ажралиб туради (7-илова). Шу билан бирга мулкчиликнинг бу шакли Зангиота ва Қибрай туманларида бирмунча сустрок ривожланган.

2.3. Чегара ҳудудлари ташқи иқтисодий алоқаларини ривожланишининг иқтисодий географик жиҳатлари

Ҳар бир минтақада мавжуд иқтисодий-иҷтимоий, илмий-техникавий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва ялпи иқтисодий ўсишни таъминлашда ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ташқи иқтисодий фаолият соҳаларини ривожлантириш – ушбу ҳудуднинг ҳам минтақавий, ҳам жаҳон хўжалиги тизимида интеграциялашувининг асосий йўналиши ва шу билан бир қаторда асосий шарти ҳам ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, кўпгина мамлакатлар иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бевосита ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва уни илдам ривожлантириш сиёсатини қўллаганлар. Халқаро амалиётда протекционизм сиёсатидан кўра, эркин

савдо (Free trade) кўпроқ самара бериши ва иқтисодий изоляция билан ҳеч бир давлат иқтисодий ўсишга эриша олмаслиги ҳаммага маълум.

Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритган даврдан бошлаб халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланди, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув сиёсатини қўллай бошлади.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон жаҳоннинг 140 дан ортиқ давлати билан савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатиб, улар билан ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида мустаҳкам алоқаларни кенгайтирмоқда. Ўзбекистон ташқи савдо географиясининг таҳлили шуни кўрсатадики, у амалда дунёнинг барча минтақаларини қамраб олмоқда.

Йилдан-йилга тараққий этиб бораётган Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларида мамлакат минтақаларининг ўрни ҳам турли-туман ва ўзига хосдир. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларида республика минтақалари (маъмурий-ҳудудий бирликлари) нинг иштирокини кенгайтириш, ташқи савдо таркибини такомиллаштириш ҳамда экспорт базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар, чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини минтақалар (маъмурий-ҳудудий бирликлар) бўйича қарайдиган бўлсак, ҳар бир минтақанинг ўзига хос тафовутлари намоён бўлади. Бу тафовутларни минтақалар бўйича 3 жиҳатдан ажратиш мумкин.

Биринчи жиҳат, минтақа (МХБ) ларнинг республика ташқи савдосидаги тутган ўрнида намоён бўлади. Бу жиҳатга эътибор қаратсак, қуйидагиларни кўриш мумкин. “Мамлакат ташқи савдо айланмасида фақат пойтахт – Тошкент шаҳрининг улуши 2008 йилда 36,7 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1995 йилда 24,6 фоизга тенг бўлган. Ундан кейинги ўринларни Тошкент (11,1 %), Андижон (10,3 %), Қашқадарё (8,6 %), Навоий (4,8 %) ва Фарғона (4,3 %) вилоятлари эгаллайди. Аксинча, Қорақалпоғистон

Республикаси (0,7 %), Жиззах (0,6 %), Сирдарё (0,6 %), Наманган (0,9 %), Сурхондарё (1,0 %), Хоразм (2,4 %) вилоятларининг мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларидаги иштироки суств³ 1995 йилдан ҳозирги кунгача бўлган давр мобайнида Сирдарё, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг ташқи савдо айланмаси сезиларли даражада ўсди. Бунда, айниқса, Қашқадарё (ёқилғи саноатининг ривожланиши натижасида) ва Андижон (автомобил саноатининг шаклланиши натижасида) вилоятлари алоҳида ажралиб туради. 2000 йилга келиб, Самарқанд шаҳрида ўрта ҳажмдаги юк ташувчи автомобиллар ва автобуслар ишлаб чиқарувчи корхонанинг бунёд этилганлиги вилоят ташқи савдосининг сезиларли ортишига олиб келди. Ҳозирги кунга келиб, Навоий вилоятининг мамлакат ташқи савдосидаги улуши кундан-кунга ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бунга энг асосий сабаб сифатида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро келишув шартномаси асосида бунёд этилиб борилаётган эркин иқтисодий зонани кўрсатиш мумкин.

Иккинчи жиҳат минтақалар (МХБ)нинг ташқи савдодаги товар ва хизматлар таркибида намоён бўлади. Масалан, Сирдарё, Бухоро, Хоразм, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари экспорти агроиқтисослашув хусусиятига эга бўлиб, агроэкспортнинг деярли барчаси пахта толасига тўғри келади. Саноати нисбатан яхши ривожланган Андижон, Тошкент ва Навоий вилоятларида ноқишлоқ хўжалик маҳсулотлари етакчи салмоққа эга. Масалан, Андижон вилояти экспортининг деярли 9/10 қисми машина ва ускуналарга тўғри келса, Тошкент вилояти экспортида қора ва рангли металллар (60,0 %), Навоий вилоятида эса кимё маҳсулотлари ва қимматбаҳо металллар асосий ўрин тутди.

Мамлакат минтақалари ташқи савдосидаги экспортнинг бундай таркибий тузилиши, аввало мамлакат ҳудудий меҳнат тақсимоотида улар

³ Ибраимова А.А. Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий бирликлари экспорти ва импортининг таҳлили // География: тарих, назария, методлар, амалиёт. – Т., 2010. – Б. 115.

иштироки характери билан боғлиқ. Худудий меҳнат тақсимооти хусусиятига монанд ёқилғи-энергетика ресурсларига бой Қашқадарё вилояти асосан (77,0 %) энергия манбаларини, Тошкент вилоятининг эса қора ва рангли металлари (60,0 %) экспорт қилиши табиий ҳолдир.

Учинчи жиҳат маъмурий-худудий бирликларнинг ташқи савдосини таркибий тузилишида, яъни экспорт ва импортнинг ўзаро фарқларида намоён бўлади. Тошкент шаҳри, Андижон ва Самарқанд вилоятларида ташқи савдода манфий сальдо кузатилади. Шунини айтиш керакки, мамлакат ташқи савдо алоқаларида суғ иштирок этаётган Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё вилоятлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ташқи савдосида экспортнинг улуши юқори. Аксинча, ушбу вилоятлар импорти улуши пастлиги эса мазкур минтақалар иқтисодиётига хорижий инвестициялар киритиш, қўшма корхоналар ташкил этишга етарлича эътибор берилмаётганлигидан далолат беради. Фарғона вилоятидаги нефтни қайта ишловчи корхоналарнинг мавжудлиги ва республикада нефт қазиб олишнинг камайиб бораётганлиги натижасида вилоят импортида нефт ҳом ашёсини сотиб олиш улуши ортиб бораётганлигини қўриш мумкин. Нефт ҳом ашёси қўшни Қозоғистон ва Туркменистон давлатларидан импорт қилинмоқда.

Юқорида республика минтақа (МХБ)ларини ташқи савдода тутган ўрни, ташқи савдосининг товар ва хизматлар таркиби, экспорт ва импортнинг фарқларидан шунини қўриш мумкинки, ҳар бир минтақанинг ташқи савдодаги иштироки ўзига хос иқтисодий географик жиҳатларини намоён қилади. Бунда айниқса, Тошкент минтақасининг ўрни алоҳида аҳамиятга ва хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Тошкент минтақасининг худудий таркиби Тошкент вилояти ва пойтахт Тошкент шаҳридан иборат бўлиб, бу икки маъмурий ҳудуд бир-бири билан худди эт билан тирноқ каби боғлангандир. Яъни иқтисодий-ижтимоий,

Тошкент иқтисодий районининг ташқи савдо кўрсаткичлари

Йиллар	Кўрсаткичлар	Тошкент иқтисодий райони Ўз Р-га нисбатан (% ҳ-да)	Тошкент вилояти			Тошкент шаҳри		
			Ўз Р-га нисбатан (% ҳ-да)	Тошкент иқтисодий районига нисбатан (% ҳ-да)	Миқдори млн АҚШ доллари	Ўз Р-га нисбатан (% ҳ-да)	Тошкент иқтисодий районига нисбатан (% ҳ-да)	Миқдори млн АҚШ доллари
2000	Ташқи савдо айланмаси	45,1	12,3	27,3	766,9	32,8	72,7	...
	Экспорт	35,8	11,6	32,4	379,1	24,2	66,7	...
	Импорт	55,2	13,0	23,8	387,8	42,2	76,2	...
2004	Ташқи савдо айланмаси	55,8	11,3	20,3	983,5	44,5	79,7	3857,6
	Экспорт	43,0	12,2	28,3	594,3	30,8	71,7	1506,1
	Импорт	71,8	10,2	14,2	389,2	61,6	85,8	2351,5
2009	Ташқи савдо айланмаси	50,7	8,8	17,3	1866,1	41,9	82,7	8887,0
	Экспорт	38,1	8,9	23,6	1057,7	29,2	76,4	3428,4
	Импорт	66,4	8,5	14,8	808,4	77,9	85,2	5458,4

Изоҳ жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

сийёсий ва табиий географик жиҳатлардан бир-бирига мухтождир.

Тошкент минтақаси республика ташқи савдо айланмасида энг катта улушга эга бўлиб келмоқда (7-жадвал). 2000 йилда республика ташқи савдо айланмасининг 45,1 %, экспортининг 35,8 %, импортининг эса 55,2 % Тошкент минтақасига тўғри келган. Шундан, яъни Тошкент минтақаси ташқи савдо айланмасининг 27,3 % Тошкент вилоятига, 76,2 % Тошкент шахрига тўғри келган эди.

2004 йилда республика жами ташқи савдоси 8669,0 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг ярмидан ортиғи, яъни 4841,1 млн. АҚШ доллари (55,8 %), жами экспорт 2100,4 млн. АҚШ доллари (43,0 %), импорт эса 2740,7 млн. АҚШ доллари (71,8 %) Тошкент минтақаси ҳиссасига тўғри келган.

Юқоридаги кўрилган ва таҳлил қилинган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, Тошкент иқтисодий районининг республика ташқи савдосидаги улуши 2000 йилдаги 45,1 фоиздан 2004 йилга келиб 55,8 фоизгача ортганлигини кўриш мумкин. Бу ўсишни экспортда 35,8 фоиздан 43,0 фоизгача, импортнинг 55,2 фоиздан 71,8 фоизгача ортганида намоён бўлади. Тошкент иқтисодий районининг ташқи иқтисодий алоқалари таҳлиллари шуни кўрсатмоқлаки, Тошкент вилояти ташқи иқтисодий алоқалари ҳажми бўйича мустақилликка эришилган кундан то ҳозирги кунгача республикада пойтахт Тошкент шахридан кейин 2-ўрин бўлиб келган. Шу жумладан, 2000 йилда республика ташқи савдосининг 12,3 %, экспортнинг 11,6 % ва импортнинг 13,0 %, 2004 йилда вилоят ташқи савдо айланмаси 983,5 млн. АҚШ доллари (11,3 %) тенг бўлиб, республика жами экспортининг 12,2 %, импортнинг 10,2 % вилоят ҳиссасига тўғри келган. 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 2359,6 млн. АҚШ долларини, шу жумладан экспорт 1262,9 млн. долларни ва импорт 1096,7 млн. долларни ташкил этган. Ташқи савдо қолдиғи (сальдоси) ижобий бўлиб, 165,5 млн.

доллар билан яқунланди. Ташқи савдо айланмаси 2007 йилга нисбатан 12,4 %, шу жумладан экспорт 17,5 фоизга, импорт эса 3,6 фоизга камайгани кузатишган. 2007 йилга нисбатан 2008 йилда ташқи савдо айланмаси Ангрен, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларида, шунингдек Оҳангарон, Бўстонлик, Зангиота, Қибрай, Паркент ва Тошкент туманларида ўсди.

2010 йилга келиб, Тошкент вилояти ташқи савдо айланмаси 2881625,2 минг АҚШ долларини ёки 2009 йилга қараганда 1015560,8 минг долларга кўпроқ (ўсиш суръати 154,4 фоизга тенг) бўлди. Шу жумладан экспорт 1741758,0 минг АҚШ долларини, импорт эса 1139867,0 минг АҚШ долларини ташкил этди (8-жадвал).

Вилоят ташқи савдо айланмасини шаҳарлар ва қишлоқ туманлари бўйича кўрадиган бўлсак, Олмалиқ шаҳрига вилоят ташқи савдосининг 32,2 % ёки 929123,6 минг АҚШ доллари, Бекобод шаҳрига 14,2 % (409898,4 минг АҚШ доллари), Чирчиқ шаҳрига 6,1 % (174748,9 минг АҚШ доллари), Зангиота 6,9 % (199960,6 минг АҚШ доллари), Ўртачирчиқ 5,4 % (156049,0 минг АҚШ доллари), Оҳангарон 5,2 % (151077,9 минг АҚШ доллари) ва Қибрай 4,3 % (123283,9 минг АҚШ доллари) туманлари етакчи ўринларга эга.

Ташқи савдода улуши энг кам шаҳарларга Ангрен 0,2 % ёки 5939,0 минг АҚШ доллари ва Янгийўл 0,3 % (7864,4 минг АҚШ доллари) шаҳри кирса, қишлоқ туманларидан Бўка тумани ташқи савдонинг фақат импорт таркибида қатнашган бўлиб, бор-йўғи 148,3 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Бундай ҳолатни Оққўрғон (фақат импорт таркибида) 1067,8 минг АҚШ доллари (0,1 %), Пискент 2232,5 минг АҚШ доллари (0,2 %) ва Қуйичирчиқ туманига 1791,4 минг АҚШ доллари (0,1 %) тўғри келган. Хусусан, Жанубий Қозоғистон вилояти билан чегарадош туманларнинг жами ташқи савдо айланмаси 424622,5 минг долларни ташкил этган ҳолда Зангиота 199960,6 минг доллар ва Қибрай тумани 123283,9 минг доллар билан етакчи

ўринга эга бўлса аксинча Чиноз тумани (17979,8 минг доллар) ташқи савдода сустроқдир. Чегара туманлари орасидаги ташқи савдонинг бундай кўриниш олишини ушбу туманлар иқтисодий географик ўрнининг ва иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан белгилаш мумкин.

8 -жадвал.

Тошкент вилояти ташқи савдо айланмасининг таркиби

(минг АҚШ доллари)

Йиллар	2009	2010	2009 йилга нисбатан % хисобида
Ташқи савдо айланмаси	1866064.4	2881625.2	154.4
шу жумладан: МДҲ мамлакатлари	867514.6	1239650.6	142.9
Бошқа хориж мамлакатлари	998549.8	1641974.6	164.4
Экспорт	1057711.1	1741758.0	164.7
шу жумладан: МДҲ мамлакатлари	298725.3	521140.5	174.5
Бошқа хориж мамлакатлари	758985.8	1220617.5	160.8
Импорт	808353.3	1139867.2	141.0
Шу жумладан: МДҲ мамлакатлари	568789.3	718510.1	126.3
Бошқа хориж мамлакатлари	239564.0	421357.1	125.9

Манба: Тошкент вилояти статистика ахборотномаси маълумотлари

9 чи жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ташқи савдода шаҳарлар ва туманлар бир-биридан кескин фарқланишга эга. Бундай ҳолатларнинг шаклланишига ҳудудий меҳнат тақсимооти ва ҳудудларнинг

иқтисодий-ижтимоий географик имкониятлари ва ўринлари асосий омил сифатида қаралиши мумкин. Масалан, Олмалик ва Бекобод шаҳарларининг ташқи савдодаги улушини юқори бўлишига ўз-ўзидан кўриниб турибдики, вилоят ташқи савдосидаги энг катта улушга эга бўлган қора ва рангли металллар асосий омил бўлмоқда. Қишлоқ туманлари орасида Зангиота, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларининг ташқи савдодаги улушининг юқори бўлишига иқтисодий географик ўрни асосий омил дейиш мумкин. Чунки ушбу қишлоқ туманлари Ўзбекистоннинг энг йирик иқтисодий-ижтимоий маркази бўлган пойтахт Тошкент шаҳрига туташ жойлашган. Бу эса уларнинг бошқа ҳудудларга нисбатан иқтисодий-ижтимоий имкониятларини юқорирок бўлишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар тизимини изчил такомиллаштиришга, мамлакат ҳудудларини ҳар бирини ташқи иқтисодий алоқалардаги улушини оширишга, экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари натижасида республиканинг бошқа минтақалари каби Тошкент вилоятида ҳам ташқи иқтисодий муносабатлар тизими такомиллашиб, экспорт таркибида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3860-сонли фармонида асосан хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, уни юқори сифатли рақобатбардош экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминланмоқда.

Шу сабабли экспорт тузилмасининг таркибий ўзгариши билан бир қаторда импорт ҳажми ҳам ўсиб бормоқда. Вилоят экспортининг 2010 йил таркибини кўрсак, энг юқори кўрсаткич аввалги йиллардагидек қора ва рангли металлларга 47,4 %, озиқ-овқат маҳсулотларига 14,4 %, пахта толасига

16,9 %, кимё маҳсулотларига 6,7 %, машина ва асбоб-ускуналарга 1,5 %, хизмат кўрсатишга 0,7 % ва бошқа турдаги гуруҳларга 12,38 % тўғри келгани намоён бўлади (4-5 иловалар.)

Экспорт ҳажми 2009 йилга нисбатан 2010 йилда 684046,9 минг АҚШ долларига ёки 164,7 фоизга ўсди. Ўз навбатида, бундай ўзгаришларни экспорт таркибида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2009 йилга нисбатан 2010 йилда пахта толаси 3.5 марта ўсган ҳолда вилоят экспорт ҳажмининг ортишига олиб келган бўлса, аксинча қора ва рангли металлларнинг жами экспортдаги улуши 51,8 фоиздан 47,4 фоиз (92,1 %), озиқ-овқат маҳсулотлари 16,2 фоиздан 14,4 фоизга (88,9 %), кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар 8,6 фоиздан 6,7 фоизга (78,0 %) камайган. Машина ва асбоб-ускуналар ва хизматларнинг экспортдаги улушлари ўзгаришсиз мос равишда 1,5 % ва 0,7 фоизлигича қолгандир. Ҳозирги кунга келиб, экспорт таркибидаги тайёр маҳсулот ҳажми ўсиб бормоқда. Маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарилди, жумладан трикотаж (шунингдек, болалар трикотаж маҳсулотлари) ва тикув маҳсулотлари, гилам, пластмасса ва керамика маҳсулотлари, бўз, картон идишлар, автомобил эҳтиёт қисмлари, полимер материаллардан плёнка ва қувурлар, газ жиҳозлари ва аппаратуралар, мебель, қаттиқ қотишмалар, кабель, қурилиш материаллари, гўшт, сут, пишлоқ, совутилган ва қуритилган мева ва сабзавотлар, қанд лавлаги, қандолат маҳсулотлари шулар жумласиндандир.

Экспорт миқдори бўйича вилоятда Олмалиқ шаҳри 651830,0 минг АҚШ доллари (вилоят жами экспортининг 37,4 %), Чирчиқ 121888,8 минг АҚШ доллари (7,0 %), Бекобод 215198,9 минг АҚШ доллари (12,4 %) билан ажралиб туради. Қишлоқ туманлари орасида Оҳангарон 123316,0 минг АҚШ доллари (7,1 %), Ўртачирчиқ 101941,6 минг АҚШ доллари (5,9 %) ва 61980,8 минг АҚШ доллари (3,6 %) билан Зангиота туманлари муҳим ўрин касб этади. Жанубий Қозоғистон вилоятига туташ бўлган қишлоқ туманлари

Вилоят ташқи савдосининг ҳудудий таркиби

(минг АҚШ доллар)

	Жами	Шу жумладан	
		Экспорт	Импорт
Вилоят бўйича	2881625.2	1741758.0	1139867.2
Шаҳарлар:			
Олмалиқ	929123.6	651830.0	277293.6
Ангрен	5939.0	1973.8	3965.2
Оҳангарон	39386.1	20585.3	18800.8
Бекобод	409898.4	215198.9	194699.5
Чирчиқ	174748.9	121888.8	52860.1
Янгийўл	7864.4	449.7	7414.7
Туманлар:			
Оққўрғон	1067.8		1067.8
Оҳангарон	151077.9	123316.0	27761.9
Бекобод			
Бўстонлиқ	32399.3	20330.4	12068.9
Бўка	148.3		148.3
Зангиота	199960.6	61980.8	137979.8
Қибрай	123283.9	13916.1	109367.8
Қуйичирчиқ	1791.4	31.1	1760.3
Паркент	25393.6	16743.1	8650.5
Пискент	2232.5		2232.5
Ўртачирчиқ	156049.3	101941.6	54107.7
Чиноз	17979.8	8543.8	9436.0
Юқоричирчиқ	64926.3	47955.8	16970.5
Янгийўл	50998.9	29919.3	21079.6
Жисмоний шахслар	193220.8	11019.1	182201.7
Бошқалар	294134.4	294134.4	

Манба: Тошкент вилояти статистика ахборотномаси маълумотлари

вилоят жами ташқи савдосининг 7,7 фоизини ёки 134690,4 минг АҚШ долларини ташкил қилди.

Импорт ҳажмининг ўсиши асосан машина ва асбоб-ускуналар (вилоят импорти умумий ҳажмида 2008 йил 22,1 % бўлган бўлса, 2009 йил 32,9 % ва 2010 йилга келиб 37,9 фоизга етди), энергия ва нефт манбалари (2009 йилга нисбатан 2010 йилда ўсиш суръати 10,58 мартага тенг) ва қора ва рангли металллар келтирилиши ҳисобига бўлмоқда. Вилоят бўйича энг катта импорт улушига Олмалиқ (вилоят жами импортининг 24,3 %), Бекобод (17,1 %) ва Ангрен (4,6 %) шаҳарлари, шунингдек қишлоқ туманлари орасида Зангиота (12,1 %), Қибрай (9,6 %) ва Ўртачирчиқ (4,7 %) туманлари муҳим аҳамият касб этади. Жанубий Қозоғистон вилоятига туташ ҳудудларнинг жами вилоят импортидаги улуши 25,4 фоизга (289932,1 минг АҚШ доллари) тенгдир. Хусусан, Бўстонлиқ тумани (Чирчиқ шаҳри билан ҳисоблаганда) жами 64929,0 минг АҚШ доллари, Қибрай 109367,8 минг АҚШ доллари, Зангиота 137979,8 минг АҚШ доллари, Янгийўл (Янгийўл шаҳри билан ҳисоблаганда) 28494,3 минг АҚШ доллари ва Чиноз туманига импорт ҳажмининг 9436,0 минг АҚШ доллари тўғри келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2008-2009 йилларда вилоятда экспорт ҳажми кескин тушиб кетди. Шу жумладан, 2009 йилда 1866,1 млн. АҚШ долларига ёки ўсиш суръати 2008 йилга нисбатан 79,1 фоизга, экспорт 83,8 %, импорт эса 73,7 фоизгача тушиб кетди. Бундай ҳолат деярли бутун республика минтақалари бўйлаб кузатилди. Ташқи савдо айланмасининг бунчалик кескин тушиб кетишига аввало, жаҳон бозорида қора ва рангли металлларга бўлган талабнинг пасайиши ҳамда 2008-2009 йилларда Европа, АҚШ ва дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларида рўй бераётган жаҳон молиявий инқироzi (энг авжига чиққан даври) асосий сабаб бўлди.

Вилоят ташқи савдосини қитъалар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, унда Европа ва Осиё мамлакатлари, шунингдек Америка давлатлари етакчи

ўринга эга (3- диаграмма). 2010 йилда вилоят ташқи савдо айланмасининг 98,4 % Европа ва Осиё қитъаси давлатларига амалга оширилди. Америка, Африка, Австралия ва Океания давлатларига ташқи савдонинг атиги 1,6 % тўғри келган. Ташқи савдонинг қитъалар бўйича бундай тақсимоти 2006 йилдан бери ўзгармай келмоқда.

Мустақиллик йиллари республикада ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида олиб борилган янги сиёсат туфайли нафақат Тошкент вилояти, балки барча ҳудудларнинг ташқи савдо географияси кўп мамлакатлар билан кўп томонлама алоқалар асосида ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда Тошкент вилояти жаҳоннинг 86 дан ортиқ мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширмоқда ва улар орасида 41 та мамлакат билан ижобий сальдога эга.

Вилоятнинг йирик ташқи савдо ҳамкорлари Россия Федерацияси (27,7 %), Туркия (19,7 %), Қозоғистон (8,7 %), Хитой (8,6 %), Эрон (7,4 %), Афғонистон (6,9 %) ва Украина (4,0 %) бўлиб келмоқда (10-жадвал).

Вилоят ташқи савдосида илгаригидек узок хориж давлатлари етакчилиқ қилмоқда. Уларга вилоят ташқи савдосининг 1641,97 млн. долларлик қисми тўғри келади (10- жадвал). МДҲ давлатларининг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 43,02 % (1239,6 млн. АҚШ долл.)ни ташкил этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш асосида янги талаб ва таклиф муносабатларига ихтисослашган ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги ва ташқи савдо учун қулай шароитнинг яратилиши ташқи савдо айланмаси ҳажми ортишига олиб келди. Шунингдек, ташқи савдонинг товарлар номенклатурасини ҳам такомиллашиб боришига асос бўлмоқда. Авваламбор, экспорт товарлар таркибидаги хом ашё улушининг босқичма-босқич камайтириб боришига мос равишда рақобатбардош тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши кўпайтирилмоқда.


**Вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган
давлатлар (2010 й)**

	Вилоят товар айланмасида улуши (минг АҚШ доллари ҳисобида)	Вилоят товар айланмасида улуши (%)	2009 йилга нисбатан (%)
Россия	799621.3	27.7	152.3
Туркия	567167.6	19.7	175.8
Қозоғистон	250221.5	8.7	145.9
Хитой	246661.3	8.6	2.2 м
Эрон	213731.9	7.4	166.8
Афғонистон	200024.9	6.9	130.5
Украина	113844.9	4.0	117.4
Германия	58160.9	2.0	165.9
Буюк Британия	33564.7	1.2	129.5
Белоруссия	32151.1	1.1	111.7

Мабна: Тошкент вилояти статистика ахборотномаси маълумотлари

Бунинг учун вилоятда ва республиканинг деярли барча ҳудудларида етарли имкониятлар ва йирик хом ашё захираси мавжуд бўлиб, фақат ушбу маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, саноат ишлаб чиқаришида қайта ишловчи тармоқлар улушини ошириш лозим.

2010 йилда жаҳон бозорида пахта толаси етиштириш, экспорт қилиш ва импорт қилиш бўйича етакчи бўлган Покистон, Хитой, Бразилия, АҚШ ва Ҳиндистон давлатларида юз берган табиий офатлар (сув тошқинлари,

Тошкент вилояти ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби (2010 йил)

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

курғоқчилик ва бошқалар) натижасида пахта етиштириш ҳажми кескин тушиб кетди. Бу эса ўз навбатида, жаҳон пахта толаси ва ундан тайёрланган маҳсулотлар таннархининг ошишига олиб келди. Бундай ҳолат эса пахта толасининг энг асосий экспортчиси бўлган ва бошқаларда табиий офат туфайли ҳосил миқдори кескин камайган пайтда пахта ҳосили яхши бўлган Ўзбекистонда пахта толаси экспортининг сезиларли ошишига сабаб бўлди. Биргина нисбатан пахта кам етиштириладиган Тошкент вилоятида пахта толаси экспорти 2009 йил 7,9 фоиздан 2010 йилда 16,9 % ёки 3,5 марта ортди. Халқаро иқтисодчи экспертларнинг фикрича, жаҳонда пахта нархи ушбу йилда ҳам юқори бўлиши кутилмоқда. Чунки табиий офатлар бўлган Покистон, Хитой, Бразилия (курғоқчилик), АҚШ (сув тошқинлари ва курғоқчилик), Ҳиндистон (курғоқчилик) даги экин майдонлари ўзига келиши учун камида 1-2 йил вақт керак бўлади. Бу эса бошқа пахта етиштирувчи давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистон пахта экспортининг юқори бўлишига бевосита таъсир этмай қолмайди. Шу боисдан, Ўзбекистон минтақаларининг, шу жумладан Тошкент вилоятида ҳам пахта экспорти ортишини тахмин қилиш мумкин.

Экспортни кенгайтириш билан бир вақтда мамлакат ҳукумати томонидан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш сиёсати амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда кейинги йилларда импортнинг кўпайиб боришини кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, импорт таркибида инвестиция товарлари (машина ва жиҳозлар) улуши сезиларли ошди (37,9 %). Бу мамлакат иқтисодий сиёсатининг тармоқлар таркибини такомиллаштириш, миллий саноатни модернизация қилиш ва ривожлантиришга қаратилганини билдиради.

Вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурслар салоҳияти хорижий инвесторлар диққатини тобора жалб қилмоқда, нуфузли фирма ва компаниялар вилоят корхоналари билан савдо иқтисодий муносабатларни

ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ўтиш даврини бошдан кечираётган, чуқур таркибий ўзгаришларни ва мамлакат минтақаларининг иқтисодий фаоллигини ушбу минтақалар иқтисодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда амалга ошираётган мамлакатимиз иқтисодиёти учун ниҳоятда муҳимдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, капиталнинг халқаро ҳаракатидан бир томонлама эмас, балки ўзаро манфаатдорлик келиб чиқади. Ҳозирда бевосита хорижий инвестицияларга бўлган талаб халқаро бозорлардаги капиталнинг таклифидан ошиб кетган. Бу соҳада ҳам экспорт қилувчилар, ҳам импорт қилувчиларнинг манфаати ётади. Экспорт қилувчи мамлакатлар хорижда инвестициялашдан фойда, дивиденд, корпорацияга солиқ ва бошқа кўринишларда даромад оладилар. Импорт қилувчи мамлакатлар эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўшимча инвестицияларни молиялаштириш манбаларинигина эмас, балки асосийси тадбиркорлик маданияти, бошқарув тажрибаси, янги технологиялар, бозор ва ишлаб чиқариш алоқаларини оладилар, шунингдек янги саноат тармоқлари ва иш ўринлари яратиш, маҳаллий аҳоли даромадларининг ўсиши ва солиқ тушумларидан давлат бюджетининг мустаҳкамланишига эга бўладилар. Шунини ҳисобга олган ҳолда, республикаимиз ҳукумати томонидан хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида инвесторларга турли имтиёзлар бериш ва қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда Тошкент вилоятида 329 та фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар қайд этилган бўлиб, ушбу корхоналарнинг ташқи савдодаги улуши ҳам сезиларли ошиб бормоқда. Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони йилдан-йилга ортиб, иқтисодиёт асосий бўғинга айланмоқда. Бундай корхоналар Зангиота туманида уларнинг сони 48 та, Қибрайда 41 та, Тошкент туманида 24 та, Ўртачирчикда 18 та, Бўстонлик туманида 15 тагача қайд этилган. Шаҳарлар доирасида эса энг кўп қўшма корхоналар Чирчикда

31 та, Ангренда 19 та, Янгийўл ва Оҳангаронда 17 тадан, Олмалиқда 16 та. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатаётганлари томонидан 2009 йилда 368,7 млн. АҚШ доллари миқдорида ташқи савдо амалга оширилган. Шу жумладан, 238,1 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт, 130,6 млн. доллар ҳажмида импорт ишлари бажарилган (4-5 иловалар). Экспортда Чирчиқ (34,8 %), Олмалиқ (15,6 %) шаҳарлари ва Ўртачирчиқ (24,9 %), Янгийўл (5,8 %), Паркент (5,4 %) қишлоқ туманлари, импортда Чирчиқ шаҳри (32,7 %), шунингдек Қибрай (15,0 %), Зангиота (13,5 %) ва Тошкент (9,4 %) туманлари қўшма корхоналари нисбатан фаол иштирок этган. Умуман олганда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар вилоят экспортининг 1/5 қисмидан кўпроғини, импортининг 14,3 % тўғри келади.

2010 йилга келиб, қўшма корхоналар ташқи савдосининг миқдори 603987,2 минг АҚШ долларига етган ҳолда, вилоят ташқи савдосининг деярли 21,0 фоизини ташкил этди. Экспорт миқдори 417900,7 минг АҚШ доллари (вилоят экспортининг 24,0 %)ни, импорт миқдори 186086,5 минг АҚШ доллари (импортнинг 16,0 %)ни ташкил этди. Экспорт ҳудудий тафовутларига қарайдиган бўлсак, Чирчиқ шаҳрига вилоятдаги жами қўшма корхоналар экспортининг 22,8 % ва Олмалиқ шаҳрига 13,7 % тўғри келгани ҳолда энг юқори кўрсаткичга эга бўлса, Янгийўл 0,1 %, Оҳангарон 0,05 % ва ҳатто энг йирик саноат шаҳарларидан бири бўлган Ангрен шаҳрига 0,3 % тўғри келган ҳолда энг кам улушга эга шаҳарлар бўлди. Қишлоқ туманлари орасида экспортда Оҳангарон (21,3 %), Ўртачирчиқ (18,1 %) ва Юқоричирчиқ (10,0 %) энг фаол қатнашган бўлса, Чиноз (0,08 %), Паркент (1,6 %), Янгийўл (3,2 %) ва Қуйичирчиқ туманлари экспортда деярли қатнашмаган.

Импортнинг ҳам ҳудудий тафовутлари экспорт билан деярли ўхшаш бўлиб, қўшма корхоналар импорти 2010 йилда вилоят импортининг 16,3

фоизини ташкил қилган ҳолда миқдори 186086,5 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Импортда энг юқори улушга Қибрай (9,6 %) ва Зангиота (12,1 %) туманлари эга бўлган бўлса, Оққўрғон, Бекобод ва Қуйичирчиқ туманлари деярли қатнашмаган. Бундай ҳолатларнинг кузатилишига асосий омил сифатида ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий имкониятларини кўрсатиш мумкин. Чунки, хорижий инвесторларни албатта иқтисодий-ижтимоий имкониятлари юқори бўлган ҳудудлар ўзига жалб этиши турган гап. Бу эса иқтисодий-ижтимоий имконияти нисбатан камроқ бўлган ҳудудларни ривожланиши ортда қолиб кетиши мумкинлигини намоён қилади. Лекин мамлакатнинг оқилона минтақавий сиёсати бундай ҳолатларнинг олдини олишга имконият беради. Агар иқтисодий-ижтимоий имкониятлари нисбатан кам бўлган ҳудудларда чет эл инвесторлари учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий-ижтимоий инфратузилма яратилиб берилса, албатта бу ҳудудларга ҳам инвестициялар оқимини оширишга катта шароит яратилади. Бундай ишлар кўлами мамлакатимиз минтақавий иқтисодий сиёсатида ўз аксини топмоқда.

III. Боб. Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятларининг иқтисодий – ижтимоий ривожланиши.

3.1 Жанубий Қозоғистон вилояти хўжалик ва унинг иқтисодий – ижтимоий ривожланиши

Жанубий Қозоғистон вилояти Қозоғистон Республикаси таркибида 1932 йил 10 мартда ташкил этилган бўлиб, мамлакатнинг жанубий қисмида жойлашгани учун Жанубий Қозоғистон вилояти номи берилган (1992 йил 6 июлда қайта тикланган). Вилоят майдони 117.3 минг км² бўлиб, Қозоғистон жами майдони 4.3 % қисмини ташкил этади.

Вилоят Қозоғистон Республикаси энг жанубий қисмида, Сирдарё хавзасида жойлашган. Шимолда Қарағанда, ғарбида Қизилўрда, шарқда Жамбул вилоятлари билан, жанубда ва жануби – ғарбда Республикасининг Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятлари билан чегарадош. Хусусан Тошкент вилояти билан 310 км.га яқин масофа чегарадош бўлиб, бу чегара худуди Жанубий Қозоғистон вилоятининг Сариағаш, Қазигурт ва Тўлеби (қишлоқ) туманларини. Тошкент вилоятини Чиноз, Янгийўл, Зангиота, Қибрай ва Бўстанлиқ туманлари билан туташтириб туради. Вилоятнинг бундай, географик ўрни иқтисодий – ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Жанубий Қозоғистон вилоятининг геосиёсий ўрни мамлакат бошқа минтақаларига нисбатан анча юқори. Сабаби вилояти Марказий Осиёни марказий қисмида. Ўзбекистоннинг иқтисодий – ижтимоий жихатдан энг ривожланган Тошкент минтақасига туташ жойлашган янги бир қаторда, вилоят худудидан Марказий Осиёдаги энг муҳим транспорт йўллари ҳисобланиладиган Оренбург-Тошкент ва Туркистон-Сибирь темир йўллари туташган ҳолда ўтади. Шунингдек, унинг худудидан Тошкент Чимкент – Тараз – Бишкек – Алмати ва Тошкент –

Чимкент – Туркистон – Қизилўрда- Урал – Самара автомагистрالي ҳам ўзаро туташган ҳолда ўтади. Бу муҳим транспорт йўллари Арис (темир йўл туташган тугун) ва Чимкент (автомагистрал туташган тугун) шаҳарларида ўзаро туташади. Бундай муҳим транспорт йўллари чорраҳасида жойлашганлиги вилояти иқтисодий ижтимоий тараққиёти учун қулай имкониятлар яратади.

Вилоят ер юзаси тузилишига кўра асосан текисликлар (70%) ва тоғли ҳудудлардан иборат. Текисликларни мутлоқ баландлиги 200-300м ҳисобланиладиган Турон пасттекислигининг шарқий қисмлари эгалаб ётади. Шунингдек шимолда Бетпақдала, Мўйинқум ва Чу дарёси водийси, ғарбда Қизилқум ва Чардара даласи ва узоқ жанубини Мирзачўл эгаллаган. Жамбул вилояти билан чегара Жанубий Шарқдан шимоли – ғарб томон га 217 км чўзилган Қоратоғ фойдали қазилмаларга жуда бой бўлиб бу ерда айниқса фосфорит ва полиметтал рудалари аҳамиятлидир. Жануби – шарқда Талас – Олатовнинг Угом тизмасида вилоятнинг энг баланд нуқтаси - Сайрам чўққиси (4238 м) жойлашган. Теншан тоғининг энг ғарбий тизмаси бўлган Қоржонтоғ тизмаси Угом ва Келес дарёларини ажратиб туради. Келес дарёси водийси бўйлаб аҳоли зич жойлашган ва бу ҳудудда

Жанубий Қозоғистон вилоятининг энг асосий деҳқончилик (айниқса пахтачилик ва боғдорчилик ажралиб туради) зонаси жойлашган. Жанубий Қозоғистон вилояти мамлакатнинг энг иссиқ ва қуруқ минтақаси ҳисобланилади. Иқлими кескин континентал бўлиб вегетация даври 230-320 суткага етади. Энг иссиқ харорат Чордарада (47%) қайд этилган чўлларда ёғингарчилик 100-170 мм. тоғ 300-450 мм. баланд тоғларда эса 100мм гача етади Ёғингарчилик асосан баҳор ва куз ойларида бўлади.

Вилоят турли хил фойдали қазилмаларга бой. Бу минтақада энг кўп фойдали полиметталлар қўнғир, темир рудаси, гипс, оҳактош, ўтга чидамли гил, кварц, қуми, мрамар, қурилиш материалари ишланадиган тошлар ва

бошқа хом ашёлар, уран, фосфорит, кўрғошин ва бошқалар киради. Уран захираси бўйича (Жанубий Қозоғистон вилояти ҳудудида аниқланган Инкай уран конининг захираси бутун бошли АҚШ уран захирасидан кўп бўлиб, умуман Қозоғистон Республикаси уран захираси бўйича дунёда Канададан кейин иккинчи) вилоят Республикада биринчи ўринда турса, фосфорит ва темир захираси бўйича учинчи ўринда туради.

Вилоят сув захиралари Сирдарё, Келес, Арис, Бодом каби катта – кичик 127 дарё (умумий узунлиги 5 минг км), 34 та кўл (сув ҳажми 110 млн м³), 30 та сув омборлари (сув ҳажми 6 млрд м³), 29 та фойдаланиладиган ер ости сувлари ва 5 та минерал сув манбалари ташкил этади. Жами вилояти ҳудудига ўртача ҳисобда йилига 37 млрд м³ га яқин сув келиб ва шунча миқдорда сув кетади. Жанубий Қозоғистон вилояти ҳудуди нисбатан иссиқ ва қуруқ бўлганлиги ва бу минтақада сувни кўп талаб қиладиган деҳқончиликни пахтачилик тармоғи, саноатнинг ҳам сувни кўп талаб қиладиган кимё, қора ва рангли металлургия саноат тармоқларини шакилланганлиги боис сув захиралари эҳтиёж катта. Шу боисдан Сирдарёнинг ўнг irmoқлари ҳисобланган Арис, Бодом, Сайрам каби 100 дан ортиқ irmoқлари унга етиб бормасдан тўлиқ хўжаликда ишлатилиб кетилади. Сув омборлари ичида энг йириги бу Ўзбекистон билан туташ ҳудудда жойлашган, Чордара сув омбори 1965 йилда қурилган бўлиб, сув ҳажми 5200 млн м³ узунлиги 6000 м чуқурлиги 28.2 м.

Жанубий Қозоғистон вилояти маъмурий ҳудудий жиҳатдан 11 қишлоқ туманлари (Байдибек, Қазигўрт, Мақтаарал, Ўрдабоши, Ўтирар, Сайрам, Сариағаш, Созақ, Тўлеби, Тулкибош, Чордара), 8 та (Чимкент, Туркистон, Чордара, Еттисой, Сариағаш, Ленгер, Арис, ва Кентау) шаҳарлар (қала) 13 та шаҳарга (кент) ва 932 та қишлоқ (овул) лардан иборат. Вилоят ҳудуди 171 овул (қишлоқ) округлари ва 13 та кентлик (шаҳарча) округларига бўлинган. Вилоят маъмурий маркази - Чимкент шаҳри бўлиб, аҳолиси 579.5 минг

кишини (01.01.2010 й) ташкил этади. Чимкент шаҳри нафақат Жанубий Қозоғистон вилоятидаги балки Қозоғистон Республикасидаги ҳам йирик иқтисодий- ижтимоий марказ(шаҳар) лардан бири ҳисобланади.

Вилоят аҳоли сони бўйича Респуликада биринчи ўринда туради. Аҳолиси 2429.1 минг киши (01.01.2010 й) бўлиб жами Республика аҳолисининг 14.6% ни ташкил этади. Аҳолининг асосий қисмини қозоқлар (71.0%) шунингдек, ўзбеклар (18.0%), руслар (6.0%), тожиклар (2.0%), ва бошқа миллат (3.0%) вакилларида иборат. Аҳолининг зичлиги 1 км² 20.7 киши бўлиб, бу жиҳатдан республика уртача зичлигидан 3 марта кўпроқдир. Аҳоли айниқса Арис ва Ўзбекистонга яқин бўлган Келес водийси ва Чимкент шаҳри атрофида жуда зич жойлашган. Жами аҳолининг (2429.1 млн) 37.5% (911.8 минг киши) шаҳар аҳолиси бўлса, 62.5% (1517.3 минг киши) қишлоқ аҳолиси ҳисобланади (11-жадвал)

11-жадвал

Аҳоли сонинг ўсишининг таркибий динамikasi
йил бошига нисбатан %

Йиллар/ Кўрсаткичлар	Жами аҳоли (минг киши)	шу жумладан	
		Шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
2002	2 079,5	807,2	1 272,3
2006	2 233,6	891,7	1 341,6
2008	2 331,5	890,1	1 441,4
2009	2 381,5	895,0	1 486,5
2010	2 429,1	911,8	1 517,3

Манба:Ж.Қ.В. статистика депортаменти малумотлари


Жанубий Қозоғистон вилояти аҳолининг табиий ўсиши жихатидан Республикада энг юкори ўринлардан бирида туради. Табиий ўсишнинг бундай

юқори бўлишига асосий сабаб қилиб жанубий минтақада маҳаллий миллат вакилларининг кўплигини кўрсатиш мумкин. Чунки бошқа миллат вакилларига қараганда маҳаллий (айниқса, қozoқлар ва ўзбеклар ажралиб туради) миллат вакилларида туғилиши кўрсаткичи юқоридир. Шунингдек давлат томонидан аҳоли сонини ортишига сабаб бўлмоқда.

Жанубий Қozoғистон вилояти аҳолининг табиий ўсиши жихатидан Республикада энг юқори ўринлардан бирида туради. Табиий ўсишнинг бундай юқори бўлишига асосий сабаб қилиб жанубий минтақада маҳаллий миллат вакилларининг кўплигини кўрсатиш мумкин. Чунки бошқа миллат вакилларига қараганда маҳаллий (айниқса, қozoқлар ва ўзбеклар ажралиб туради) миллат вакилларида туғилиши кўрсаткичи юқоридир. Шунингдек давлат томонидан аҳоли сонини ортишига сабаб бўлмоқда (-жадвал ва гарфик).

4-диаграмма ва 1- график

Аҳоли сонининг ўсиш кўрсаткичлар



Манба: Ж.Қ.В. статистика депортаменти малумотлари

Фаол демографик сиёсат туфайли туғилиши даражаси 30.2 % гача кўтарилди (01.01.2010 й). Ўлганлар сони 15148 минг кишини ташкил қилди.

Аҳоли ўлимининг асосий сабаблари сифатида қон айланиши тизимини бузилиши касаллиги (43.9%) ва бахтсиз воқеалар, захарланиши ва жарҳатланиш (11.7%) каби ҳолатлар кўрсатилиб ўтилган.

Минтақада жами меҳнат ресурслари 2009 йилда 1132.7 кишини ёки 2008 йилга нисбатан 101.3% ортганини кўрсатади. Шундан 1057.6 минг киши иш билан таъминланган. Ишсизлар 75 минг кишига тенг. Меҳнат биржаларига иш сўраб келганлар сони 36200 минг кишини ёки 2008 йилига нисбатан 131.8% га ортди.

Иш сўраб келганларнинг 83.6 % (30288 минг киши) расман иш билан таъминланган. Ишсизлик даражаси жами меҳнатга яроқли аҳолининг 6.6% ни ташкил этган бўлиб меҳнат биржаларида 2009 йилда 9.6 минг киши расман ишсиз деб рўйхатга олинган.

2009 йилда хизматчиларга тўланган ўртача ойлик маош 48610 минг тангани ташкил этди. Иш ҳаққи индекси 108.2% га тенг бўлди. Жанубий Қозоғистон вилояти Республика меҳнат тақсимоотида ўзининг кўп тармоқли иқтисодиёти ва меҳнат ресурсларининг кўплиги билан ажралиб туради.

Вилоят саноат ишлаб чиқариши машинасозлик ва металлани қайта ишлаш фармацевтика ва кимё, минерал ўғитлар, рангли металлургия, ёқилғи – энергетика (айниқса уран ва нефтни қайта ишлаш), қурилиш материаллари енгил (пахта тозалаш ва тўқимачилик) ва озиқ – овқат саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Республикада ишлаб чиқарилган трансформаторларнинг – 90% ортиғи, фармацевтика препаратларининг – 70% , минерал ва газли сувларнинг 50%, мотор мойининг 37%, цеметнинг 19 %, ва эксковатор, пахта толаси, пахта ёғининг деярли ҳаммаси вилоятда ишлаб чиқарилади (етиштирилади).

Агроиқсодиёт тизими Республиканинг бошқа минтақаларидан фарқланган ҳолда турли – туман бўлиб иссиқсевар қишлоқ хўжалиги экинларининг деярли барчасини етиштиришга ихсослашган. Жумладан

республикада экиладиган пахтанинг барчаси, узумнинг деярли 90% сабзаёт экинларининг (картошкадан бошқа) 70%, полиз экинларини 90%, Жанубий Қозоғистон вилоятда етиштирилади. Аммо вилоятда етиштирилган барча турдаги иссиқсевар қишлоқ хўжалиги экинлари жами Республика эҳтиёжининг яримини ҳам қоплай олмайди. Шу боисдан, бу турдаги деҳқончилик маҳсулотлари Ўзбекистон, Эрон, Хитой, Қирғизистон ва Озарбойжон каби давлатлардан импорт қилиб олинади Қозоғистоннинг бошқа минтақаларда бундай муракаб ва мукаммал тизимга ега бўлган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси деярли учрамайди.

Умуман олганда вилоят хўжалиги индустриал – аграр йўналишда бўлиб, 2009 йил якунларига кўра вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 39.4% товар ишлаб чиқаришга, 57.4% хизмат кўрсатишган ва бошқа соҳаларга 3.2% тўғри келди. Асосий капиталга киртилган инвестиция миқдори – 319043.4 млн тангани ташкил қилиб 2008 йилга нисбатан 51.3% ортди.

Саноат ишлаб чиқариши 2009 йили амлдаги нархлар билан 255827.4 (ЯХМнинг 29.0% ни) млн тангани ташкил этди, бу мос равишда 2001 йил 117638.7 млн, 2005 йил 141228.8 млн, 2007 йил 173848.6 млн ва 2008 йилда 209616.5 млн тангани ташкил этган. 2009 йилда 2008 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқариши 2.7% (индекс 102.7%) га ўсди. Шу жумладан, саноат ишлаб чиқарилишида тоғ – кон саноати 65.9% (168674.8 млн), электр билан таъминлаш, газ, буғ бериш ва ҳавони тозалаш тармоғи 9.4% (24009.4 млн) ва бошқа тармоқлар 1.3% (3173.9 млн тангали) улушга эга (13-жадвал ва 2-график)

Вилоятда саноатни ривожланиб боришига асосий омиллардан бири давлат томонидан ҳар бир минтақа учун ишлаб чиқарилган индустриали – инновацион ривожланиш дастурининг бу минтақага мос дастури бўлган “Жанубий Қозоғистон вилоятининг индустриал – инновацион ривожланишининг 2004 – 2015 йилларга мўлжалланган стратегик режаси”

асос бўлиб хизмат қилмоқда Маҳсулот сифатлари эса жаҳон стандартларига мос бўлишига қаратилган чора - тадбирлар кенг амалга оширилмоқда.

Саноат ишлаб чиқариши миқдорининг динамикаси (2001-2009йиллар)

12-жадвал
Саноат ишлаб чиқариши
млн.танга

2001.....	
.....	117 638,7
2005.....	
.....	141 228,8
2007.....	
.....	173 848,6
2008.....	
.....	209 616,5
2009.....	
.....	255 827,4

2 -график



Манба:Ж.Қ.В. статистика депортаменти малумотлари

2009 йил озиқ - овқат саноатида 74663.5 млн (ўсиш индекси 2008 йилга нисбатан 115.8 %), ичимлик сувларини тайёрлаш тармоғида 11891.9 млн (ўсиш индекси 98.4%) тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 5187.7 млн (ўсиш 77.3%) қоғоз ва қоғоздан ясалган маҳсулот 945.4 млн (ўсиш 2.6 м), кимё саноат маҳсулотлари 1544.3 млн (ўсиш 85.7%), бошқа металл эмас минералларни ишлаб чиқаришда 14800.4 млн (ўсиш 108.2 %) ва металлургия саноатида 14983.3 млн (ўсиш 160.8 %) тангали маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шунингдек, нефт маҳсулотлари ҳисобланган бензин 810.6 минг т, керосин 240.1 минг т, газ конденсати 1276.3 минг т ва мазут 785.9 минг т ишлаб чиқарилган.

Қурилиш таъмирлаш ишлари давлат дастурларини амалга оширишга мувофиқ равишда илдам олиб борилмоқда қурилиш материалларини ишлаб

чиқариш ҳажми 2009 йилда тармоқлар бўйича қўйидагича бўлди қурилиш ғишлари 97.5 минг м³ цемент 953.1 минг т, оҳак 36231 т ва товар тизимидаги бетон 388216 т ташкил этди.

Саноат учун энг керакли бўлган электро энергия ишлаб чиқариш ҳам давлат дастурига мувофиқ ривожлантириб такомиллаштириб борилмоқда. Бунда асосан олдин мавжуд бўлган электро станцияларни модернизация қилиш ишлари юритилиб шу аснода электро энергия ҳажмини янги қурилатган ва модернизация қилинган корхоналар талабига мос бўлишини таъминлашга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Электро энергия ишлаб чиқариш 2008 йилда 1152.9 млн квт/ соат бўлиб, 2009 йилда эса 1423.7 млн квт/с (123% ўсиш)га иссиқлиг энергияси 2008 йилда 1965.4 минг Гкал бўлса 2009 йилда эса 2267.6 минг Гкал (115.4 %) га ва табиий сув 2008 йилда 64.5 млн м³ бўлса 2009 йилда 66.7 млн м³ етди.

Умуман олганда вилоят саноат корхоналари географиясида энг аввало Чимкент, Кентау ва Туркистон шаҳарлари шунингдек, Сариағаш Мақтаарал туманлари ажралиб туради. Биргина Чимкент шаҳрида вилоят саноат корхоналарининг деярли 70% жамланган улар ичида нефтни қайта ишловчи ”Петро Қозоғистаноил продакшн” ОАЖ, “Южполиметалл” АЖ, “Чимкентцемент” ОАЖ, “Асбоцемконструкция” ОАЖ, “ Чимкентмой” ОАЖ, “Химфарм” ОАЖ, “Чимкентпиво” корхоналари энг йириклари ҳисобланади.

Енгил саноат фақат маҳаллий хом ашё ва кўп сонли меҳнат ресурслари ҳамда Республиканинг ушбу турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари каби омиллар таъсирида шаклланган. Бундай ҳолатни фақат Жанубий Қозоғистон вилоятида шаклланганлигини кўриш мумкин. Еттисой, Атакент, Мирзакент, Абай ва Шардара шаҳарларида пахта тозалаш заводлари мавжуд Чимкент шаҳрида Республикадаги энг йирик тўқимачилик фабрикаси жойлашган.

Вилоят енгил саноатининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда тўқимачилик саноати йилдан - йилга ривожланиб бормоқда. Жами саноатга киритилган давлат инвестицияларининг асосий қисми енгил саноатга шу жумладан пахта толасини етиштирувчи ва тўқимачилик корхоналарига киритилган. Чунки Республиканинг бошқа минтақаларида пахтачилик тармоғини шакллантиришга имкониятлар йўқ. Шу боисдан Республика эҳтиёжларини бир қисмини бўлса ҳам, вилоят ҳисобидан таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг деярли ҳаммаси вилоят озиқ-овқат саноати ҳисобидан таъминланмоқда. Ушбу тармоқга вилоят Я.Ҳ.Д даромадининг 29.1% (74663.5млн танга) тўғри келди. Республикада етиштирилган пахта ёғининг ҳаммаси ушбу вилоятда ишлаб чиқарилади. 2009 йилда 158912 т нон ва нон маҳсулотлари, 631422 т ун , 7813 т гўшт, 13421 т сут, шунингдек, катта миқдорда маъданли сувлар ва пиво, вино, ароқ, кунгабоқар ёғи ишлаб чиқарилади.

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда вилоят бўйича 105.3 тангага тенг саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган (2009 й). Бундан юқори кўрсаткичларга Чимкент, Кентау, Туркистон ва Арис шаҳарлари эга. Қишлоқ туманлари орасида эса нисбатан каттароқ даражаси билан Мақтаарал, Сайрам, Байдибек ва Туркистон шаҳар ҳокимиятига тегишли ҳудудлари ажралиб туради минтақа саноати ривожланиши давлат томонидан қабул қилинган саноатлаштариш — инновациялаштариш дастурлари асосида саноат корхоналарини модернизация қилиш бирга мутлоқо янги корхоналарини шакллантириш билан амалга оширилмоқда. Бунда айниқса қишлоқ саноати учун жуда катта давлат маблағлари ажратилиши яққол кўзга ташланади.

Жанубий Қозоғистон вилояти Республиканинг бошқа минтақаларига нисбатан ўзига хос агроиқтисодиётга эгаллиги билан ажралиб туради. Вилоят агроиқтисодиётидаги маҳсулот миқдори (суммаси) йилдан — йилга тинимсиз

ортиб келмоқда. Жумладан, вилоятда 2001 йилда жами 55427.7 млн , 2005 йилда 95218.9 млн (2001йилга нисбатан 171.8%) танга тенг маҳсулот етиштирилган бўлса, 2009 йилда 137898.3 млн тангага тенг маҳсулот етиштирилди ва 2005 йилга нисбатан 144.8% га ўсишга эришилди.

Бундай ўсиш кўрсаткичларини давлат томонидан олиб борилаётган агроиқтисодий ислохатлар натижаси дейиш мумкин. Бундай ислохатларнинг энг муҳими сифатида давлатга қарам бўлган, агроиқтисодиётни мажбурий режали тизимдан эркин рақобатли бозор муносабатларига асосланган, хусусий (фермер), жамоавий (жамоа) хўжаликлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридан иборат бўлган тизимга ўтказилишини кўрсатиш мумкин.

Вилоят ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотида чорвачилик 51 % га, деҳқончилик эса 49% улушга эга. Ушбу тармоқ маҳсулотининг 58.6% жамоа хўжаликларида, 32.4% фермер (шаруа) хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида 9.0 % етиштирилган. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 37.3 % га картошка, сабзавот ва полиз экинлари, 20.8% га пахта экини, 16.6 % га донли ва дукакли экинлар, боғдорчилик ва узумчилик экинлари 4.6 %, мойли ўсимликлар 3.1 % ва бошқа турдаги деҳқончилик тармоқларига 17.6% тўғри келади (4-5 диаграмалар).

Вилоятнинг жами майдони 11724.0 минг га шундан 10268.4 минг га қишлоқ хўжалиги ер майдонлари ҳисобланади. Шу жумладан деҳқончилик майдонлари 641.2 минг га, ўрмон хўжалиги майдонлари 12612 га ва 9614.6 минг га яйлов майдонлари ҳисобланади.


Экин майдонлари кўп ва интенсив деҳқончилик Мақтаарал, Сайрам, Сариағаш ва Туркистон туманларида ривожланган бўлса, аксинча Арис, Кентау, Ўтирар ва Созақ туманларида деҳқончилик деярли йўқ ҳисоби. 2009 йилда 408.0 минг т турли хил дон (буғдой 290.7 минг т) ялпи ҳосили олинган, ҳосилдорлиги 21.2 ц/га. Шунингдек 270 минг т пахта (х/ги 19.6 ц/га), 555.3 минг т сабзавот экинлари (х/ги 217.6 ц/га), 36.6 минг т узум (х/ги 74.8 ц/га),

мева- зираворлар 57.4 минг т (х/ги 49.4 ц/га), картошка 155.3 минг т (х/ги 151.4 ц/га), полиз экинлари 393.0 минг т (х/ги 152.4 ц/га) ва бошқа турдаги мойли экинлардан 60.4 минг т (х/ги 8.1 ц/га) ҳосил олинди.

4-5 диаграммалар

Қишлоқ хўжалиги ялпи ҳосилининг таркибий тузилиши

умумий миқдорга % ҳисобида



Манба: Ж.Қ.В. статистика департаменти маълумотлари

Қишлоқ хўжалиги географиясида (4-5 диаграммалар) Мактаарал (17.9 %), Сариағаш (14.9 %), Сайрам (12.6 %), Туркистон (8 %), Тулкибош (7.0 %), ва Тўлеби (6.9 %) туманлари етакчилик қилади. Бу туманларни бундай етакчилик қилишига аввало уларнинг табиий шароити (ёғингарчилик ва суғорма экин майдонларининг нисбатан кўплиги) нисбатан яхшироқлиги билан белгилинади.

Вилоятда республикада мавжуд чорвачиликнинг деярли барча тармоқлари шаклланган бўлиб, асосан гўшт-сут йўналишида кўпроқ

ривожланган. Тоғ олди текисликлари, дарё водийлари, аҳоли манзиллари (овулар) атрофларида қорамолчилик (2009 йилда вилоят бўйича жами 749. 2 минг бош) , тоғ ва чўл яйловларида қўй ва эчкичилик (жами 3570.7 минг бош) ва йилқичилик (жами 151.9 минг бош от), катта шаҳарлар атрофларида чўчқачилик (жами 34.8 минг бош) ва парранадачилик (2282.4 минг бош) ва ҳатто чўл ҳудудларида саҳро кемалари бўлган туячилик (17.1 минг бош) ҳам шаклланган. 2009 йилда тирик вазнда 154.6 минт тонна чорва ва парранда гўшти, 617.7 минг тонна сут, 1142 тонна балиқ ва денгиз маҳсулотлари, 247.1 млн дона тухум, ва 6933.4 тонна миқдорида жун етиштирилган.

Чорва билан парранданинг асосий қисми жамоа хўжаликларида жамланган бўлиб, шу жумладан, 716.7 минг бош йирик чоҳли қорамол (вилоятдаги жами қорамолнинг 95.7 %) , 3007.6 минг қўй ва эчкилар (84.2 %), 133.7 минг йилқи (88.0 %), 11.1 минг туя (65.3 %) ва 22.6 минг чўчқа (64.9 %) жамланган.

2009 йилда балиқ хўжаликларида 193745 минг танг миқдорида ва ўрмон хўжаликларида эса 144394 минг танга миқдорида иш хизмати бажарилган.

Хулоса

Диссертация ишидан олинган илмий хулоса ва амалий таклифлар куйидагилардан иборат:

- Ҳозирги кунда дунё сиёсий харитасидаги энг муаммоли минтақалар ҳисобланадиган чегара ҳудудлари ўзига хос сиёсий, иқтисодий ва тарихий географик хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Масалан, Яқин Шарқ минтақаси чегара ҳудудларидаги (тарихий ва диний географик) муаммолар Ҳиндистон ва Покистон чегара ҳудуди ҳисобланган Кашмир (тарихий ва сиёсий географик) минтақасига эгаллик қилиш борасидаги ва янги мустақил бўлган давлатларнинг чегараларини делмитация қилишда чиқиши мумкин бўлган муаммолари ва бошқалар. Хусусан собиқ Иттифок парчаланиши натижасида мустақилликка эришган давлатларнинг ўз давлат чегараларини делмитация қилиши, чегара ҳудудларида келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олишга ҳаракат қилиши каби масалалар кўрила бошланди
- Чегара ҳудудлари муаммоли минтақа бўлиши билан бир қаторда чегарадош бўлган давлатлар туташ ҳудудларида ҳудудий интеграцион алоқаларни шакллантирувчи ва қўшни давлатларнинг иқтисодий алоқаларини ҳар томонлама олиб борилишига имконият ҳам яратади. Ҳудудий интеграциялар эса чегарадош минтақалардаги ишлаб чиқариш кооперациясининг самарадорлигини оширишга товар ва хизматлар савдосининг эркинлашувига, шунингдек, давлатлар ўртасида барча соҳалар бўйича ҳамкорлигини самарали олиб боришга имкон яратади. Шу сабабли ривожланиш даражасидан қатъий назар баъзи мамлакатлар ҳудудий интеграцион алоқаларни шакллантирган. Масалан, АҚШ ва Канада давлатларининг Буюк кўллар ҳавзасидаги туташ ҳудудларида икки давлат томонидан шундай иқтисодий ҳамкорлик зонаси ташкил этилганки, бундай ўта чуқур ва ҳукуматлараро ҳамкорликни дунёнинг бошқа жойида учратиш

қийин. Худудий ва минтақавий интеграция жараёнлари чегарадош давлатлар туташ худудларининг географик ўрни, транспорт коммуникацияларининг интеграцион ҳолати, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси, табиий шароит ва табиий ресурсларнинг географик жойлашуви шу худудда истиқомат қилаётган халқларнинг азалий тарихий-маънавий илдизларининг муштараклиги ва бошқа омиллар таъсирида вужудга келади.

- Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ўз чегараларини мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар билан ўзаро манфатли ва ҳолисона ҳамкорлик асосида чегара худудларидаги муаммоларни ҳал этиш борасида бир қанча эътиборга молик ишларни лоиҳа борди. Жумладан, давлат чегараларини қўшни давлатлар билан ўзаро ҳамкорликда аниқлаб, чегараларни белгилаш. Трансчегаравий объектлар ҳисобланиладиган дарёлар, қўллар, сув омборларидан, электр линияларидан, автомобил, қувур (газ қувурларидан) ҳаво ва темир йўлларида ўзаро тенг ҳуқуқли, ҳавфсизлик қойдаларига риоя қилган ҳолда оқилона фодаланишни йўлга қўйиш каби масалалар кўриб чиқилди.

- Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақасига кирадиган бешта давлатларни ўзаро боғлайдиган бамисоли кўприк сифатида минтақа ўртасида жойлашган. Бундай ҳолат эса унга жуда катта иқтисодий-ижтимоий географик имконият бериши билан бир қаторда, муҳим иқтисодий-ижтимоий географик маъсулият ҳам юклайди. Республиканинг умумий чегара узунлиги 6221 км.га тенг бўлиб, шундан Қозғоғистон 2203 км, Туркманистон 1621 км, Тожикистон 1161км, Қирғизистон 1099 км, Афғонистонга 137 км тўғри келади.

- Мамлакатимиз қўшни давлатлар билан ташқи алоқаларини самарали йўлга қўйиш мақсадида ушбу мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қанча давлат учрашувлари, саммитлар, конференциялар ва бошқа шу

каби сиёсий – иқтисодий анжуманлар амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида минтақа чегара ҳудудларидаги барча миллат вакилларининг хавфсизлигини таъминлаш, туташ минтақалардаги муаммоларни бирағаликда олдини олишга имкон яратибгина қолмай, чегарага туташ минтақаларни ўзаро ҳамкорлик асосида, яъни интеграцион тизимда ривожлантириш каби масалар борасида бир қанча шартнома ва битимларга эришилди.

- Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ҳамкорлик алоқаларини (Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 23 ноябрда ўрнатилган) биринчилардан бўлиб ўрнатди.

- Ўз навбатида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларида Тошкент ва Жанубий Қозоғистон вилоятларининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу туташ вилоятлар ҳудудлари орқали Ўзбекистон ва Қозоғистон ташқи иқтисодий алоқарининг 2\3 қисми амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятини Қозоғистон билан ташқи савдоси 2010 йилда 250221,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб(ўсиш суръати 145,9 %), Қозоғистоннинг вилоят ташқи савдосидаги улуши 8,7 % ни ташкил этди. Тошкент вилояти Жанубий Қозоғистон вилояти билан 911 км масофада чегарадош бўлиб, бу чегаралар Тошкент вилоятининг Чиноз, Янгийўл, Зангиота, Қибрай ва Бўстонлиқ қишлоқ туманлари чегаралари орқали ўтади. Ўз навбатида Жанубий Қозоғистон вилоятининг Мақтаарал, Сариағаш, Қазикурт ва Тўле би қишлоқ туманлари Тошкент вилояти билан туташдир. Бу икки вилоятнинг ўзаро туташ туманлари ҳудудидан Марказий Осиёдаги энг муҳим транспорт йўллари ҳисобланиладиган Оренбург-Тошкент ва Туркистон-Сибирь темир йўллари туташган ҳолда ўтади. Шунингдек, бу минтқадан Тошкент - Чимкент–Тараз–Бишкек–Алмати ва Тошкент–Чимкент–Туркистон–Қизилўрда- Урал–Самара автомагистралари ҳам ўзаро туташган ҳолда ўтади. Бу муҳим транспорт йўллари Тошкент (темир

йўллар ва автомагистраллар туташган тугун), Арис (темир йўл туташган тугун) ва Чимкент (автомагистрал туташган тугун) шаҳарларида ўзаро туташади.

- Бунда айниқса, Тошкент вилояти чегара ҳудудларини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг географик аҳамияти катта бўлиб, уни амалга оширишда қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд;

- Тошкент вилояти қулай иқтисодий географик ўринга эга бўлиб, у Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган;

- Тошкент вилояти иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан нафақат Ўзбекистонда балки Марказий Осиёда ҳам энг ривожланган минтақалардан бири ҳисобланилади;

- Тошкент иқтисодий географик районда транспорт инфратузилмаси яхши ривожланган бўлиб, бу ерда шимол (Европа, Россия ва Қозоғистондан), шарқ (Хитой, Қирғизистон ва Фарғона иқтисодий географик райони), жануб (Тожикистон ва Фарғона иқтисодий географик райони) ва ғарб (Туркменистон, Эрон, Афғонистон, Туркия ва бошқа) транспорт йўллари туташади.

Умуман олганда, чегара ҳудудларини географик тадқиқ қилишдан асосий мақсад ушбу туташ минтақаларда ишлаб чиқариш самарадорлигини кооперация алоқалари эвазига ошириш, товар ва хизматлар савдосини эркинлаштириш масалалари билан бир қаторда, энг йирик келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи географик минтақалардан бўлган туташ ҳудудлардаги чегараларни ўзаро келишган ҳолда белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, трансчегаравий объектлар бўлган дарёлар, кўллар, сув омборларидан, автомобил, қувур ва темир йўлларида, электр ва ҳаво линияларидан ўзаро тенг ҳуқуқли хавфсизлик қоидаларига риоя чиқишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Мақсадимиз – тинчлик барқарорлик, ҳамкорлик. Т: «Ўзбекистон» 1995 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т: «Ўзбекистон» 1995 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағисиди: хавфсизликга таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т: «Ўзбекистон» 1997 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари Т: «Ўзбекистон» 1998 й .
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т: «Ўзбекистон» 1999 й.
6. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т: «Ўзбекистон» 2004 й.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т: «Ўзбекистон» 2005 й.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари Т: «Ўзбекистон» 2009 й.
9. Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2009.
10. Альбом сельскохозяйственных карт Республики Каракалпакстан и областей Узбекистана”. - Т.: Госкомземгеодезкадастр, 2008.
11. Ата – Мирзаев О, Тухлиев Н. Узбекистан: природа, население, хозяйство. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2009.
12. Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002.
13. Ахмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006.

14. Баратов П., Маматкулов М., Рафиқов А. Ўтра Осиё табиий географияси. Т: “Ўқитувчи” 2002 й.
15. Бугаев В. К. Социально – экономическая регионалистика – СПб Издательство “ВВМ” , 2007.
16. Дмитриева С.И. Лимология: учебное пособие. Воронежский государственный университет: 2008 г.
17. Доманьский Р. Экономическая география: динамический аспект. Перевод с польского – М.: Новый хронограф, 2010.
18. Консбаев М.А. Чегара худудлари ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг географик жиҳатлари. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий- амалий конференцияси Материаллари тўплами. Т: 2010. 193-194 б.
19. Консбаев М.А. Чегара худудларини иқтисодий географик тадқиқ қилиш. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий- амалий конференцияси Материаллари тўплами. Т: 2011.
20. Ибраимова А.А. Ўзбекистон маъмурий - ҳудудий бирликлари ташқи иқтисодий алоқалари. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий- амалий конференцияси Материаллари тўплами. Т: 2011. 115-117 б.
21. Назаров М., Тожиева З. Ижтимоий география. Ўқув қўлланма. – Т., 2003.
22. Новокшонова Л.В., Трифонов Ю.В. Мировое хозяйство (учебное пособие). ЮРИСТЪ М: 2000 г.
23. Пугач И. Экономическое различия территория и поиск направлений децентрализации // Экономическое обозрение. №4, 2006 г.
24. Россия регионов : в каком социальном пространстве мы живем ? – М., 2005.
25. Расулов А. Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбоев Д. П. Гидрология асослари. – Т.: “Университет”, 2003.

26. Садыков А М Основы регионольного развития : теория, методология, практика. – Т.: “Iqtisod - moliya”, 2005.
27. Солиев А. , Аҳмедов Э., Маҳмадалиев Р ва б. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: “Университет”, 2003.
28. Солиев А, Назаров М Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойларгеографияси).- Т.: “Fan va texnologiya”, 2009.
29. Тожиева З. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (монография) . – Т.: “Фан ва технология”, 2010.
- 30 Тўхлиев Н. ва бошқалар Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. Т: 2006 й.
31. Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти: халқаро муносабатлар ва ташқи алоқларни ташкил қилиш. Т: 2008 й.
32. Ўзбекистон Республикаси Божхона қонунчилиги бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Т: «Норма» 2009 й.
33. Қажумов А., Назарова Х., Эгамбердиев Ф. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.,2004
34. Ғуломов П., Ҳасанов И. Ўзбекистон табиий географияси. – Т., 2007.
35. Экономическая, социальная и политическая география: мир, регионы, страны. Под ред. проф И. А. Родионовой – М.: Элиц – Информ, 2008.
36. “Халқ сўзи” ва “Тошкент оқшоми” газетасининг архив сонлари

Интернет манбалари рўйхати:

www.google.uz.

www.google.kz

www.google.ru

www.yandex.ru

www.mfa.uz

www.gov.uz

www.tps.uz

www.region.uz

www.natlib.uz

www.press-service.uz

www.uza.uz

www.jahon/mfa.uz

www.ziyonet.uz

www.stat.uz

ukstat@shym.kz

www.ontustik.stat.kz

zeitling@rambler.ru

www.apta.kz

Энг узун куруклик чегараларига эга мамлакатлар

	Давлатлар	Чегара узунлиги км
1	Хитой	22117
2	Россия	20344
3	Бразилия	16885
4	Ҳиндистон	14103
5	Қозоғистон	12185
6	АҚШ	12034
7	Конго Дем Рес	10730
8	Аргентина	9861
9	Канада	8893
10	Монголия	8220
11	Судан	7687
12	Перу	7461
13	Мали	7243
14	Боливия	6940
15	Покистон	6774
16	Жазоир	6343
17	Чили	6339
18	Колумбия	6309
19	Ўзбекистон	6221
20	Чад	5968

Манба: © А. П. Олейник «Страны мира в цифрах/2010»

Ўзаро чегараси энг узун бўлган 20 та давлат

	Давлатлар	Чегара узунлиги
1	АҚШ-Канада	8893
2	Россия-Қозоғистон	6846
3	Аргентина-Чили	5308
4	Хитой-Монголия	4677
5	Ҳиндистон-Бангладеш	4053
6	Россия-Хитой	3645
7	Россия-Монголия	3543
8	Бразилия-Боливия	3423
9	Хитой-Ҳиндистон	3380
10	АҚШ-Мексика	3141
11	Бразилия-Перу	2995
12	Ҳиндистон-Покистон	2912
13	Конго Дем.Рес.	2511
14	Покистон-Афғонистон	2430
15	Конго Дем.Рес-Конго(Браззавил)	2410
16	Мавритания-Мали	2237
17	Қозоғистон-Ўзбекистон	2203
18	Бразилия-Венесуэла	2200
19	Хитой-Мьянма	2185
20	Вьетнам-Лаос	2130

Манба: © А. П. Олейник «Страны мира в цифрах/2010»

Дунё океанига бевосита чиқаолмайдиган давлатлар ҳозирги кунда жами 43 та бўлиб, Булар қуйидагилар: Австрия, Озарбайжон, Андорра, Арманистон, Афғонистон, Белоруссия, Боливия, Ботсвана, Буркина-Фасо, Бурунди, Бутан, Ватикан, Венгрия, Замбия, Зимбабве, Қозоғистон, Қирғизистон, Лаос, Лесото, Лихтенштейн, Люксембург, Македония, Малави, Мали, Молдавия, Монголия, Непал, Нигер, Парагвай, Руанда, Сан-Марино, Свазиленд, Сербия, Словакия, Тожикистон, Туркменистон, Уганда, Ўзбекистон, МАР, Чад, Чехия, Швейцария, Эфиопия

Қирғоқ чизиғи энг узун 20 давлат

№	Давлатлар	Чегара узунлиги
1	Канада	202080
2	Индонезия	54716
3	Россия	37653
4	Филиппин	36289
5	Япония	29751
6	Австралия	25760
7	Норвегия	25148
8	АҚШ	19924
9	Янги Зеландия	15134
10	Хитой	14500
11	Греция	13676
12	Буюк Британия	12429
13	Мексика	9330
14	Италия	7600
15	Бразилия	7491
16	Дания	7314
17	Туркия	7200
18	Ҳиндистон	7000
19	Чили	6435
20	Микронезия Ф.Ш.	6112

Манба: © А. П. Олейник «Страны мира в цифрах/2010»

Қуруқлиқда чегараси йўқ давлатлар ҳозирги кунда жами 36та. Булар: Австралия, Антигуа ва Барбуда, Багама ороллари, Барбадос, Бахрейн, Вануату, Гренада, Доминика, Исландия, Кабо-Верде, Кирибати, Комор ороллари, Маврикий, Мадагаскар, Мальдив ороллари, Мальта, Маршалл ороллари, Науру, Янги Зеландия, Палау, Самоа, Сан-Томе ва Принсипи, Сейшал ороллари, Сент-Винсент ва Гренадин, Сент-Китс ва Невис, Сент-Люсия, Соломон ороллари, Тонга, Тринидад ва Тобаго, Тувалу, Фижи, Филиппин, МФШ, Шри-Ланка, Ямайка, Япония

Тошкент вилоят ташқи савдо айланмасининг таркибий тузилиши (% ҳ-да)
Экспорт

	2009	2010	2009 йилга нисбатан % ҳ-да
Пахта толаси	7,9	16,9	3,5 марта
Озиқ-овқат маҳсулотлари	16,2	14,4	88,9
Кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	8,6	6,7	78,0
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,03	0,02	66,6
Қора ва рангли металлургия	51,8	47,4	92,1
Машина ва ускуналар	1,5	1,5	100
Хизматлар	0,7	0,7	100
Бошқалар	13,3	12,4	93,3

Импорт

	2009	2010	2009 йилга нисбатан % ҳ-да
Озиқ-овқат маҳсулотлари	10,7	9,1	85,1
Кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	8,8	7,3	82,9
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,5	3,7	10,6 марта
Қора ва рангли металлургия	13,6	12,1	89,0
Машина ва ускуналар	32,9	37,9	115,2
Хизматлар	0,1	0,1	10,3 марта
Бошқалар	33,5	29,8	89,0

Манба : Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудий таркиби
(вилоят жамига нисбатан фоизда, 2009 й.).

т/ р	Қишлоқ туманлари	бошоқли дон	сабзавот	картошка	Мева	узум	гўшт	сут	тухум	йирик шоли қорамол	қўй ва эчкилар
1	Бекобод	9,7	12,8	6,7	4,4	0,9	6,8	9,7	1,7	8,1	4,0
2	Бўстонлиқ	2,5	9,1	9,6	12,4	10,5	7,8	9,3	2,2	7,7	13,3
3	Бўка	12,1	1,6	3,8	1,7	0,3	6,1	6,5	1,7	8,1	6,4
4	Зангиота	1,6	8,2	6,3	8,0	5,3	7,6	6,0	13,1	5,2	2,2
5	Оҳангарон	5,7	2,7	1,4	3,2	6,4	5,0	5,3	1,1	6,9	20,9
6	Оққўрғон	8,1	6,0	4,6	3,7	0,7	5,5	6,5	2,4	7,0	3,3
7	Паркент	2,6	2,2	2,2	6,6	36,7	4,4	5,7	0,2	6,0	12,5
8	Пискент	8,3	5,0	11,2	1,6	1,7	5,1	6,3	3,5	6,2	5,9
9	Тошкент	1,6	6,3	7,8	7,4	9,2	5,0	5,1	6,2	3,4	1,6
10	Чиноз	6,0	8,7	11,6	3,5	1,1	5,8	5,9	1,9	5,9	4,1
11	Юқоричирчиқ	10,7	3,5	3,4	6,4	2,4	5,7	6,3	3,0	6,0	2,4
12	Янгийўл	6,0	9,6	5,8	17,3	9,4	5,9	6,3	3,8	6,3	5,4
13	Ўртачирчиқ	10,6	5,9	6,6	2,0	0,9	8,9	5,7	12,5	6,6	5,4
14	Қибрай	2,6	7,1	11,3	12,4	5,9	5,6	5,3	42,2	5,2	3,1
15	Қуйичирчиқ	11,8	4,8	5,4	2,9	4,1	4,6	6,4	2,8	5,8	1,6
	Шаҳар жойлар	0,0	6,5	2,2	6,4	4,3	10,2	3,8	1,7	5,5	7,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Тошкент вилояти фермер хўжаликлари ҳақида маълумотлар (2009 й.)

	Қишлоқ туманлари	Фермер хўжалик лари сони	Бирик тирилган ер майdonи, минг га	Ишлайди ган ходимлар, минг киши	1 фермер хўжалигига тўғри келадиган:		Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотидаги улуши, %
					ер майдо ни, га	ишчи ходим лар сони	
	Вилоят жами	7471	445,0	118,3	59,6	15,8	35,2
1	Бекобод	517	43,4	11,8	83,9	22,8	33,3
2	Бўстонлиқ	437	47,9	1,9	109,7	4,3	30,6
3	Бўка	604	43,8	20,9	72,5	34,6	38,8
4	Зангиота	315	8,3	3,2	26,4	10,2	25,9
5	Оҳангарон	560	41,9	3,5	74,8	6,2	31,3
6	Оққўрғон	437	27,7	9,7	63,4	22,2	38,8
7	Паркент	1054	37,3	5,1	35,4	4,8	38,5
8	Пискент	382	29,1	7,7	76,3	20,1	40,3
9	Тошкент	289	6,0	4,0	20,9	13,8	43,8
10	Чиноз	254	21,2	6,8	83,4	26,8	42,4
11	Юқоричирчиқ	343	27,6	6,5	80,4	18,9	38,7
12	Янгийўл	437	25,7	10,9	34,9	14,8	41,9
13	Ўргачирчиқ	390	34,5	7,0	88,4	17,9	37,7
14	Қибрай	548	10,5	2,3	19,1	4,2	28,3
15	Куйичирчиқ	555	39,4	16,9	71,1	30,4	47,4


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жанубий Қозоғистон вилоятининг ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари
(млн АҚШ доллари)

	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт
2005	968,3	476,5	491,8
2006	1 756,6	1 082,3	674,3
2007	2 648,4	1 583,6	1 064,8
2008	3 368,6	2 214,3	1 154,3
2009	2 493,9	1 537,7	956,2

Манба : Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари


**Жанубий Қозоғистон вилояти ташқи савдо айланмаси кўрсаткичларининг ўтган йилга нисбатан ўсиши
(фоиз ҳисобида)**



Манба: Ж.Қ.В. статистика департаменти маълумотлари

Жанубий Қозоғистон вилоятининг асосий ташқи савдо ҳамкорлари


(Экспорт)



Манба: Ж.Қ.В. статистика департаменти маълумотлари


Жанубий Қозоғистон вилоятининг асосий ташқи савдо ҳамкорлари

(Импорт)



Манба: Ж.Қ.В. статистика департаменти маълумотлари

Жанубий Қозоғистон вилоятининг экспорт ва импорт динамикаси
(млн. АҚШ доллари ҳисобида)



Манба: Ж.Қ.В. статистика департаменти маълумотлари